

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ИЖТИМОЙИЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ**

“ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ”

Фанидан

МАЪРУЗАЛАР КУРСИ

Тошкент – 2012 йил.

Тузувчи: Юлдашева С.М. "Педагогик маҳорат" фанидан маърузалар курси.-
Тошкент: 2012 йил.
ТошФарИ нашри, 2012.- 92 бет.

Ушбу маърузалар курси касбий таълим йўналиши бакалавиятура талабалари учун мўлжалланган.

Такризчилар: П.ф.н.профессор Юлдашева С.М.

Доцент Қодирова С.Х.

СЎЗ БОШИ

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий , маънавий соҳаларда жаҳонга юз тутиши, ўз тараққиёт йўлини белгилаб олганлиги, бозор иқтисодиёти муносабатларига тобора чуқурроқ кириб бораётганлиги олий ва ўрта махсус таълим олдига юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган ҳар жихатдан рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш вазифасини кўндаланг қилиб қўймоқда. Бу эса ҳозирги вақтда олий ўқув юртларида давр талабига жавоб берадиган ёш мутахассисларни фақат назарий билимларни чуқур ўрганган ҳолда эмас, балки айтилиб бораётган вақтда буюк инсоний фазилатларга эга бўлган, муомалага кириша оладиган, ўз ишини пухта эгаллаган моҳир мутахассислар этиб тайёрлашга катта эътибор қилишни талаб этади. Айтилиб, ҳозирги даврнинг бу талаби бўлажак ўқитувчиларни юксак педагогик маҳорат ва техника кўникмалари билан қуролланган, маданиятли шахс сифатида тайёрлаш кераклигини яна бир бор талаб этмоқда.

”Дунёда нуфузли касблар кўп,аммо улар орасида ўқитувчилик касби алоҳида мавқега эга.Айтилиб,замонда ўқитувчи касбига ниҳоятда катта талаблар қўйилади,чунки биз мураббий, муаллим қўлига фарзандларимиз тақдирини ишониб топширамыз”- деган эди Президентимиз И.А.Каримов.

Ушбу вазифани ҳал этишда, шубҳасиз, “Педагогик маҳорат” фанининг ҳам ўз ўрни мавжуд. Мазкур маърузалар курси “Педагогик маҳорат” курси режа ва дастурига мувофиқ равишда тартиблаштирилган бўлиб, унда “Педагогик маҳорат” фани бўйича маърузалар , мустақил ишлари мавзулари бўйича услубий тавсиялар ҳамда адабиётлар рўйхати ўрин олган. Мазкур фанининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда мавзулар тизимли равишда, бир-бирига боғлиқ ҳолда баён этилган, ҳар бир маърузада унинг мазмунини акс этган таянч иборалар алоҳида ажратиб кўрсатилган. Шуниси диққатга сазоворки, матнларда жаҳон педагогларининг педагогик маҳоратга доир қарашлари билан бир қаторда буюк шарқ мутафаккирларининг ҳам бу соҳадаги қарашларига алоҳида ўрин ажратилган. Мазкур маърузалар курси кундузги бўлим V босқич талабаларига мўлжалланган бўлиб, 5111000-“Касбий таълим” мутахассислигига мувофиқ равишда тайёрланган.

Республикамыз Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида таъкидлаганидек, “Буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш” зарурдир. Бунинг учун миллий баркамол кадрларни тайёрлаш замон талабидир. Мазкур маърузалар курси мана шу талабга акс садо сифатида майдонга келди, десак хато қилмаган бўламиз.

БИРИНЧИ БЎЛИМ: ПЕДАГОГИК МАҲОРАТНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

1-мавзу: Педагогик маҳорат ҳақида тушунча, унинг ўқитувчи фаолиятидаги ўрни ва аҳамияти. (2соат)

Таянч иборалар: Педагогик маҳорат; педагогик маҳорат предмети; педагогик маҳорат курсининг вазифалари; педагогик ижодкорлик; педагогик мулоқот; муомала; педагогик масала; педагогик вазият; импатия; педагогик қобилият; педагогик техника; ўқитувчининг шахсий интилиши; профессияграмма; ташкилотчилик; мўлжаллай олиш; кузатувчанлик; педагогик маҳорат малакалари; индивидуал педагогик техника; бир қолипдаги фикрлар; ўқитувчининг шахсий хусусиятлари; ихтисосга оид методик тайёргарлик; ўқитувчининг фаолиятида инсонпарварлик.

Асосий саволлар:

1. Педагогик маҳорат фанининг предмети, мақсад ва вазифалари
2. Педагогик маҳорат тушунчаси.
3. Педагогик маҳоратнинг тузилиши.
4. Педагогик фаолият ва маҳорат

1. Педагогик маҳорат фанининг предмети, мақсади ва вазифалари

Замонавий, илғор ўқитувчиларнинг таълим-тарбия соҳасида эришган умумпедагогик тажрибалари – қобилият ва маҳоратлари “Педагогик маҳорат” курсининг предмети ҳисобланади.

Мазкур қобилият, маҳоратининг мазмун- моҳияти, таркибини система сифатида ўрганишда, олий ўқув юртларида касбий тайёргарликни амалга ошириш “Педагогик маҳорат” курсини ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади. “Педагогик маҳорат” курс ўқитувчилари, жумладан, бўлажак ўқитувчиларни таълим-тарбиявий ишларга илмий методик ва амалий жиҳатдан тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Унинг асосий вазифалари: бўлажак тарбиячи, ўқитувчида педагогик ижодкорлик, топқирлик, педагогик мулоқот, ўқитувчи нутқи, ўқувчига ҳар томонлама ижобий таъсир этиш усуллари, педагогик техника ҳамда тарбиячининг тарбиячилик маҳоратини шакллантиришдан иборатдир.

Амалий-семинар дарсларда эса, ўқитувчи нутқи ва фикрлаш маданияти, педагогик таъсирининг ранг-баранг усуллари, тарбиячи-ўқитувчининг ташкилотчилик маҳорати каби масалалар ўрганилади.

Амалий дарсларда диққат ва ҳаёлни тўплаш машқлари бажарилади. Лаборатория ва мустақил ишларга ажратилган соатларда педагогик вазиятлар ҳосил қилиниб, талабалар ҳамкорлигида ечилади. Бундай масала ёки педагогик вазиятлар ўқитувчининг ўқувчилар билан муомала

қила билиши, малакасини тарбиялашга хизмат қилади. “Педагогик маҳорат” курсининг амалий дарсларидан муайян қисми мактаблар ва коллежларда ўтказилиши мумкин ва улар назарий билимларни мустаҳкамлашни кўзда тутди. “Педагогик маҳорат” фанининг бошқа педагогик тизимдаги фанлардан асосий фарқи шундаки, у ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларида кенг ижодий имкониятлардан фойдаланиш учун битмас-туганмас ижодий фаолият учун майдон ҳисобланади.

2. Педагогик маҳорат тушунчаси

Республикамиз мустақилликка эришгач, унинг олдида жуда қисқа муддатда янгича фикрловчи, республика равнақи, тараққиёти учун онгли равишда курашувчи етук мутахассис кадрларни тайёрлаш вазифаси кўндаланг турди. Натижада “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қонунлари қабул қилинди. Етук мутахассис ва янгича фикрловчи шахсларни шакллантириш учун чуқур билимнинг ўзигина кифоя қилмаслиги Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Баркамол авлод- Ўзбекистон келажагининг пойдевори” номли нутқида қуйидагича ўз ифодасини топди : ”Бизга мактабни битирганлар эмас, мактаб тарбиясини кўрганлар керак”. Бу билан Президент билимлар йиғиндисини эгаллашга эмас, балки уларни эгаллаб, турли касб-хунарлар сири, маҳоратини ўзлаштиришга хизмат этувчи билимларни ўрганиш лозимлигини кўрсатиб берди.

Савол туғилади: Педагогик маҳорат нима ўзи ?

Педагогик маҳорат бу — фаҳм-фаросат ва чинакам илмий билимларнинг, тарбиядаги қийинчиликларни енгишга қодир бўлган обрўли раҳбарликнинг, ўқувчилар қалбининг қандайлигини ҳис қилиш маҳорати (импатия), ички дунёси, нозик ва заиф бўлган бола шахсига моҳирона, авайлаб ёндашиш, донолик ва ижодий дадиллик, илмий таҳлил, ҳаёл ва фантазияга бой бўлган қобилият мажмуасидир.

3.Педагогик маҳоратнинг тузилиши

Педагогик маҳорат қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади:

- 1.Ўқитувчи фаолиятида инсонпарварликнинг устунлиги.
- 2.Педагогик истеъдод, қобилият.
- 3.Педагогик техника (санъат)
- 4.Ўқитувчининг шахсий интилиши.

1.Педагогик маҳорат назарияси методикасининг ишлаб чиқилмаганлиги шунга олиб келадики, педагогларнинг ҳар бири ўз-ўзича, пайпаслаб ижодий изланиш олиб боради: болалар билан, педагогик жамоа билан қандай қилиб яқиндан тил топиш мумкин ? Қандай қилиб қисқа муддат ичида болалар ўртасидаги муносабатларнинг ҳаққоний манзарасига эришмоқ мумкин ? деган саволларга жавоб излайди.

Бу саволларга бериладиган жавоблар ҳар бир моҳир педагогнинг фаолияти учун зарур бўлган умумий педагогик малакаларни

шакллантириш билан боғлиқ бўлиб, мазкур муаммони ҳал қилиш педагогдан одатдан ташқари куч-ғайрат, қатъият, тиришқоқлик, ижодийликни, ўз фаолиятини тўғри баҳолай билиш, шунингдек, болалар, тарбияланувчиларга нисбатан инсонпарварона муносабатда бўла олишни талаб этади. Ибн Сино “Тадбири манзил” асарида бола учун ўқитувчи танлаётганда унинг тўғри сўз, ҳалол, тоза-озода ва болаларни севувчи киши бўлишига эътибор бериш лозимлигини таъкидлаганида ўқитувчининг инсонпарварлик сифатини назарда тутган эди.

2. Ҳар бир инсонда у ёки бу касбга қобилият мавжуд бўлади. Баъзи таникли рухшуносларнинг фикрича (Ф.Ғоноболин, Н.Кузмина), педагоглик касби учун қуйидаги 6 хил қобилиятлар муҳим ҳисобланади:

1. Ўртага туша билиш
2. Ташкилотчилик
3. Ўзини идора эта билиш
4. Мўлжаллай олиш, чамалай билиш
5. Кучлилиқ, зеҳнлилиқ
6. Фаолиятга ижодий ёндашиш.

Буларнинг барчаси тарбиявий мақсад мавжуд бўлган, инсонпарварлик нуқтаи-назаридан туриб ёндашилган тақдирдагина педагогик қобилият таркибига кириши мумкин.

3. Педагогик техника- педагогик маҳоратнинг асосий қисмларидан бири бўлиб, у ўқитувчидан ўқувчилар билан муомала қилганда зарур сўз, гап оҳанги, қараш, имо-ишорани тез ва аниқ топиш, энг ўтқир ва кутилмаган педагогик вазиятларда осойишталик ва аниқ фикр юритиш, таҳлил қилиш қобилиятини сақлаб қолиш имконини беради. Ҳақиқий педагог таъсир кўрсатишни ўқитувчининг педагогик техника соҳасидаги барча малакалари бир пайтда яққол кўринади. Нутқ, имо-ишора, мимика ҳаракат билан бирга содир бўлади.

Педагогик техника малакаларининг шаклланиш даражаси маълум даражада педагогнинг умумий тайёргарлик даражасини, яъни шахснинг педагогик имкониятларини акс эттиради. Педагогнинг нутқи тартибсиз, қашшоқ бўлса, ўзи жиззаки бўлса, диди паст, маданиятсиз бўлса, энг топиб гапирган тўғри сўзи ҳам тарбияланувчиларга таъсир этмайди, балки тескари натижага олиб келиши мумкин.

Шунинг учун ҳам, тарбиячи аввало ўзи тарбияланган, ўтириб-туриш, суҳбатлашиш маданиятини қон-қонига сингдирган бўлиши лозим.

Ҳар йигитнинг аслин билай десангиз
Маъракада ўтириб-туришини кўринг.
(Махтумқули)

4. Ўқитувчининг шахсий интилиши, муносабати педагогик маҳорат таркибий қисмлари орасида муҳим ўринни эгаллайди. Унинг бундай шахсий муносабати унда тегишли бир қолипдаги фикрлар системаси мавжудлиги билан изоҳланади, шу туфайли у кўп ҳолларда деярли автоматик равишда таъсирларга жавоб бера олади. Чунончи, ўқувчилар

билан албатта хушмуомалада бўлиш, дилкашлик ўқувчи шахсига принципиал ёндашишнинг юқори даражада бўлиши, ўзининг бирорта ҳам ўқувчиси ёмон эмаслиги, бунинг устига ишончсиз бўлиши мумкин эмаслигига ишонч кабилар.

Лекин бундай бир қолипдаги фикрлар салбий рол ўйнаши ҳам мумкин. Масалан, ҳамкасби ўқувчилар билан ҳақиқатда нотўғри муносабатда бўлганда унга қарши туриш ўрнига, уни ҳимоя қила бошлайди.

Ўқитувчининг хоҳиш-истаги ҳаққонийлик ва инсонпарварлик характерида бўлсагина бундай чекланишларга йўл қўйилмаслиги мумкин бўлади.

4.Педагогик фаолият ва маҳорат

Педагогик фаолият- ёшларни ҳаётга, меҳнатга, Ватан муҳофафасига тайёрлаш учун халқ олдида, давлат ва жамият олдида жавоб берадиган, болаларга таълим-тарбия бериш иши билан шуғулланадиган ва бу ишга махсус тайёрланган кишиларнинг меҳнат фаолиятидир.

Мактаб ўқитувчиларининг фаолияти республикамизда буюк давлат – жамиятни қурувчи ва унда яшаб меҳнат қилувчи етук, эркин фикрловчи инсон шахсини шакллантиришга қаратилган. Ўқитувчининг баркамол авлодни тарбиялаш ва унда янги инсонга хос сифатларни таркиб топтириш вазифаси энг олийжаноб, юксак ва шу билан бирга шарафли ва мураккаб вазифадир. Ҳар бир тарбияланувчи ўз хулқ-атвориغا, характериға эға. Уларни ўқитиш ва тарбиялашда уларнинг ана шу ўзига хос хусусиятларини ҳисобға олиш ниҳоятда мураккабдир. Бунга инсонлар ўртасида ижтимоий муносабатларнинг мураккаблигини ўзида акс эттирувчи махсус усуллардан фойдаланилади.

Педагогик фаолиятга тайёргарлик кўраётган ёшлар унинг ана шундай хусусиятларини билишлари лозим.

Ўқитувчилик ихтисосининг бу хусусиятлари унинг прфессиограммасида ўз ифодасини топади: 1) ўқитувчининг шахсий хусусиятлари; 2) Ўқитувчининг педагогик-психологик тайёргарлигига қўйиладиган талаблар; 3)Махсус тайёргарликнинг ҳажми ва таркиби; 4)Ихтисосға оид методик тайёргарлик мазмуни.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

- 1.Педагогик маҳорат фанининг предмети, мақсади ва вазифалари нималардан иборат ?
- 2.“Педагогик маҳорат” тушунчасини таърифлаб беринг.
3. Педагогик ижодкорлик нима ?
- 4.”Педагогик муомала” деганда нимани тушунасиз?
- 5.”Емпатия” нима ?
- 6.”Педагогик қобилият”ни таърифлаб беринг ?
- 7.”Бир қолипдаги фикрлар” деб нимаға айтилади ?
- 8.Ўқитувчининг шахсий хусусиятларига нималар киради ?
- 9.Ихтисосға оид методик тайёргарлик деганда нимани тушунасиз ?

10. “Педагогик техника “ тушунчасини тавсифлаб беринг.

2-мавзу: Педагогик фикр ва мактаб амалиётида ўқитувчи маҳорати масалалари. Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар. (2соат)

Таянч иборалар: К.Ушинский тарбия санъати ҳақида; Л.Толстой ўқитувчи шахси ҳақида; А.Дистерверг билим тўғрисида; Е.Таге ўқиш санъати ҳақида; Шарқ мутафаккирлари таълим-тарбия ҳақида; Ал-Хоразмий, Ал-Фаробий, Юсуф Хос Хожиб, Ибн Сино, Б.Зарнужий педагогик маҳорат тўғрисида.

Асосий саволлар:

- 1.Хорижий педагоглар педагогик маҳорат тўғрисида
- 2.Буюк Шарқ мутафаккирлари педагогик маҳорат ҳақида.
- 3.Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар.

Педагогик маҳоратнинг асосий пойдеворини касбга доир билимлар ташкил этади. Бундай билимлар мазмуни эса ўқитилаётган фан мазмуни, методикаси, педагогикаси ва психологиясига доир билимларни ўз ичига олади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунида (5-модда): ”Тегишли маълумот, касб тайёргарлиги, бой ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга”, деб таъкидланган.

“Таълим тўғрисида”ги Қонун талабларини бажариш педагогик фаолият самарадорлигини оширишни, демак, бўлажак ўқитувчиларда педагогик маҳоратни шакллантиришни талаб этади.

1.Хорижий педагоглар педагогик маҳорат тўғрисида

“Тарбия санъати шундай хусусиятга эгаки, - деган эди К.Ушинский, - деярли барчага таниш ва тушунарли, баъзиларга эса жуда осон иш бўлиб туюлади- одам бу иш билан назарий ва амалий жиҳатдан қанчалик кам таниш бўлса, унга шунчалик тушунарли ва осон бўлиб кўринади. Деярли бунинг учун туғма қобилият ва малака, яъни кўникма керак деб айтадилар, лекин жуда кам одам сабр-тоқат, туғма қобилият ва малакадан ташқари яна махсус билимлар кераклиги ҳақида ишонч ҳосил қилади”.

В.Сухомлинский, А.Макаренко, А.Дистерверг, Л.Толстойлар ҳам инсонга билим, кўникма, ва малакаларни сингдиришда педагогик маҳоратнинг роли буюк эканлигини таъкидлаганлар.

Масалан, Л.Толстой ҳақиқий ўқитувчи шахсига классик тавсиф бериб, қуйидагиларни ёзган эди:”Агар ўқитувчи фақат ўз ишига ҳавас қўйган бўлса, у яхши ўқитувчи бўлади. Агар ўқитувчигв фақат отаси, онаси каби ҳавас қўйган бўлса, у олдинги ўқитувчидан яхшироқ бўлади”. Борди-ю, мужассамлаштира, у ҳолда у мукамал ўқитувчи бўлади”. Касбий тайёргарликнинг аҳамиятини яхши тушунган А.Дистерверг эса:

” Ўзинг билмаган нарсаларни бировларга ўргата олмайсан”, -деган эди.

Педагогик маҳоратни шакллантиришда ўқиш санъатининг роли ҳақида Эмил Таге шундай деган эди: ”Ўқиш санъати ўзганинг кўмаги ёрдамида фикр юритиш санъатидир. Ўқиш ўзга билан биргаликда фикрлаш, ўзганинг фикрини мулоҳаза қилиб кўриш, ўзимизнинг фикрларимизни ўлчаш ва унга зид фикрларни ҳаёдан ўтказиш демакдир”.

Андрей Моруа эса, А.Навоий каби, касбни камолга етказиш ҳақида гапириб:”Агар инсон бирор касбни мукамал эгалласа, меҳнат унга ҳузур бағишлайди, бахт келтиради” деб ёзган эди. Бу ҳақида А.Навоий шундай ёзган эди:

Камол эт касбким олам уйидан ,
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотаом ўтмак биайних
Ерур ҳаммомдин нопок чиқмоқ

2.Буюк Шарқ мутафаккирлари педагогик маҳорат ҳақида.

Қуйида биз буюк Шарқ мутафаккирларининг педагогик маҳоратга доир айрим фикрларини келтирамиз.

Буюк мутафаккир Муҳаммад ал-Хоразмий “Ал-жабр ва муқобала” номли асарида педагоглар фаолиятига баҳо бериб қуйидагиларни ёзган эди:

“Улардан бири ўзидан аввалгилар қилган ишларини амалга оширишда бошқалардан ўзиб кетади ва ўзидан аввалгиларни асарларини шарҳлайди, табиат сирларини очади, йўлни ёритади ва уни тушунарлироқ қилади. Ёки бу айрим китобларда нуқсонлар топадиган ва сочилиб ётганини тўплайдиган одам бўлиб, у ўзидан аввалгилар ҳақида яхши фикрда бўлади, такаббурлик қилмайди ва ўзи қилган ишдан мағрурланмайди”. Бу билан олим педагогнинг қийин муаммоларни осон қилиб тушунтира олиш, ижодкорлик каби маҳоратларни қўллаб-қувватлайди.

Абу Наср Фаробий ўзининг “Бахт саодатга эришув” номли асарида таълим-тарбия бериш усулини икки турга бўлади: рағбатлантириш ва жазолаш (мажбур қилиш).У мазкур усулларни изоҳлар экан, ўқитувчининг педагогик маҳоратига ҳам тўхталиб ўтади: ”Болалар устида турган одам эса муаллим бўлиб, у тарбия беришда турли тарбия усулидан фойдаланади. Мана шундан маълум бўладики, ҳукумат ва муаллим ҳар иккалови ўз йўлида болалар ёки халққа тарбия берувчилар, устоз ва муаллимлардир. Улардан бир болаларга меҳрибонлик ва яхши сўзлар билан тарбия берса, иккинчиси мажбурий равишда тарбиялайди” (108бет). Унингча, педагоглик касби билан ўзида 12 туғма хислатни мужассамлаштирган кишилар шуғулланиши лозим:

- 1.Барча органлари мукамал тараққий этган;
- 2.Барча масалани тез ва тўғри тушуна оладиган;
- 3.Хотираси кучли бўлган;

- 4.Зехни ўткир бўлган;
- 5.Нутқи равон бўлган;
- 6.Билиш ва ўқишга муҳаббати кучли бўлган;
- 7.Кўзи тўқ, покиза бўлган;
- 8.Ҳақиқатпарвар бўлган;
- 9.Ғурур ва виждонли бўлган;
- 10.Пулни севмайдиган;
- 11.Адолатли ;
- 12.Қатъиятли, қўрқмас ва жасур кишилар.

Шу билан бирга у “Таълим-тарбия аҳллари ҳам ўз билимларини даражасига қараб” бир-бирларидан фарқ қилишлари, ортиқ-кам бўлишлари, баъзи бирларида кашф ихтиро қувват бўлмаслиги, баъзиларида эса бу қуввати камроқ бўлишини таъкидлайди (110бет). Фаробий шогирдга нисбатан ўта қаттиқ ёки ўта юмшоқ муносабатда бўлишнинг зарарли эканлигини ҳам таъкидлаб ўтади.

Буюк мутафаккир **Абу Райҳон Беруний** таълим-тарбиянинг табиатга мослиги, таълим-тарбияда мўтадиллик принципларини асослаган буюк педагогдир.

Беруний инсонни табиатининг бир қисми деб билади. Табиатни ва жамият илмини ўрганишда **“Ўзимни текшириб кўрмагунча ишонмайман”** деган шиорга амал қилади. У моҳир педагог сифатида педагогик маҳорат масаласида ўзининг қатор тавсияларини ишлаб чиқади: **“Ўқитувчини ҳамма нарсага ўргатиш” санъати, табиатига мослик, болаларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш кабилар шулар жумласидандир. Беруний : “Мақсад вақтни чўзиш эмас, балки ўқувчини зериктирмаслик. Чунки доимо бир хил нарсага қарай бериш малоллик ва сабрсизлик олиб келади. Ўқувчи фандан-фанга ўтиб турса, турли боғларда юрганга ўхшайди. Бирини кўриб улгурмай, бошқаси бошланади ва ўқувчи “Ҳар бир янги нарсада ўзига яраша лаззат бор”- дейилганидек, уларни кўришга қизиқади ва кўздан кечиришни истайди. Бир хил нарса чарчатади, хотирага малол келтиради”, - деб ёзган эди. Беруний ўқитиш жараёнида қуруқ ёдлашни қоралайди. У “Тушуниш ёдлашдан яхшироқ ва афзалдир”... “Кузатишнинг кўплиги нарсаларни эслаб қолиш қобилиятини яратади”, деб уқтиради. У ўзининг “Осор ал-боқия “ асарида “Бутун кучимни йиғиб, бор имкониятимни ишга солиб, гоҳ эшитиш, гоҳ кўриш ва қиёс қилиш орқали, билимим етганича у нарсани баён этишга бел боғладим”** деб ёзар экан, ҳар бир педагогнинг ҳам ана шундай сифатларга эга бўлишини орзу қилади.

Буюк мутафаккир **Абу Али ибн Сино** ўзининг **“Тадбири манзил”, “Тиб қонунлари”** каби асарларилда педагогик маҳоратга доир ўз қарашларини ёзиб қолдирган. Масалан, у “Тадбири манзил” асарида болага таълим беришни ўқитувчининг покиза, адолатли, фаросатли, соғлом, нотўғри ва ўз касбининг устаси бўлиши лозимлигини таъкидлайди. **“Тиб қонунлари” асарида эса ўқитувчининг нутқ**

гигенасига доир маслаҳатларини берган. “Узоқ муддат давомида қаттиқ товуш билан бақириш жуда хавфлидир”. Чунки бақириш кўп микдорда ҳавони ташқарига чиқаришни талаб қилади (буларнинг ҳар иккиси ҳам) хавфлидир”. (“Овозни йўқотмаслик, нафас олиш органини ишдан чиқармаслик учун , аввало ўқишни паст овоз билан, кейинчалик аста-секин кучайтириш лозим, лекин кучли овоз билан ўқиш ҳам узоқ давом этмаслиги керак”(316-б.))

Юсуф Хос Хожиб “Қутадғу билиғ” асарида ўғил-қизга таълим-тарбия берувчининг шахси ҳақида қуйидагича ёзади:

Мураббийни яхши кишилардан олгин,
Ўғил –қиз пок ўсади (номатлуб ишлардан) фориғ туради.
Ўғил-қизга билим ва одоб ўргат,
Икки олам уники, унинг манфаати етакли бўлади.
Ўғилга барча санъат- ҳунарни тугал ўргат,
Бу санъат-ҳунар билан у мол –дунё йиғаберади (164-б.)

Бурхониддин Зарнуджий (1150й.) “Ўқувчига таълим йўлида қўлланма” асарида билимларни тез ва пухта ўзлаштириш усулларини ишлаб чиқди, унингча: “Ўрганувчилар зиммасида барча фанлар орасидан энг муҳимларини танлаш вазифаси туради. ...Билимларга бўлган қизиқиш шуни талаб этадики, у ўқитувчига ва ўрганаётган фанига, китобига нисбатан тўла қаноатли бўлсин, токи мувафакқиятсизликни ўзидан йироқлаштириш, билимнинг махсус бўлимига нисбатан ҳам шундай иш тутмоқ керак.

Билимларнинг чуқур ўзлаштиришнинг 6 шарти мавжуд: ақл-фаросат, кучли истак, чидам, озиқ-овқат, ўқитувчи таълими ва билим олиш учун етарли вақт. Машғулотлар давомида ўқитувчилар муаллимдан “бир ўқ-ёй” масофада ўтиришсин, шунда ўқувчининг ўз ўқитувчисига ҳурмати намоён бўлади... Ўқиб-ўрганиш учун энг яхши вақт – ёшлик даври, эрта тонг ва қош қорайган пайт. Билим олувчи ана шу вақтни самарали ташкил этишга одатлантирилсин, бордию унга бир фан зерикарли бўлса, бошқаси билан машғул бўлсин.

3.Ўқитувчилик касбининг ижтимоий-тарихий ривож ва мазкур касбининг жамиятда тутган ўрни.

Ҳар бир жамиятда, олдинги тўзумларда ҳам ўқитувчи устоз муаллим олдига энг муҳим вазифа жамият келажаги бўлган ёшларни тарбиялаш, илм бериш вазифаси қўйилган.

Ҳатто ибтидоий жамоа тўзуми охирларидаёқ ёшларни тарбиялаш муассасалари ташкил этилиб, уларда анча тажрибали, ҳаётни кўрган оқсоқоллар болаларни тарбиялаганлар.

Кулдорлик даврида эса кулдорларнинг болалари учун махсус мактаблар ташкил этилган, қадимги Грецияда болаларни ўқитадиган кишини дидаскал ("ўқитаман", "ўргатаман") деб атаганлар. Ўғил болаларни мактабга қуллардан

бири бошлаб борган, бундай қул педагог ("пайе") бола, "агогаин" етаклаб бормок) деб аталган.

Бу тушунчалар ҳозирда ҳам ўқитувчига нисбатан ишлатилиб келинади. Лекин унинг моҳияти бошқача аҳамият касб этади.

Ҳар бир жамиятда ҳам педагогларга ўқитувчи тарбиячиларга ёшлар мураббийси сифатида катта ҳурмат билан қараб келинган.

Айниқса бизнинг мустақил ўзбекистонимизда ўқитувчига ҳурмат эътибор ва унга қўйиладиган масъулият ҳам ниҳоятда ошиб бормокда.

Ҳозирги кунда ўзининг фидокорона меҳнати билан ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш сифатини оширишга катта ҳисса қўшаётган ижодкор ўқитувчилар сони йил сайин ортиб бормокда. Моҳир ўқитувчиларни аниқлаш учун ўтказилаётган танловлар ана шу ютуқларга омил бўлмокда. Мактабларда методист ўқитувчи, катта ўқитувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси унвонларига сазовор бўлган ўқитувчилар сони кўпаймокда.

1997 йил 6 октябрда Президентимизнинг "Таълим - тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилиниб, бунда шундай дейилади: "Таълим муассасаларида биринчи навбатда Олий таълим муассасалари профессор-педагогик ходимлар сафидан етЎқ ўқитувчи кадрлар тайёрлаш уларни ривожланган хорижий мамлакатлар таълимидаги ижобий тажрибаларини ўрганиши ўқитишнинг янги педагогик технологиялари билан танишиши ва чет элларда тажриба орттиришини таъминлаш мақсадида "Устоз" республика жамғармаси ташкил этилсин".

Ўқитувчилар сафидан юқори малакали кадрлар тайёрлашга кўмаклашиш, иқтидорли, ёш педагогларни аниқлаш, уларнинг иқтидори касбий малакасини юксалтириш, ривожланган демократик давлатларни етЎқ ўқув юртларида ва марказларида тажриба орттиришга кўмаклашиш мақсадида,бу жамғарма тўзилган эди.

Умуман ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш иши давлат ва жамоатчиликнинг диққат марказида турибди. ўқитувчиларни фалсафий жиҳатдан кенг фикрловчи мушоҳадали бўлишларига эътибор берилаётир.

Бу ғамхўрликларга сабаб, халқимиз, миллатимиз келажаги кўп жиҳатдан ўқитувчи, унинг савияси, фидойилигига боғлиқдир.

Педагогик фаолият ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш учун халқ олдида, давлат олдида жавоб берадиган болаларга таълим тарбия бериш махсус тайёрланган **инсонларнинг** меҳнат фаолиятидир. Мактаб ўқитувчиларнинг фаолияти инсон шахсини шакллантиришга қаратилган.

Ҳар бир бола ўз хулқ атворига, характериға эға. Тарбияда ана шу хусусиятларни ҳисобға олиш керак. Бунда одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг мураккаблигини ўзида акс эттирувчи махсус усуллардан фойдаланилади. Педагогик фаолиятга тайёргарлик кўраётган ёшлар ана шундай хусусиятларни билиши лозим.

Ўқитувчилик ихтисосининг бу хусусиятлари профессиограммасида ифодаланади, профессиограмма қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. **Ўқитувчи** шахсининг хусусиятлари.
2. **Ўқитувчининг** руҳий педагогик тайёргарлигига қўйиладиган талаблар.
3. Махсус тайёргарликни ҳажми ва мазмуни.
4. Ихтисосга оид умумий тайёргарликнинг мазмуни.

Ўқитувчи шахсининг хусусиятлари:

Ғоявий соҳада: Илмий дунёқараш ва эътиқод, ижтимоий эҳтиёж ва ахлоқий заруриятларни чуқур тушуниш, ижтимоий ва фуқаролик бурчини англаш, ижтимоий - сиёсий фаоллик.

Педагогик касби соҳасида: болаларни севиш ва улар билан ишлашга қизиқиш, педагогик ишни севиш, руҳий педагогик зийраклик ва кўзатувчанлик, педагогик назокат, педагогик тасаввур, ташкилотчилик қобилияти, ҳаққонийлик, дилкашлик, талабчанлик қатъийлик ва мақсадга интилиш, вазминлик, ўзини тута билиш касбий лаёқатлилиқ.

Билим соҳасига: кенг илмий савия, маънавий эҳтиёж ва қизиқиш, интеллектуал қизиқиш, янгиликни ҳис қила билиш.

Педагогик фаолиятлар кишини ўзига дуч келган ҳодисаларни таҳлил қилиш ва умулаштириш тажрибаси билан бойитади.

Педагогик малака - эгаллаган билим ва куникмаларни фаолиятнинг маълум турини эгаллаб олиш, яхши бажара олиш қобилиятидир.

Ўқитувчи фаолиятига оид бундай малакаларга қуйидагилар киради:

а) амалий конструктив малакалар:

1. Амалий тарбиявий ишларни режалаштириш фаолиятининг энг муҳим қоидаларини танлай билиш.

2. Ҳар бир ўқувчига нисбатан уни жамоа шароитида тарбиялашнинг индивидуал режасини амалга ошира билиш.

3. **Ўқувчиларнинг** ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларга нисбатан индивидуал муносабатни амалга ошира билиш.

б) Ташкилотчилик малакалар:

1. ўқувчилар орасидаги актив болаларни аниқлай билиш, танлай билиш **ва** уларни идора қилиш.

2. ўқувчиларнинг турли хилдаги жамоа индивидуал ҳолатини уюштира билиш, уларни ижтимоий активликларини билиш.

3. ўқувчиларга берилган жамоа ижтимоий топшириқларини берилиши юзасидан назорат ўрнатиш ва уларга зарур вақтда амалий ёрдам бериш.

4. ўзи раҳбарлик қилган синфда амалий ишларни бошқариш.

5. **ота-оналар** ва кенг жамоатчилик ўртасида ишлар ташкил эта билиши, мактаб режими шундай тўзилиши керакки: бола мактабда яхши ўқисин, самарали хизмат қилсин, яхши дам олсин, ҳамма вақт фойдали ва қизиқарли машғулоти билан банд бўлсин, бундай фаолиятни уюштиришга доир педагогик талаблар қўйилади.

Ўқитувчи олдига қўйиладиган талаблар:

1. Фаолиятдан кутилган мақсадни ўқувчилар жамоаси ҳам алоҳида ўқувчи ҳам аниқ ҳис қилсин. (Масалан: металлом йиғиш бунга ўз хоҳишлари билан киришишлари лозим) .

2. Фаолиятни ташкил этиш ўқувчилар ташаббуси ва ижобий фаолликка суяниш лозим. Ишни тақсимлаш, режалаштириш, ҳисобга олиш, натижа чиқариш кабиларни ўқувчиларнинг ўзларига ҳавола қилиш керак.

3. **Ўқитувчи** фаолиятига педагогик раҳнамолик қилади.

4. Фаолият жараёнида ҳар бир бола соҳибкорлик ва ижрочилик малакаларини эгаллаб бориши.

5. Иш натижасини муҳокама қилиш, иштирокчиларни рағбатлантириш.

Хўш педагогик маҳорат нима ва у нималардан ташкил топган?

Бу фаҳм-фаросат ва билимларнинг чинакам илмийлиги, тарбиядаги қийинчиликларининг енгиллашга қодир бўлган нуфўзли раҳбарлик болалар қалбининг қандайлигини ҳис қилиш маҳорати, ички дунёси нозик ва заиф бўлган бола шахсига моҳирлик билан авайлаб ёндашиш, донолик ва ижодий дадиллик, илмий таҳлил, ҳаёл ва фантазияга бўлган қобилият мужассамдир.

Педагогик маҳоратга педагогик билимлар, фаҳм-фаросат билан бир қаторда педагогик техника соҳасидаги малакалар ҳам киради, улар тарбияга озроқ куч сарфлаб кўпроқ натижаларга эришиш имконини беради.

Ҳар бир моҳир педагогнинг шундай зарур бўлган умумий педагогик малакаларни шакллантириш билан боғлиқ бўлиб, мазкур масалаларни ҳал қилиш педагогдан одатдан ташқари куч-ғайратни, қатъиятни, тиришқокликни, тадқиқотларни олиб боришга интилишни, янги вазиятга, янги коллективга кириш қобилиятини, самимиятни, тўғрилиқ ва ҳалолликни, ўткир ақл-идрокни бир воситани бошқаси билан текшириб куриш малакасини талаб қилади.

А.С.Макаренко айтганидек, *"Агар педагог маҳоратни эгалламас экан, агар у болалар муҳитидаги илғор кучларга таяна олмас экан, уларнинг ўстиришини рағбатлантириб, энг яхши фаолиятларини ривожлантира олмас экан, у муқаррар равишда шахсий таъсир кўрсатишни мутлоқлаштириб боради, яъни ўзига энг осон йўлни танлайди.*

Чинакам маҳорат билан обруталаблик бир бири билан сизиша олмайди. Агар чинакам маҳоратли педагог ҳамма вақт муносабатлар системаси болаларнинг ижодий камолатига ёрдам бериши лозимлигини уйласа обруталаб педагог уларнинг мустақил фаолиятини ниҳоятда торайтириб, уларнинг сўзсиз қўлоқ солишларини ёқтиради, бу билан болалар муҳитидаги тарқоқликка кўмаклашади."

Педагогик маҳорат ўзига болалар ҳақидаги таълим тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмуни, методлари ҳақидаги кенг билимларни қамраб олади. Бу билимлар умумий педагогик маданиятни ташкил этади, ўқитувчи-тарбиячи бу маданиятни эгалламас экан ҳеч вақт ўз касбининг чинакам устаси бўла олмайди.

Замонавий ўқитувчига биргина умумий маданиятнинг ўзи кифоя қилмайди. Болаларни кўзатиш, уларни ўсишидаги муҳим нарсаларни жамиятда вужудга келган асосий ғоялар билан таққослаш, уларни ривожланиш йўллари ва усулларини аниқлаш турли воситалар, тарбиявий таъсир кўрсатиш усулларининг

ўзаро бир-бирига ўтиши диалектикасини чуқур таҳлил қилиш, педагогик изланишлар ва ютуқларни илмий жиҳатдан бир системага солиш малакалари зарур бўлади.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ибн Сино “Тадбири манзил” асарида ўқитувчи шахсига қандай баҳо берган ?
2. А. Авлоний ўқитувчи шахси ҳақида
3. Л. Толстой ўқитувчи шахси ҳақида
4. К. Ушинский тарбия санъати ҳақида
5. Ал-Хоразмий таълим ва тарбия тўғрисида
6. Ал-Фаробий таълим ва тарбия тўғрисида
7. Юсуф Хос Хожиб таълим ва тарбия тўғрисида
8. Бурхониддин Зарнужийнинг таълим тўғрисидаги қарашлари
9. А. Дистерверг билим тўғрисида
10. А. Беруний таълим-тарбияда мўтадилликка амал қилиш ҳақида.

3- мавзу: “Ўқитувчи фаолиятида педагогик қобилият”

Таянч иборолар: Қобилият; психик сифатлар; хотира ва характер; индивидуал-психологик хусусият; интеллектлар тўплами; модификация; кинестетик қобилият; мантиқий қобилият; кўникма ва малакалар; моҳирлик; иқтидор, истеъдод ва даҳолик; маҳсулдор; психологик ва физиологик тузилиш; эвристик; креатив; умумий ва махсус; талант; хусусиятлар ансамбли; лаёқат ва зеҳн; коммуникатив қобилият; дидактик қобилият; таянч хусусиятлар; етакчи хусусиятлар; ёрдамчи хусусиятлар.

Асосий саволлар:

1. Қобилиятнинг педагогик – психологик таснифи
2. Ўқитувчи педагогик қобилиятини ривожлантириш функциялари.
3. Педагогик қобилиятнинг асосий сифатлари ва хусусиятлари

1. Қобилиятнинг педагогик – психологик таснифи

Қобилият – шахснинг индивидуал-психологик хусусияти бўлиб, муайян фаолият юзасидан лаёқати ва ишни муваффақиятли амалга ошириш субъектив шарт–шароитини ифодаловчи индивидуал психик сифатлар йиғиндисига айтилади, зарур бўлган билим, малака ва кўникмаларни эгаллаш динамикасидаги фарқларни аниқлайди.

Қобилиятни инсон туғма, табиат инъоми сифатида тайёр ҳолида олмайди, балки ҳаётий фаолияти давомида шакллантиради.

Говард Гарднер қобилиятларни интеллектлар тўплами деб атади ва унинг еттига жиҳатини ажратиб кўрсатди. Биз интеллектнинг ушбу жиҳатларидан олтитасини ўқитувчи педагогик маҳоратини такомиллаштириш нуқтаи назаридан таҳлил қилишимиз мумкин. Психолог олима Ольга Матвеева ушбу жиҳатларни психологик технология билан кучайтириб модификациялайди ва ўқитувчининг касбий фаолиятида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, қуйидаги қобилиятларни кўрсатиб ўтади:

1. Мулоқот қилиш (коммуникатив) қобилияти: *Ўқитувчи ўқувчилар билан дарс ва дарсдан ташқари жараёнларда, синфда ижобий руҳий иқлим ярата олади.*

2. Воқеаларни олдиндан кўра олиш қобилияти: *Ушбу қобилият тури ҳар бир ўқитувчининг сергаклигида, ўқувчиларнинг руҳиятини, ички дунёсини кўра олишида намоён бўлади. Шунда ўқитувчи ким нимага қодир эканлигини олдиндан башорат қила олади.*

3. Эшитиш ва ҳис қилиш қобилияти: *Бундай қобилиятга эга бўлган инсонлар мушқани севишади, оҳангни яхши ҳис қилишади, декламация асосида проза ва поэзияни яхши ўқишади, эшитган нарсасини хотирада сақлайди, айниқса шеър ва қўшиқларни севиб тинглайди.*

4. Кинестетик (тери-мускул) қобилият: *Ўқитувчининг ўз ҳатти ҳаракатларини мувофиқлаштириш қобилияти, ҳаракат оҳангини ҳис қилган ҳолда йўналтиради, вақтни ҳаракат суръати билан ҳис қилади, ўзи учун маиший қулайликларни ярата олади, ҳаёт марҳаматларидан роҳатланишни билади.*

5. Мантикий қобилият: *Фалсафий мулоҳазалар юритишни, рақамларни, математикани, мураккаб масалаларни ҳал қилишни севади, сабабият ва оқибат натижаларини тушуниш малакасига эга, воқеликда асосийликни иккинчи даражалисидан ажрата олади;*

6. Шахснинг ички қобилияти: *Ўз-ўзини мукаммал билиши, тушуниши ва ҳис қилиш қобилияти, эркин шахсда ички қобилият мукаммал ривожланади, иродаси мустаҳкам, қатъиятли, ҳар қандай вазиятда ўз фикр-мулоҳазасини эркин баён эта олади.*

Қобилият ўқитувчининг индивидуал имкониятларини характерлайди. Бир хил шароитда қобилиятли ўқитувчилар ўз фаолиятларида ҳам қобилияти паст кишиларга қараганда кўпроқ ютуқларга эришадилар.

Қобилият шахснинг ҳам умумий, ҳам махсус ривожланишида тезроқ олдинга силжиб боришини, унинг ижрочилик ва ижодкорлик фаолиятларида энг юқори натижаларга эришишини таъминлайди. Қобилиятли киши

мутахассисликни тез эгаллай олади ва юқори маҳоратга эришади ҳамда ишлаб чиқариш, фан ёки маданиятга янгилик кирита олади.

Қобилият билимдан фарқ қилади. Билим – бу илмий мутолаалар натижасидир, қобилият эса инсоннинг психологик ва физиологик тузилишига хос бўлган хусусиятдир. Қобилият билим олиш учун зарурий шарт-шароит яратади, шу билан бирга, у маълум даражада билим олиш маҳсулидир. Умумий ва махсус билимларни ўзлаштириш, шунингдек, касбий маҳоратни эгаллаш жараёнида қобилият мукаммаллашиб ва ривожланиб боради.

Қобилиятга яқинроқ турадиган тушунчалар кўникма ва малакалардир.

Кўникмалар – ўқитувчининг касбий фаолияти жараёнида ҳосил қилинган тажриба ва билимлар асосида бажариладиган ишнинг мукаммал усули.

Малакалар – ўқитувчининг онгли фаолиятни бажариши жараёнида ҳосил қилинган касбий интеллектуал фаолиятнинг автоматлашган компонентлари йиғиндиси.

*Дарҳақиқат, қобилиятли кишининг кўникма ва малакалари кўп қиррали ва мукаммаллашган бўлади. Кўникма ва малакалар етарли бўлмаган қобилиятни бирмунча тўлдириши ёки қобилиятнинг камчилигини тўзатиши мумкин. Кўникмаларни умумлаштириб **моҳирлик** ҳам деб атайдилар. Моҳирлик ҳам қобилиятнинг ўзгинасидир. Демак, қобилият кўникма ва малакаларнинг пайдо бўлиш жараёнида шаклланади.*

Педагогикада ўқитувчи қобилияти – бу имкониятдир, унинг моҳирлиги зарурий даражаси фақатгина ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида такомиллашиб боради ва ютуқларга эришишида замин яратади. Туғма қобилиятлар зеҳн дейилади. **Иқтидор, истеъдод, даҳолик** – инсоннинг ижодий фаолияти жараёнида эришиладиган қобилиятларнинг ривожланиш босқичлари ҳисобланади. Қобилиятлар характер каби, шахснинг фақатгина маълум фаолиятидагина мавжуд бўлган сифатларидир.

Психологияда қобилият – инсоннинг касбий билим, кўникма ва малакаларни қийинчиликсиз, осонлик билан мукаммал эгаллаши ва бирор фаолият билан муваффақиятли шуғулланишига айтилади. У ўқитувчининг касбий фаолиятида ҳам ёрқин намоён бўлади.

Касбий фаолиятнинг таълим мазмунини белгиловчи сифатлари ўқитувчининг ижодкорлигида намоён бўлади. Ижодкорлик – бу сифат жиҳатидан янги, оригинал ва такрорланмас бирор янгиликни пайдо қилувчи фаолиятдир.

Махсулдор ижодкорликда белгиланган ҳар қандай муаммо муваффақиятли ҳал қилинади; ижод қилишга лаёқатли бўлган ўқитувчиларнинг асосий қисмида бу жиҳатлар намоён бўлади.

Эвристик ижодкорлик, жамиятда рўй бераётган касбий фаолиятга оид янгиликларни дадил ўзлаштириш ва тарғиб қилишни англатади, яъни унинг асосида ғоялар (фаразлар) ҳосил қилиш жараёнини интенсификация қилиш ва уларнинг ҳақиқатга яқинлигини (эҳтимоллигини, ишончилигини) изчил

амалга ошириш ва бунда янги ҳолатда дадил ҳаракат қилиш қобилияти, фикрлаш жараёни асосида тафаккурни ривожлантириш кузатилади.

Креатив ижодкорликда ўқитувчи ижтимоий аҳамиятга эга бўлган янги назарияларни яратади, ўз фикрлари ва таклифлари билан чиқади, мохир ва тажрибали, лаёқатли ўқитувчиларгина бунга эришиши мумкин.

Кейинчалик қобилиятга айланадиган лаёқат нишонларининг мажмуи инсоннинг *истеъдоди* дейилади.

Инсондаги билиш ва лаёқат нишонлари жараёнларининг йиғиндиси, истеъдодининг юксак чўққиси – унинг интеллектини белгилайди. *“Интеллект – бу ақлан иш кўриш, рационал фикрлаш ва ҳаётий муаммоларни моҳирона ҳал қилишнинг глобал қобилияти”* (Векслер), яъни интеллект инсоннинг атроф муҳитга тўлиқ мослаша олиш қобилияти деб қаралади. (4 илова)

2. Ўқитувчи педагогик қобилиятини ривожлантириш функциялари.

Педагогик қобилиятлар ўз функциясига кўра **умумий ва махсус** турларга бўлинади. Умумий қобилиятлар мавжуд бўлганда ўқитувчи ўз педагогик касбий фаолиятини мукамал эгаллаб, моҳирона олиб бориш билан бирга, бошқа турли хил фаолиятлар билан ҳам муваффақиятли шуғулланади. Умумий қобилиятга эга бўлган ўқитувчилар таълим-тарбия жараёнида ҳар қандай қийинчилик ва зиддиятларни қийналмасдан бартараф этадилар.

Ўқитувчининг педагогик қобилиятини таҳлил қилган Н.В. Кузьмина шундай ёзади: *“Таълим – тарбияда рўй берадиган кўпгина камчиликлар ўқитувчи ўз педагогик қобилиятининг амалий йўналишларини яхши билмаслиги, истеъдоднинг ўқитувчида йўқлиги натижасида рўй беради”*.

Махсус қобилиятга эга бўлган ўқитувчилар фақат ўзлари эгаллаган касбий йўналишлари бўйича муайян фаолият билан муваффақиятли шуғулланадилар.

Бирор фаолиятнинг муваффақиятли, мустақил ва мукамал бажарилишини таъминлайдиган ноёб қобилиятлар бирикмаси талант дейилади (6 илова).

Барча мутахассисликларда бўлгани каби ўқитувчилик касбида ҳам педагогик қобилият – унинг шахсий истеъдод хусусиятларини белгилаб, касбий фаолият турини муваффақиятли амалга оширишда субъектив шарт - шароитлар яратади.

Ҳар қандай қобилият – шахсга тегишли бўлган мураккаб тушунчадир, у фаолиятнинг талабларига мос хусусиятлар тизимини ўз ичига қамраб олади.

Ҳар қандай фаолият ҳам мураккаб бўлиб, у кишига турли-туман талаблар қўяди. Агар шахс хусусиятлари тизими шу талабларга жавоб бера олса, киши фаолиятни муваффақият билан амалга оширишда ўз қобилиятини

кўрсата олади, агар хусусиятларидан қайси бири ривожланмаган бўлса, шахс меҳнатининг муайян турига нисбатан кам қобилиятли, деб характерланади.

Мана шунинг учун ҳам қобилият деганда бирорта хусусиятнинг ўзини эмас, балки инсон шахсининг фаолият талабларига жавоб бера оладиган ва шу фаолиятда юқори кўрсаткичларга эришишни таъминлай оладиган хусусиятлар ансамбли ёки синтезини тушуниш лозим.

Ўқитувчи қобилиятини ўрганишда хусусиятлар «ансамбли» иборасини биз шунинг учун ҳам ишлатамизки, бунда хусусиятларнинг оддийгина биргаликда мавжуд бўлишини эмас, балки уларнинг узвий боғланган бўлишини, муайян тизимда ўзаро таъсир қилишини кўзда тутаямиз. Бу тизимда хусусиятлардан бири олдинги ўринга чиқиб, етакчи хусусиятга эга бўлса, айтилган вақтда бошқалар учун ёрдамчи хусусиятлар ролини ўйнайди.

Кишининг қобилияти жуда катта ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга. Қобилият юқори меҳнат унумдорлигини таъминлашга, бинобарин, ижтимоий бойликнинг сон ва сифат жиҳатидан тез ўсишига, жамият тараққиётига ёрдам беради. Шунинг учун ҳам бўлажак ўқитувчиларнинг заковати, қобилиятини очиш ҳамда улардан ўз ўрнида фойдаланишини ўрганиб олиши зарур эканлиги ҳақидаги масала қатъий талаб қилинади.

Қобилият билим, кўникма ва малакалар маҳсули, шу билан бирга фаолият усуллари эгаллаш тезлиги, теранлиги ва мустаҳкамлигида намоён бўлади.

Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқоти юксак даражада муваффақиятли бўлиши унинг педагогик қобилиятга қанчалик эга эканлигига боғлиқ. Ўқитувчиларнинг фаолияти ёш авлодни маънавий баркамол шахс даражасида тарбиялашда ва касбий билимларни чуқур эгаллаган кадрларни тайёрлашда намоён бўлади. Бунинг муваффақияти ўқитувчиларнинг педагогик қобилиятига боғлиқ. Қобилият касбий фаолият жараёнида сайқалланиб боради. Бунинг учун ўқитувчида лаёқат, зеҳн ва қизиқиш бўлиши керак.

3. Педагогик қобилиятнинг асосий сифатлари ва хусусиятлари

Педагогик–психологияда ўқитувчи қобилиятининг чекланган турлари йўқ. Педагогик қобилият турлари фаннинг, жамиятнинг ривожланишига қараб кўпайиб ва ўзгариб туриши мумкин. Фалсафада қобилият узок вақтгача “ўзгармас ирсият” наслдан – наслга ўтувчи жараён сифатида талқин этилган. Олимларнинг узок йиллар олиб борган илмий-тадқиқотлари ва кузатишлари натижасида **педагогик қобилиятнинг қуйидаги асосий сифатлари** ажратиб кўрсатилган:

1. Ўз касбига мухаббат, ўқувчиларни сева олиши.
2. Мутахассислик фанини мукамал билиши, унга қизиқиши.
3. Педагогик тактга (одоб ва гўзалликка) эга бўлиш.
4. Болалар жамоасига сингиб кета олиш.

5. Ўз меҳнатига ижодий ёндашиш.
6. Жавобгарликни ҳис этиш.
7. Тарбиявий билимларни эгаллаганлиги.

Ўқитувчи фаолиятидаги педагогик қобилиятнинг ўзига хос тизимлари мавжуд. Қобилиятлар тизими қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилинади:

- асосий хусусиятлар;
- таянч хусусиятлар;
- етакчи хусусиятлар;
- ёрдамчи хусусиятлар.

Педагогик қобилиятлар фақат педагогик фаолиятнинг самарали бўлишини ва шарт-шароитини ифодаламасдан, балки кўп жиҳатдан муваффақиятли ишлашнинг натижаси ҳамдир. Педагогик қобилиятда ўқитувчининг ўзаро фикр алмашуви билан боғлиқ хусусиятлари асосий рол ўйнайди. Қуйидаги педагогик қобилиятнинг **асосий хусусиятлари** ўқитувчининг юксак педагогик-психологик билимлари натижасида доимий шаклланиб боради:

Коммуникатив қобилият: ўқитувчининг педагогик жамоа ва ота-оналар, маҳалла аҳли билан бўладиган ўзаро мулоқотида, уларнинг рухий ҳолатларини тушуниш ва уларга ҳамдард бўлиш, мулоқотга киришишида пок кўнгиллилик. Ўқитувчи бунда психологик билимларга эга бўлиши, муомала маданиятини мунтазам ўзида шакллантириб бориши лозим.

Перцептив қобилият: ташқи оламни ва муҳитни сезиш, идрок этиш, яъни кузатувчанлик муҳим рол ўйнайди. Ўқитувчининг шижоати натижасида ривожланади, такомиллашади. Ўқитувчи ўқувчининг психологиясини, психик ҳолатини ўзига сингдириб идрок этади, синф жамоасининг ҳолатига педагогик вазиятига одилонга баҳо беради.

Эмпатик қобилият: болаларга бўлган мухаббатдан келиб чиқадиган ўқувчиларнинг ҳис-туйғусини, психологик ҳолатларини қалбдан ҳис этиш, тушуниш, идрок этиш, уларга ачиниш хусусиятларидир.

Таълим жараёнини муқобиллаштириш қобилияти: ўқитувчи ўз билимини ўқувчи онги ва тафаккурига кам куч сарфлаш эвазига етказа олиши, таълим ва тарбияда белгиланган муддатда мақсадга эришиш қобилиятидир.

Дидактик қобилият: ўқувчилар билан мулоқот қилишда, педагогиканинг таълим ва тарбиявий қонуниятларини ҳамда методларини чуқур ўзлаштирган ҳолда самарали дарс бериш қобилиятидир.

Ташкилотчилик қобилияти: педагогик қобилиятнинг таркибий қисмидир. У синф ўқувчиларининг ўқитувчи томонидан турли жамоат ишларига, тўгаракларга жалб қила олишида, синф жамоасининг ҳар бир ўқувчига фаол вазиятни таъминлаб беришида намоён бўлади.

Конструктив қобилият: ўқитувчининг ўқув-тарбиявий фаолиятни пухта режалаштириши асосида юзага келадиган касбий педагогик вазият босқичларини олдиндан кўра олиши.

Билиш қобилияти: ўқитувчининг ўз фанини ва бошқа фанларни чуқур билишида, ўзлаштириши ва амалиётда намоён этиши.

Англаш (түшүниш) қобилияти: ўқитувчининг зийраклиги ва уддабуронлиги, воқеа ва ҳодисаларни чуқур идрок этиб, уларга адолатли муносабатда бўлиши.

Педагогик қобилиятларнинг **таянч хусусиятлари** кузатувчанлик – кўра билиш кўникмасидир. Бу – индивидуал нарсанинг ўзига хос томонини, ижодий фаолият учун бошланғич материални кўра билиши демакдир. Рассомнинг кузатувчанлиги, табиатшунос олимнинг кузатувчанлигидан фарқ қилиши ўз-ўзидан равшан. Уларнинг кузатувчанлиги турлича йўналишда бўлганлиги сабабли, ҳар бири ўз тафаккури ва дунёқарашига эга. Ўқитувчининг кузатувчанлиги ўқувчилар жамоасини таълим

Қобилиятнинг **етакчи хусусияти** ижодий тасаввур қилишдир. Бу хусусият фақат рассомга, математика ўқитувчисига, адабиётшуносга хос бўлмасдан, балки айнан барча фан ўқитувчиларига ҳам тегишли.

Педагогик қобилиятлар тизимига кирадиган **ёрдамчи хусусиятлар** ва ҳислатлар қуйидагилардан иборат:

- ақл–идрокнинг муайян турлари, ҳозиржавоблик; камчиликларга танқидий эътибор, собитқадамлик;
- ўқитувчининг нутқи: нотиклик санъати, сўз бойлигининг теранлиги;
- актёрлик хусусияти: мимика ва пантомимика, хаёлий фантазия ишлата олиш, руҳий ҳиссиётни жиловлай олиш.
- педагогик такт ва педагогик назокатга эга бўлиш.

Назорат учун саволлар:

1. Ўқитувчининг касбий фаолиятига қобилият қандай аҳамият касб этади?
2. Кўникма ва малакаларнинг қобилиятга таъсири нимада?
3. Ижодкорлик тушунчасини изоҳлаб беринг?
4. Истеъдод ва талант тушунчаларига таъриф беринг?
5. Қобилиятга педагогик – психологик нуқтаи назардан тасниф беринг?
6. Шахс қобилияти ва табиий истеъдодлар нимани англатади?
7. Педагогик қобилиятнинг асосий сифатлари нималардан иборат?
8. Қобилиятнинг умумий ва махсус турлари ва уларнинг фарқи?
9. Педагогик қобилиятнинг ўзига хос хусусиятларига таъриф беринг?
10. Педагогик қобилиятнинг таянч ва етакчи хусусиятлари?
11. Қобилиятсиз ўқитувчи таълим муассасаларида фаолият олиб бориши мумкинми?

4-мавзу: ЎҚИТУВЧИНИНГ КОММУНИКАТИВ ҚОБИЛИЯТИ

Таянч тушунчалар:

Таянч иборалар: Онгли интизом; фикр алмашиш; коммуникатив қобилият; онгли интизом; ўқувчини ишонтириш; онгга таъсир тақлид қилиш; психик таъсир; ғоялар ва мафкуралар; педагогик таъсир кўрсатиш; ғоя ва мафкура; комил инсон тарбияси; талаб; истиқбол; рағбатлантириш ва жазолаш; жамоатчилик фикри; сўз билан оғзаки таъсир ўтказиш; интонация; экспрессив ҳолат; касбий маҳорат; хушмуомалалик; ахборот ҳажми; педагогик қобилият техникаси.

Асосий саволлар:

1. Коммуникатив қобилият;
2. Ўқувчиларни ишонтириш;
3. Ўқувчилар онгига таъсир этиш;
4. Ўзгаларга тақлид қилиш.

1. Ўқитувчининг коммуникатив қобилияти.

Коммуникатив қобилият ўқитувчининг педагогик жамоа ва ота-оналар, маҳалла аҳли билан бўладиган ўзаро мулоқотида, уларнинг рухий ҳолатларини тушуниш ва уларга ҳамдard бўлиш, мулоқотга киришишида пок кўнгиллилик. Ўқитувчи бунда психологик билимларга эга бўлиши, муомала маданиятини мунтазам ўзида шакллантириб бор. Ўқитувчи фаолиятида тарбияланувчилар билан педагогик алоқаларнинг узлуксизлиги тарбиянинг асосий қонуниятларидан биридир. Ўқувчилар билан таълим-тарбиявий жараёнда ижобий алоқалар ўрнатиш, ижобий иқлим ярата олиш, ўзига ишонтира олиш ва жалб қилиш – ўқитувчи коммуникатив қобилиятининг асосий моҳияти бўлиб, бунда бевосита ўқитувчи билан боғлиқ бўлган мингларча рухий жараёнлар, маълум бир қoлипдан чиқиши мумкин бўлмаган муомала турлари ва шартлари мавжуд. Тарбиянинг самарадорлиги, пировард натижада ўқувчилар билан алоқа ўрнатишнинг шакл ва услубларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилиши билан белгиланади. Асосий мақсад, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатида мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллаши, ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат. Ўқитувчи тарбия усуллари тизимини белгилаб олгандан кейин бир қатор алоқа ўрнатиш вазифаларини режалаштириши керак. Албатта бу ниҳоятда қийин жараён, зеро тарбиянинг ҳар бир усули, таркибий қисми ва ташкил этувчи усуллари муомала орқали алоқа ўрнатишнинг самарадорлигига боғлиқ. Ушбу жараён бевосита ўқитувчининг фикр алмашуви (рефлексия) билан боғлиқ хусусиятларига,

ўқувчи руҳий ҳолатини фикр тезлиги билан ўқиб олиш санъатига ва педагогик таъсир кўрсатишнинг турли усуллари билан бири билан ўзаро алоқадорликда қўллай билишига тааллуқли бўлиб, улар узлуксиз шаклланади.

Ўқитувчининг фикр алмашуви билан боғлиқ коммуникатив қобилиятини шакллантирувчи асосий хусусиятлари ўқувчи онгига қаратилган фаолият бўлиб, нихоятда мураккаб жараёнда такомиллашади. Ўзаро фикр алмашиш омиллари билан бевосита боғлиқ бўлган коммуникатив қобилиятнинг қуйидаги йўналишлари мавжуд:

- ўқувчиларни ишонтириш;
- ўқувчилар онгига таъсир этиш;
- ўзгаларга тақлид қилиш.

2.Ўқувчиларни ишонтириш тарбияланувчининг онгига қаратилган бўлиб, ўқитувчи фикр мулоҳазаларини таъсирчан нутқ орқали ўқувчининг билимлар тизимига, дунёқарашига, хулқ-атворида, ҳатти-ҳаракатига таъсир этади ва уни қисман ўзгартиради. Ишонтириш ўқитувчининг касб фаолиятига тааллуқли бўлган мураккаб фаолиятида асосий таъсир кўрсатиш воситаси бўлиб, таълим-тарбия жараёнида ишлатиладиган усуллардан бири ҳисобланади. Ўқувчи онгига таъсир кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ишонтириш усули ўқитувчидан баҳс, мунозара асосида далиллар келтиришни, исбот ва мантиққа таянишни талаб қилади. Айниқса ўқитувчи билан ўқувчилар орасида ўрганилаётган мавзуга тааллуқли муқобиллик мавжуд бўлганда, танқид ва фикрлар курашига таянилганда самарали бўлади.

Ишонтириш тарбияланувчининг онгига қаратилган экан, ўқитувчининг ҳис-туйғуси, нутқи ва ишонтира олиш санъати бунда муҳим аҳамиятга эга. У педагогик таъсир кўрсатиш усули сифатида дарсларда янги мавзунини тушунтиришда, ўқув-тарбиявий соатларда, турли учрашувлар ва ижодий суҳбатларда мунозаралар шаклида қўлланилади. Тарбиявий тадбирларда ишонтириш усули синф жамоаси билан ҳамда алоҳида ўқувчи билан индивидуал суҳбатлар ўтказиш, сиёсий мавзулардаги дарсларда кенг қўлланилади. Ишонтириш усули ёрдамида ўқувчиларнинг дунёқараши шакллантирилади. Бу айниқса ўқувчи онгини бегона мафкуравий ғоялардан ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга, ишонтириш асосида ўқувчига идеал ва мустақил фикрлар қайта қурилади, уларни баъзи психик таъсирлар туфайли содир бўладиган тушкунлик ҳолатидан асрайди, уларда эркинликни ҳамда мустақил фикрлаш қобилиятини ўстиради, ўзига ва келажагига ишонч уйғотади, ўз-ўзини тарбиялашда, мустаҳкам иродани шакллантиришга ундайди.

3.Ўқувчилар онгига таъсир ўзаро фикр алмашиш жараёнида шаклланидиган мураккаб психологик хусусият бўлиб, ўқитувчи коммуникатив қобилиятининг универсал омили ҳисобланади. Ўқитувчиларнинг ўзаро суҳбати ва фаолияти жараёнида тарбияланувчи онгига таъсир этишининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у ўқувчиларнинг психикаси ва хулқ-атворида сезиларсиз равишда таъсир кўрсатади. Таъсир ўқувчилар онгига, психикасига назоратсиз кириб бориши

билан алоҳида аҳамиятга эга, ўқувчиларнинг ижодий фаолиятида, ҳатти-ҳаракатларида, интилишларида йўл-йўриқлар кўрсатиш тарзида амалга оширилади.

Онгга таъсир – шундай бир психик жараёни, ўқувчилар ўқитувчининг ёки бирор шахснинг таъсири остида, ўз онгининг етарли назоратсиз воқеликни идрок этади. Агар ўқитувчи бунда педагогик маҳоратга, психологик тажриба ва билимларга эга бўлмаса, ўқувчилар онгига таъсир қила олмайди, натижада таълим-тарбия жараёни ижобий натижалар бермайди, ўқитувчи ўқувчиларнинг ҳурмат эътиборига сазовор бўла олмайди. Ўқитувчи ўз тарбияланувчилари онгини ташқи муҳитнинг салбий таъсирларидан, синф жамоаси норасмий етакчиларининг турли яширин бузғунчи ғояларидан ҳимоя қилишга масъул шахсдир. Ўқувчи онгига таъсир ўтказишда ўқитувчи етакчилиқни ўз қўлига киритиши учун:

— ўқувчиларнинг салбий ҳатти-ҳаракатлари туфайли содир бўладиган эмоционал ҳис-туйғуларга берилмаслиги;

— ҳар бир ўқувчининг психологик ва руҳий ҳолатини пухта ўрганмасдан унинг онгига тарбиявий таъсир ўтказишга ҳаракат қилмаслиги;

— ҳар бир ўқувчига алоҳида шахс сифатида ҳурмат эътибор билан муносабатда бўлиши;

— синф жамоасининг норасмий етакчисини сездирмасдан аниқлаб олиши ва унинг ҳатти-ҳаракатидан доимо огоҳ бўлиши;

— педагогик маҳоратнинг муҳим жиҳатларини узлуксиз ўзида такомиллаштириб бориши;

— ўйланмай айтилган ҳар бир сўз, ноўрин фикр мулоҳазанинг оқибатини ҳеч қачон тузатиб бўлмаслигини ўқитувчи доимо ҳис этиши лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда ахборот технологиялари майдонининг ниҳоятда кенглиги туфайли ўқувчилар онги тарбияга салбий таъсир ўтказувчи ғоя ва мафкуралар билан банд бўлиши табиий ҳол. Ўқитувчилар ёш авлодни тарбиялашда онгга таъсир қилишнинг кенг имкониятларини ўз ўрнида қўллай олсалар, ўқувчилар онгини турли кераксиз ғоялар ва мафкуралардан ҳимоя қила оладилар. Шуни унутмаслик керакки, ўқувчилар ўзларининг ёш хусусиятлари ва психологик таъсирга мойиллиги туфайли ҳар қандай таъсирга ниҳоятда берилувчан бўладилар.

4.Тақлид қилиш шахснинг психологик хусусияти бўлиб, ўзи севган бирор инсон ҳаракатига, намунасига, ибратига амал қилишидир. Ўқувчи ўзи учун идеал деб билган кишининг хулқ-атвор намуналарига онгсиз равишда тақлид қилади. Ўқувчилар ўзгалар хулқ-атворидан андоза олиб, тақлид қилиш йўли билан улардан ўзининг муҳитида фойдаланади. Тақлид қилишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ўқувчилар ўз ҳатти-ҳаракати ва муомаласи жараёнида ўзи кўрган, катталар бажарган ҳаракатларни такрорлашга интилади. Тақлид қилишнинг яна бир хусусияти ўқувчи бадиий асарларда ўқиган, кинофильмларда кўрган севимли идеалидаги қаҳрамон образига, характериға, жасоратиға, имо-ишора, нутқ, кийиниш услубларига беихтиёр тақлид қилади, ўз фаолиятида такрорлайди.

Беихтиёр тақлид қилиш ўқувчи шахси шаклланишининг илк босқичларида муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчи тақлид қилиш йўли билан нутқни, буюмларни, турли ҳаракатларни ўрганади, хулқ-атвори шаклланади, руҳиятидаги ушбу жараён аста-секин ва кўр-кўрона давом этади.

Ўқитувчи коммуникатив қобилияти билан педагогик фаолият олиб бориш жараёнида ўзаро фикр алмашиш йўли билан таъсир кўрсатишнинг кўриб чиқилган асосий турлари – ўқувчини ишонтириш, ўқувчи онгига таъсир этиш, тақлид қилиш – бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган психологик хусусиятлардир ва айнаи вақтда ўзига хос фарқларга эга. Ишонтириш ва онгга таъсирнинг ўзаро боғлиқлиги шундан иборатки, биз таъсир кўрсатиш усулининг унисидан ҳам, бунисидан ҳам фойдаланганда кўпинча нотиқлик санъатини намойиш этамиз. Ўқитувчининг сўз бойлиги ва нотиқлик малакаси ишонтириш ва ўқувчи онгига таъсир этишнинг муҳим манбаларидир.

Назорат учун саволлар:

1. Ўқитувчининг коммуникатив қобилияти деганда нимани тушунаси?
2. Ўқитувчининг фикр алмашуви билан боғлиқ хусусиятлари?
3. Тарбиявий жараёнда тақлид қилишнинг аҳамияти ҳақида?
4. Ўқувчи онгига таъсир этишнинг асосий манбалари?
5. “Педагогик таъсир кўрсатиш” иборасини изоҳлаб беринг?
6. Ўзбекистон Республикасида ёш авлод тарбиясидан асосий мақсад?
7. Педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий усуллари?
8. Синф жамоаси билан бўлғуси мулоқотга тайёргарлик шартми?
9. Педагогик муносабатда муваффақият гарови нималардан иборат?
10. Хушмуомалаликда ёш ўқитувчи амал қиладиган мезонлар нима?
11. Сўз билан оғзаки таъсир ўтказиш компонентлари ҳақида мулоҳазаларингиз

5-мавзу: Педагогик таъсир воситалари ҳақида умумий тушунча
Педагогик жараёнда ишонтириш ва таъсир этиш
(2 соат)

Таянч иборалар: Педагогик техника, нутқ малакалари, мимика, пантомимика, ўз ҳиссий ҳолатини бошқариш, педагогик мақсадга йўналганлик, нутқ ҳақида тушунча, нутқ ва инсон камолоти, нутқни машқ қилдириш.

Асосий саволлар:

1. Педагогик таъсир кўрсатиш
2. Педагогик таъсир кўрсатиш усуллари ҳақида умумий тушунча
3. Педагогик таъсирнинг таълим-тарбиядаги ўрни.

Таянч иборалар: ишонтириш, педагогик таъсир усуллари, талаб, истикбол, рағбатлантириш ва жазолаш, жамоатчилик фикри, таъсир этиш техникаси, нутқ техникаси.

1. Педагогик таъсир кўрсатиш

Педагогика ўз методларини йўқ жойдан яратмайди. У ҳаётдан кишилар хулқ-атворининг реал омилларини, болалар ҳаётини педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этиш вазифаларига жавоб берадиганларини танлаб олади, улардан тарбиявий ишда педагогик таъсир кўрсатиш усуллари сифатида фойдаланади.

Педагогик таъсир кўрсатиш методикаси болаларнинг ижтимоий-фойдали фаолиятини педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этишга хизмат қиладиган воситалар тизимидан иборатдир. Бу вазифалар тарбияланувчи шахсига қаратилган бўлиб, болаларнинг хулқ-атворини рағбатлантиради, қийин ва мураккаб вазифаларни қувонч, ижодий завқ-шавқ манбаига, ҳар бир ўқувчининг шахсий муддаосига айлантиради.

2. Педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий усуллари

Педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий усуллари- **ишонтириш, талаб, истикбол, рағбатлантириш ва жазолаш, жамоатчилик фикридир.**

Ўзаро ҳамкорликда таъсир кўрсатишнинг натижаси ишонтиришдир. У ҳақиқий ва сохта турларга бўлинади. М: Коммунизмга ишониш.

Ишонч 3 таркибий қисмдан иборат: **1.Билим; 2.Ҳиссиёт; 3.Хулқ-атвор. У тушуниш - кечинма-қабул қилиш** орқали амалга ошади.

Ишонтириш шакллари қуйидагилар: маъруза, баҳс, мунозара, суҳбат, ҳикоя қилиш, далиллаш, кўрсатиш (намойиш қилиш), шахсий намуна.

Педагогик талаб – таълим-тарбия жараёнида кўп қўлланиладиган усулларидан бири бўлиб, у тарбиячи ва тарбияланувчи орасидаги муносабатларда намоён бўлади.

Педагогик таъсир кўрсатиш усули бўлган талаб билан жамоани ташкил этиш методи сифатида ягона педагогик талабларни фарқлай билиш лозим. Агар ягона педагогик талаблар болаларнинг ижтимоий фойдали фаолиятини рағбатлантириш мазмунини, жамоани жипслаштиришда педагоглар билан болаларнинг ҳаракатлари бирлигига

эришиш йўллари таъминласа, талаб эса хулқ-атвор ва фаолият нормаларини, болаларнинг ҳатти-ҳаракатлари ҳамда ишларида амалга ошириш усулларида иборатдир.

Истиқбол – таъсир кўрсатишнинг жуда таъсирчан усули бўлиб, у болаларнинг ҳатти-ҳаракатларини улар олдига марокли, қизиқарли мақсадлар қилиш йўли билан таъминлайди, бу мақсадлар уларнинг шахсий интилишлари, қизиқиш ва муддаоларига айланади. Бу усул мактаб ўқувчиларида шахснинг энг муҳим фазилатларидан бири бўлган мақсадга интилувчанликни шакллантиришга ёрдам беради.

Рағбатлантириш ва жазолаш – тарбиянинг энг анъанавий усули бўлиб, тарбияланувчилар хулқ-атворида тузатиш киритишни, яъни фойдали ҳатти-ҳаракатларни қўшимча рағбатлантиришни ва тарбияланувчиларнинг номақбул ҳатти-ҳаракатларини тўхтатишни таъминлайди, бунда уларнинг ҳуқуқ, бурчларини кенгайтириш ёки чеклаш, уларга ахлоқий таъсир кўрсатиш йўлидан фойдаланилади.

Рағбатлантириш ва жазолаш методи ўзига хос хусусиятга эга бўлганлиги сабабли уни қўллашда жуда эҳтиёт бўлиш лозим.

Жамоатчилик фикри – таъсир кўрсатишнинг энг қудратли усули бўлиб, тарбияланувчиларнинг ижтимоий фойдали фаолиятини ҳар томонлама ва мунтазам рағбатлантириб боришни таъминлайди, жамоанинг тарбиявий вазифаларини анча тўлиқ амалга оширади. Педагогик таъсир кўрсатиш усулларида самарали фойдаланишнинг зарур шарт педагогиканинг тарбияланувчиларга бўлган муносабатларининг чинакам инсонпарварлигидир.

3. Педагогик таъсирнинг таълим-тарбиядаги ўрни.

Республикамиз истиқлолга эришган ҳозирги даврда шахсга чуқур, асосли ва умумий талаблар қўйилади, лекин иккинчи томондан, шахсга катта ҳурмат кўрсатилади. Бу шахсга бўлган талабларни ва унга бўлган иззат-ҳурматни бирга қўшиш – икки зарур шарт бўлиб, педагогнинг болаларга бўлган муносабатларининг чинакам инсонпарварлигидир. Педагогик таъсир кўрсатиш усуллари ўз тарбияланувчилари тақдирига бепарво бўлган кишилар қўлида соф касб-корлик воситаси эмас, балки инсонлар орасидаги жонли муносабатлар мажмуидир.

Умуман, педагогик таъсир кўрсатиш усуллари мукаммал эгалламасдан ва ундан моҳирона фойдаланмасдан туриб таълим-тарбия соҳасида катта муваффақиятларга эришиб бўлмайди.

Ижтимоий руҳият назариясида ва педагогик амалиётда, ўзаро фикр алмашишда таъсир кўрсатиш икки усулда олиб борилади: ишонтириш ва таъсир этиш. Рус педагоги Успенский “Одамни тарбиялашнинг энг асосий йўли ишонтиришдир, одамнинг эътиқодига эса фақат ишонтириш билан таъсир қилиш мумкин”, деган эди. Ўқитувчи фаолияти ўз ўқувчиларини ишонтириш ва таъсир этишни талаб қилади. Педагогнинг барча таъсирлари: тарбияланувчиларнинг муносабатлари, фикрлари, ҳис-туйғулари, ҳаракатларини ўзгартиришга ва мустақамлашга йўналтирилган бўлиб, у муҳит ва табиатнинг ҳамкорлигига

таъсирланади. Ўзаро ҳамкорликда таъсир кўрсатишнинг натижаси ишончдир. Ишонч асосида ўқитувчининг билимлар тизими, дунёқарашлари, муносабатлари ва ҳуқ-атвори шаклланади.

Ишонч- ўзаро ҳамкорликдаги таъсир этишнинг натижаси эканлигини кўрамиз. Ишонч икки хил, яъни ҳақиқий ва сохта турларга бўлинади. Ҳақиқий ишонч реал борлиқ ҳаёт талабларига мос бўлиб, у инсонни кадрли, обрўли қилади. ”Болаликка буюк ҳурмат-эҳтиром билан қараш лозим”, деган Иувенал (123-б.) Инсон ўз ишончини ҳимоя қилиш учун ўлимга ҳам боради. Сохта ишонч ўзи ва бировларнинг салбий тажрибаси, қарашлари асосида ҳосил бўлади. Ўқувчилардаги сохта ишончни ўзгартириш учун ўқитувчи кўп куч сарфлайди. У уч йўналишда олиб борилади: синф жамоасида соғлом фикрни шакллантириш, қимматли махсус индивидуал тажрибани яратиш, нотўғри ишончдаги қараш, билим, тасаввур, тушунчаларни бартараф этиш.

Ишонч одамларнинг дил ришталарини боғловчи катта куч. Бунинг учун одам бошқаларга ишонмоғи, ихлос қилмоғи керак. Ҳалоллик, адолат, соф виждонлилик, поклик, сўз ва иш бирлиги ишончнинг мезонларидир. Иккиюзламачиларга, фирибгарларга, мунофиқларга ҳеч ким ишонмайди.

Инсонда ишонч учта таркибий қисмдан таркиб топади: билим-ҳиссиёт-ҳуқ-атвор. Ишонч қуйидаги формула: тушуниш-кечинмалар-ўзига қабул қилиш-бажариш (Ўз фаолияти ва атрофдагилар тажрибаси) асосида амалга оширилади.

Ишонч ёрдамида янги қарашлар, муносабатлар шаклланади ёки ўзгаради.

Ишонтириш шакллари тубандагилар: мунозара, баҳс, суҳбат, ҳикоя қилиш ва намуна.

Ишонтириш ҳамкорликда таъсир кўрсатишда максимум таъсирли бўлиши учун қуйидаги педагогик талабларга жавоб бериши керак:

- ишонтириш мазмуни, шакли ўқувчининг ривожланиш даражасига мос бўлиши (кичик ўқувчиларда эртак, фантастик ҳикоялар ва бошқа);

- ишонтиришда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш;

- ишонтириш умумлашган, конкрет асосларга, мисолларга, бошланғич синфларда овозли материалларга таяниши;

- ишонтиришда ўқитувчи ўзи хабар қилаётган нарсага ўзи чуқур ишониши ва ҳ.к.

Ишонтиришнинг ўзаро ҳамкорликдаги таъсир кўрсатиш самараси қуйидаги шартларда юз беради:

- ўзаро ҳамкорликда таъсирнинг кучи ишонтирувчининг обрўсига ва воқеанинг мазмунига боғлиқ (ўқувчи ўқитувчига қанчалик ижобий муносабатда бўлса, шунчалик унга тез ишонади);

- ишонтиришда ўқувчининг индивидуал руҳий ҳолатини ҳисобга олиш;

-ишонтиришда ишонтирувчининг интеллектуал ҳиссий ҳолати мос бўлиши керак. Масалан, бола ҳаддан ташқари ҳаёжонланганда ноҳуш ҳис-туйғулар унда ҳукмдорлик қилганда унинг ҳулқидаги камчиликларни кўрсатиш орқали таъсир кўрсатиш самара бермайди.

Ишонтириш методи таъсирли бўлади қайсики, фикр, ҳиссиёт ва ирода бир бутун ҳолда мувофиқлашади. Ишонтиришнинг самараси ўқитувчининг сўз ва иш ҳаракат бирлигига ҳам боғлиқ.

Таълим-тарбияда ўқитувчининг ишонтириши ҳақида Ибн Синонинг қуйидаги ибратли сўзлари қимматлидир: ”Ҳар бир сўз ҳаракат ва мимика билан тасдиқланиши, болаларда ҳиссиёт уйғотадиган бўлиши зарур”.

Педагогик таъсир кўрсатишда ишонтириш методи билан бир қаторда таъсир кўрсатиш методи ҳам қўлланилади. Узоқ йиллар педагогик жараёнда таъсир этиш тан олинмас эди. Биз хоҳласак, хоҳламасак таъсир кўрсатиш элементлари ҳаётда ўзаро ҳамкорликда муҳим рол ўйнайди. Сўз ёрдамида ўқувчиларда зийраклик ёки қўрқуни, ўзига ишонч ёки ишончсизликни, зерикиш, ишонч ёки шубҳа сингариларни ҳосил қиламиз.

Ўқувчиларга таъсир қилиш сўзнинг фандаги маъносига қараб эмас, сўз ва нутқ интонацияси аниқлигини ифодаловчи ҳамда буларни мустаҳкамловчи имо-ишоралар – юз, қўл ҳаракатлари билан бевосита ҳиссиётга таъсир этади. Бу ҳақда Макаренко :” Юз ҳаракатларини яхши эгалламаган, ўз юзида зарур маъноларни бера олмайдиган ёки ўз кайфиятини ушлаб туролмайдиган киши яхши тарбиячи бўлиши мумкин эмас”, - деб ўринли таъкидлаган.

Сухомлинский сўзнинг таъсири ҳақида ”Ўқитувчининг сўзи – тарбияланувчининг қалбига таъсир ўтказадиган ягона сўз. Тарбиячилик санъати – аввало, гапириш, инсон юрагига мурожаат қила олиш санъатидир. Мен шунга астойдил ишонаманки, кўпинча катта жанжал билан тугайдиган, мактабда тез-тез содир бўлиб турадиган можаролар – ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан гаплашишни билмасликлари оқибатидир” , - деган фикрлари қимматлидир. Педагогик таъсирнинг самарали бўлиш шартларидан бири тубандагилардир: ўқув материалининг мазмуни; таъсир кўрсатишда ўқитувчининг таъсир кўрсатишга бўлган муносабати; таъсирнинг ўқувчи ёш ва индивидуал сифатларига ва таъсир кўрсатишдаги ҳолатига боғлиқлиги; ўқитувчининг таъсир кўрсатиш техникаси; таъсир кўрсатишнинг асосланган ва амалда қўллаш учун яратилган шароитга ва бошқаларга боғлиқ.

Таъсир кўрсатиш турлари

Таъсир кўрсатиш кўпинча қуйидаги асосга кўра классификация қилинади, улар 5 та турда олиб борилади :

1.**Ҳаракат манбаига** асосланиб таъсир кўрсатиш;

а) **бошқа киши** орқали таъсир кўрсатиш;

б) **ўзига-ўзи** таъсир қилиш – таъсир этиш объекти билан субъекти мос тушади;

2.Субъектнинг ҳолатига асосланиб таъсир кўрсатиш:

- а) **уйғоқ ҳолда** таъсир кўрсатиш;
- б) **ухлаган ҳолда** таъсир кўрсатиш;
- с) гипотеза ҳолида таъсир кўрсатиш (фаразий, тахминий).

3.Таъсир кўрсатувчининг бор ёки йўқлиги, таъсир кўрсатиш мақсадига қараб, онгли равишда, зўр бериш орқали амалга оширилади:

- а) **олдиндан мўлжаллаб** таъсир кўрсатиш;

б) **мўлжалламасдан** таъсир кўрсатиш; Мўлжалланган таъсир кўрсатишда ўқитувчи олдида қўйилган мақсад асосида руҳий таъсир кўрсатишни онгли ташкил этиб, ўз олдида қўйган натижага эришади. Масалан, ўқитувчи яхши ўқиган ўқувчининг ўқишдаги ижобий томонларини ўқувчилар олдида мақтайди ва унга кучли таъсир этади. Мўлжалланмаганда таъсир кўрсатувчи ўз олдида мақсад қўймайди. Баъзан ўқитувчи ўзи тушуниб етмай, одатдагидан мураккаб боғланишда бир ўқувчига мурожаат қилиб унга кучли таъсир кўрсатади. Масалан, сен ҳамма вақт шундайсан. Сенга бирор ишни топширсам, барибир сен уни уддалай олмайсан, каби.

с) **ўзига-ўзи** таъсир этиш ҳам мўлжалланган ва мўлжалланмаган. Инсон онги равишда ўзидаги салбий сифатларни йўқотишга интилади. Мўлжалланмаганда эса онгсиз, эркин, ўз хоҳишича амалга оширади.

4.Таъсир этиш натижасига қараб иккига бўлинади:

а) **ижобий**; б) **салбий**. Ижобий таъсирда руҳий сифатлар шаклланади (одат, кизиқишлар, муносабатлар). Салбий таъсир кўрсатишда салбий сифатлар шаклланади. Масалан: таҳқирлаш, маънавийтсизлик ва ҳ.к.

5.Таъсир этиш мазмунинг қараб фарқланади:

а) **очиқчасига** таъсир кўрсатиш. Таъсир кўрсатишни тўғридан-тўғри очиқчасига таъсирланувчи бирор аниқ ҳаракатга даъват этади. Масалан, бундан кейин ҳеч қачон чекмайсан;

б) **яшириш** ҳолда таъсир кўрсатиш. Таъсир кўрсатишда мақсад яширинади, тўғри айтилмайди, у ёки бу мўлжал қилинган таъсир ҳаракат орқали амалга оширилади.

Педагогик таъсир кўрсатишнинг шакллари

Мактабда таъсир этишнинг тубандаги шакллари қўлланилади.

1.Бевосита олдиндан мўлжаллаб таъсир этиш (бу тўғридан-тўғри таъсир этиш дейилади) қайсики команда, буйруқ ва мураббий таъсир этиш қўлланилади.

Буйруқ ва команда ўқув-тарбиявий жараёнда тубандаги турларда қўлланилади:

1.Огоҳлантирувчи ёки йўналтирувчи шаклда. Бунда вазифа қисқа вақтда бажаришга даъват қилинади. Масалан, Дикқат! Тайёрланинг!

2.Бажарувчи шаклда.Масалан, тўғирланинг! Смирно! Стоп!

3.Тақиқловчи шаклда. Масалан, Тўхта! Тугат! Бас!

4.Намуна асосида бажарилади. Масалан, мен шундай бажарсам, сен ҳам шундай бажар. Валидек бажар. Мураббий таъсир кўрсатиш шакли.

Масалан, “Сен яхши ўқий олишинг мумкин. Бугун сен уч соат дарс тайёрлайсан” каби.

II. Билвосита таъсир кўрсатиш ўқувчига таъсир кўрсатишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Билвосита таъсир кўрсатишнинг тубандаги шакллари мавжуд, шама шаклида (ўқитувчига жамоат ишларидаги фаоллиги учун уни қўллаб-қувватлайди.”Мабодо, сен чарчамадингми? Таъсир кўрсатишнинг билвосита маъқуллаши).

Таъсир кўрсатишнинг педагогик таъсир техникаси

Таъсирнинг самараси, таъсир кўрсатувчининг овоз тузилиши, қарашлари (афт-башара ҳолати), ҳаракатларнинг узвийлигига боғлиқ мураббийнинг таъсир кўрсатувчига кўрсатган таъсири қайсини сўз билан таъсир кўрсатиш мазмуни унинг интонациясини, имо-ишорани, юз, афт ҳаракатларини қўллаб-қувватлаганда кучли бўлади. Булар мазмунга зид бўлмаслиги керак.

Тўғри алоқа услубини шакллантиришда ўзини тута билиш, ўзини билиш, ҳаққоний бўлиш бошқалар тарбиясига ижодий ёндашиш, педагогик техникани ривожлантириш, ҳазилни сезиш сингари сифатлари муҳим аҳамият касб этади. Бунда албатта ўқитувчи доимо ўз ўқувчиларини ҳурмат қилиши ва улар шахсини ҳимоя қилиши шарт.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Педагогик таъсир воситалари деганда нимани тушунасиш?
2. Ишонтириш нима?
3. Педагогик талабни таърифланг?
4. Рағбатлантириш ва жазолаш методларини тавсифлаб беринг
5. Жамоатчилик фикри нима?
6. Нутқ техникасини тавсифланг.
7. Нутқ маданияти нима?
8. Нутқ техникасини тавсифланг.
9. Тўғри алоқа услуби нима?
10. Таъсир этиш техникаси деганда нимани тушунасиш?

II- БЎЛИМ: ПЕДАГОГИК МАҲОРАТНИНГ АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

6 - мавзу: Педагогик техника (2 соат)

Таянч иборалар: Педагогик техника, нутқ малакалари, мимика, пантомимика, ўз ҳиссий ҳолатини бошқариш, педагогик мақсадга йўналганлик, нутқ ҳақида тушунча, нутқ ва инсон камолоти, нутқни машқ қилдириш.

Асосий саволлар:

1. Педагогик техника тушунчасини ва унинг тузилиши.
2. Педагогик маҳорат ва техника
3. Педагогик техникани эгаллаш йўллари.
4. Ўқитувчи нутқи – педагогик маҳорат кўзгуси.
- 5.

Педагогик техника тушунчаси ва унинг тузилиши

Устоз-педагоглар эришган муваффақиятларнинг сирини билишга ҳаракат қилар эканмиз, биз уларнинг педагогик таъсир усулларида усталик билан фойдаланган ҳолда турли туман амалий таълим-тарбиявий вазифаларни усталик билан ҳал этишларига гувоҳ бўламиз. Бунда муҳим ролни махсус кўникмалар эгаллайди: ўқувчиларни ижтимоий фойдали ўқув фаолиятига сафарбар эта билиш, муаммо қўя билиш, жамоа ва алоҳида шахс билан тил топиш, кузата билиш, ўз кечинмаларини бошқача билиш: овоз, нутқ, мимика, ҳаракатларини эркин бошқара билиш ва ҳ.к.

Педагогик техника – ўқитувчи фаолиятининг ботиний мазмунини ҳамда зоҳирий ифодасининг гармоник бирилигидан иборатдир. Педагог маҳоратининг маънавий маданияти ҳамда педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган зоҳирий ифодаси синтезидан иборатдир. (Н.Н.Тарасович)

Шундай қилиб техника – усуллар мажмуасидир. Унинг воситалари эса – нутқ ва мулоқот воситаларидир. ”Педагогик техник” тушунчаси ўз ичига 2 гуруҳ таркибий элементларни олади:

Ўқитувчининг **одоб-ахлоқий кўникмалари** билан боғлиқ бўлган элементар: ўз жисмини (мимика, пантомимика) бошқара билиш; ҳис-туйғу, ҳаяжон, таъбини бошқара билиш (ортиқча руҳий зўриқишлардан осонлик билан халос бўла олиш, ижобий муҳитни тўғрича билиш): диққат қила билиш, кузатувчанлик, тасаввурнинг кенглиги; нутқ техникаси (нафас, овозни бошқариш, диқсия, нутқ тезлиги (темпи)).

2.Шахс ва жамоага таъсир кўрсата билиш техникаси таълим-тарбиянинг технологик томони билан боғлиқ бўлиб, буларда: дидиктик, ташкилий, ижодийлик, муомала кўникмалари; талаб қила билиш, педагогик мулоқотни бошқара билиш, жамоатчилик ижодий фаолиятини ташкил эта билиш ва бошқалар кирази.

Қуйида биз педагогик техниканинг, педагогнинг одоб-ахлоқи билан боғлиқ бўлган жиҳатларини қараб чиқамиз.

Педагогик мақсадга қаратилганлик ва педагогнинг ташқи қиёфаси.

Тарбиячининг ташқи қиёфаси эстетик жиҳатдан кўримли бўлиши лозим. Ўқитувчи жуда ҳам башанг ва жуда ҳам пала-партиш кийинмаслиги лозим.

Унинг ташқи қиёфаси кийим-кечаклари - тарбиячи шахсини шакллантириш вазифасини ҳал этишга бўйсиндирилган бўлиши лозим. Замонавий кийиниш нормаларидан кейинда қолмаган ҳолда у ўртача меъёрга амал қилгани тузук. Тарбиячининг эстетик дид билан кийиниши, унинг ўзини эркин тута билиши, нутқи, мимик ва пантомимик ҳаракатларига мос бўлиши лозим. Чунки унинг ҳар бир ҳаракати: аудиторияга қай таҳдидда кириши, стулда қандай ўтириши, юриш-туриши – барчаси тарбияланувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатади. У ўзини хотиржам, жиддий, ўрни келганда эса болаларининг ёшига мос равишда хушчақчақ тута билса, тарбияланувчиларга таъсири талаб даражасида бўлади.

Эмоционал ҳолатни бошқариш. Бошловчи педагог биринчи марта ўзини жуда ишончсиз сезади. Ўзига қараб турган кўзларнинг тазъийқи натижсида уни титроқ босади, нутқи узук-юлик, пала-партиш, ўзини йўқотиб қўяди (чунки у ўз устидан кулишларидан кўрқади). Буларнинг барчаси ўқитувчидан бўлажак машғулот олдидан ўзини рухий физиологик жиҳатдан тайёрлашни, мулоқот пайтида ўз эмоционал ҳолатини бошқара билишни талаб этади.

Ўз-ўзини бошқариш қобилиятини аниқлаш учун Б.М.Черний тузган тестдан фойдаланиш мумкин:

“Ҳа ёки йўқ” сўзлари билан ҳиссиёт-ҳолатингизга тегишли бўлган саволларга жавоб беринг:

- Ҳар доим хотиржам, тоқатлимисиз?
- Сизнинг таъбингиз ҳар доим тузукми?
- Аудиторияда машғулот ўтаётганда, унга диққат ва саранжомлик сизни тарк этмайдими?
- Сиз ўз ҳис-ҳаяжонингизни бошқара оласизми?
- Сиз ўз ўртоқларингиз ва яқинларингизга нисбатан диққат эътиборли ва меҳрибонмисиз?
- Сиз ўрганиш керак бўлган материални енгил ўзлаштира оласизми?
- Сизда ўзингиз ҳалос бўлишни истаган салбий одатлар йўқми?
- Сиз қайсидир вазиятда ўзимни нотўғри тутдим, деб афсусланасизми?

“Ҳа ёки йўқ” жавобларни ҳисоблаб, хулоса чиқариш мумкин. Агар барча жавоблар ижобий бўлса, вазминлик, ўз-ўзини бошқара билиш, ёки ўзига ортиқча баҳо беришни кўрсатади. Агар барча жавоблар ёки уларнинг айримларига салбий жавоб тўғри келса, бу кишининг нотинчлиги, ўзига ишончсизлиги, ўзига танқидий қарашидан далолат беради. Аралаш жавоблар (“Ҳа “ ҳам “ йўқ” ҳам) ўз нуқсонларини кўра

билишни кўрсатади, бу эса ўз-ўзини тарбиялаш томон биринчи кадамдир.

Ўз-ўзини бошқариш усуллари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- яхшилик, меҳрибонлик ва оптимизмни тарбиялаш;
- ўз хулқ-атворини назорат қилиш (мушак зўриқиши, ҳаракат тезлиги, нутқ, нафас олиш);

Фаолиятда дам олиш (меҳнат, мусиқа, китобхонлик, юмор, имитацион ўйинлар).

Навбатдаги усуллар организмнинг фаолиятини назорат қилишга асосланади. Хусусий қарғуришлар чуқурлигини ўзгартириш мумкин. Бунинг учун ташқи таъсир зарур бўлади. Бунга назоратни нимага қаратиш лозим? Албатта мимика, суяк мускуллари, нутқ тезлиги, нафас олишни мўтадиллаштириш лозим бўлади.

Жисмоний ва руҳий жихатдан организмни бўшаштириш учун аутоген машқлар (психик ўз-ўзини бошқариш) ўзига хос психофизик гимнастик машқлар бўлажак ўқитувчи учун нафас олиш ва нутқ оҳангини тарбиялашда хизмат қилувчи машқлар қаторидан жой олмоғи лозим. Психик ўз-ўзини бошқариш ўз таркибига релаксация (бўшашув ҳолати) ва касбий зарур бўлган сифатларни эгаллаш учун ўз-ўзини ишонтириш формулаларидан фойдаланишни қамраб олади. Бунинг учун чордона қурган ҳолда махсус формулалар ёрдамида оғирлик ва иссиқлик сезгисини организм аъзолари – қўл-оёқда ҳосил қилиш, мускулларни бўшаштириш, тинчланишни машқ қилиш мумкин. Шундан сўнг қуйидаги формула асосида қуйидагиларни овоз чиқариб айтиб ўз-ўзини у ёки бу фаолиятда сафарбар этиш мумкин.

“Мен хотиржамман. Дарсимни яхши ўтяпман. Талабалар яхши тинглашяпти. Ўзимни эркин ҳис этипман. Мен дарсга яхши тайёрланганман. Дарс қизиқарли. Талабаларни барчасини биламан ва кўряпман. Мен дарсни яхши ўтаман. Менинг дарсимга талабалар қизиқишади. Мен ўзимга ишонаман, кучлиман. Мен ўзимни яхши тута оламан. Руҳиятим яхши. Ўқитиш қандай яхши. Талабалар мени ҳурмат қилишади, тинглашади ва менинг талабларимни ижро этишади. Ўқитувчилик касби менга ёқади. Мен- ўқитувчиман!”.

Бироқ педагогик фаолиятнинг бошида рўй берадиган қийинчиликларни енгиб ўтиш учун катта бардош, ирода, сабр-тоқат талаб этилишини ёддан чиқармаслик лозим.

Пантомимика. Гавда, қўл ва оёқнинг ҳаракатига – пантомимика дейилади. Пантомимикада моҳир педагоглар ўз фикрларининг асосий ўрнини таъкидлаш, образ яратиш мақсадида фойдаланадилар. Ўқитувчи дарс пайтида ўқувчилар олдида тўғри туриш малакасини эгаллаши керак (оёқлар оралиғи 12-15 см, бир оёқ бироз олдинга ташлаган ҳолда). Унинг барча ҳаракатлари назокатли, оддий ва табиийлиги билан ажралиб туриши лозим. Гавдани тутиш эстетикаси салбий одатлардан холи бўлишни талаб этади: орқа-олдга томон чайқалиш, бир оёқдан

иккинчисига оғирликни ташлаш, стул суянчиғини тутиш, қўлда дарсга алоқасиз буюмларни айлантириш, бош қашиш, бурун қоқиш, қулоқ кавлаш ва ҳ.к.

Унинг имо-ишоралари аниқ тушунарли, маъноли бўлмоғи лозим. Имо-ишоралар тасвирий ва психологик турларга бўлинади. Тасвирий ишоралар фикр йўналишини тасаввур этиш, чизиб бериш учун хизмат қилади, энг муҳими психологик тестлар бўлиб, улар ҳис-хаяжон, туйғуларни ифодалашга хизмат қилади. Масалан, ўқитувчи тўғри жавобдан мамнунлигини бошини 3 марта оҳиста пастга эгиш орқали, жавобдан қониқмаганлигини эса бошини икки томонга “сарак-сарак” қилиб чайқаш орқали ифодалаш мумкин. Шунини таъкидлаш жоизки, ишоралар айтилмоқчи бўлган фикр тўғрисида олдиндан огоҳ этиш учун ишлатилади, айтилган фикрдан кейин уларни қўллашнинг фойдаси йўқ. Ўқувчиларга айтиладиган фикр таъсирини ошириш учун олдинга қараб юриш, уларга дам бериш учун эса орқага қайтиш лозим.

Мимика. Ўз фикри, ҳиссиёти, руҳий ҳолатини ифодалаш санъатига – **мимика** дейилади. Баъзан ўқитувчи юз ифодаси у айтмоқчи бўлган сўздан ҳам кўра кучли таъсирга эга. Имо-ишора ва мимика ахборотнинг эмоционал кучини ошириб яхши қабул қилишга сабаб бўлади.

Ўқувчилар ўқитувчининг фикрини унинг юз ифодасиданок билиб оладилар. Шунинг учун ҳа ўқитувчи ўз кечинмаларини яшира олиш ҳам лозим. Юз ҳаракатлари фақатгина ўқув тарбия мақсадида қўлланилиши лозим.

Юз ифодаси бутун қиёфа каби ўзга ишонч, ҳайрихоҳлик, ҳукм, норозилик, хурсандлик, фахрланиш, лоқайдлик, қизиқувчанлик, ҳафалик кабиларни ифодалай олиши лозим. Инсоннинг барча ҳиссиётлари унинг табассумида мужассамлашган бўлади, у кишининг маънавий соғломлиги ва ахлоқий қудратини ўзида ифодалайди. Мимикани ифодаловчи деталлар – қош ва кўздир. Қошнинг юқорига кўтарилиши хайратланишни, чимирилиши – диққатни тўплашни, қимирлатмасдан туриш – хотиржамликни, лоқайдликни, тез ҳаракатга келиши – танг қолишни ифодалайди.

Кўз кишининг энг таъсирчан органидир. Ўқитувчи ўз юз тузилишининг имкониятларини яхшилаб ўрганиб чиқиши лозим. У ҳар бир ҳодисага нисбатан ўз кўз қарашлари билан ўзининг ижобий, салбий, бетараф муносабатини ифодалай билиши лозим. Унинг кўзи “олма-кесак” термаслиги, ёки “балиқ кўз” бўлмаслиги лозим.

Мана масалан, қувончли ҳолатни ифодаловчи белгилар: табассум, кўз яшнайти, ҳаддан ташқари имо-ишоралар, сўзамоллик, бошқаларга ёрдам бериш истаги кўзга ташланади.

Кўрқув белгилари: кўзлар катта – катта очилган, гавда шалпайган, қошлар бироз кўтарилган, овоз титрайди, кўз олма-кесак теради, ҳаракатлар шиддатли, гавда титрайди.

Ўқитувчининг назари ўқувчиларда бўлиши лозим. Улар орасида кўз алоқаси машғулотлар давомида мустаҳкамланиб бориши керак. Бироқ шуни ҳам унутмаслик лозимки, катта йиғин, митингларда сўзга чиққанда бундай алоқадан воз кечиш лозим. Чунки кўпчилик томонидан ҳосил бўладиган биомайдон нотикқа салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам оломонга худди девор ёки гулзорни кузатган каби назар ташлаган мақсадга мувофиқ бўлади: оломон биомайдони нотикқа салбий таъсир кўрсата олмайди.

Ўқитувчи нутқи – педагогик маҳорат кўзгуси сифатида

Олимларнинг ҳисоблашларига кўра ўқув учун ажратилган вақтнинг тахминан 1/4-1/2 қисми ўқувчиларнинг ўқитувчи нутқини эшитишлари ва тушунишлари учун сарфланади. Демак ўқув материалининг ўқувчилар томонидан пухта ўзлаштирилиши ўқитувчи нутқининг камолоти ва ёрқинлигига боғлиқ экан.

Ҳақиқатдан ҳам, А.Авлоний таъкидлаганидек ”Сўз инсоннинг даража ва қамоли, илм ва фазлни улуғлаб кўрсатадурғон тарозисидир. Ақл соҳиблари кишиларнинг фикр ва ниятини, илм ва қувватини, қадр ва қимматини сўзлаган сўздан билур”. Айниқса, ўқувчилар ўқитувчи талаффузи, нутқ техникасига катта эътибор берадилар. Дудук, кириш, товушга тақлид каби сўзларнинг, масалан “айтайлик”, “хўш”, “анақа”, “ўтга-бўтга”, “демак” каби сўзларнинг ўринсиз равишда кўп такрорланиши ўқувчиларнинг энсасини қотиради. Бундай ҳол фақат ўрта мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари орасидагина эмас, балки олий ўқув юрти профессор- ўқитувчилари орасида ҳам учраши ачинарли ҳолдир. Масалан, собиқ иттифоқ давридаги СамДУнинг бир ўқитувчиси (муайян сабабларга кўра у кишининг исмини айтмадик) бир жуфт маъруза давомида 82 марта ҳеч бекорга “хўш” ва 172 марта “демак” сўзини ишлатган. Бундай ҳол ўқувчи ва талабаларнинг фанга бўлган қизиқишларни сўндиради.

Кишининг овози, табиати ўзгармас деган фикрларга қўшилиб бўлмайди. Ҳозирги замон физиология фанининг далолат беришича овоз сифатини мутлақо ўзгартириш мумкин. Бу тарихий фактлар билан ҳам исботланган. Масалан, буюк нотик Демосфен ўз дудуклигини машқ қилиш туфайли енгиб Қадимги Римнинг буюк нотигига айланган.

Ҳозирги кунда нутқ техникасига доир машқлар тизими ишлаб чиқилган. Бу тизим театр педагогикаси тажрибаларига таянади ҳамда нутқ пайтида тўғри нафас олиш, танаффус ва диксияни сўзлаш каби кўникмалар ўқув-услубий мажмуасидан ташкил топгандир. Мазкур тизимни ўзлаштириш исталган ўқитувчи ўз нутқи орқали ўқувчиларда ўзи истаган билим, кўникма ва малакаларни сингдира олади, тарбиялай олади.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

- 1.Педагогик техниканинг тузилишини айтиб беринг?
2. Педагогик техниканинг эгаллаш йўллари ҳақида гапиринг
- 3.Нутқ малакалари нима?
- 4.Мимика ва пантомимикани тавсифланг.
- 5.Ўз ҳиссий ҳолатини бошқариш деганда нимани тушунаси?
- 6.Педагогик мақсадга йўналганлик нима?
- 7.Нутқни таърифланг.
- 8.А.Авлонийнинг киши нутқига берган баҳосини айтиб беринг.
- 9.Нутқни машқ қилдириш мумкинми?
- 10.Нутқни тузатиш усуллари.

7-мавзу: Нутқнинг асосий хусусиятлари “нутқ маданияти” (2соат)

Таянч иборалар: Тўғри нафас олиш, фонатика, юзаки нафас олиш, кўкрак орқали нафас олиш, диафрагма орқали нафас олиш, нафас олишнинг содир бўлиши, овоз, овоз аппарати: генераторли, энергетик, резенаторли; овоз бузилиши; зўриқиш, заифлик, гигиена қоидалари бузилиши, туғма заифлик, диксия, талаффуз аниқлиги, ритмика, ритм, вазн.

Асосий саволлар:

- 1.Тўғри нафас олиш.
- 2.Талаффуз ва диксияни сошлаш
- 3.Нутқ, талаффуз, диксияни пантомимик ва мимик ҳаракатлар билан уйғунлаштириш.

Нутқни бошқаришнинг илмий асосларини қуйидагилар ташкил этади:

- 1.Тўғри нафас олиш
- 2.Талаффуз ва диксияни сошлаш
- 3.Нутқ, талаффуз, диксияни пантомимик ва мимик ҳаракатлар билан уйғунлаштириш (театр педагогикаси тажрибаси билан).

1.Тўғри нафас олиш

Нафас фақатгина инсоннинг тирикчилигини таъминлабгина қолмасдан нутқнинг куч берувчи базаси бўлиб ҳам ҳисобланади. Нутқ ҳосил қилувчи нафас **Фонатика** деб аталади (грекча **фоно-товуш**). Ҳаётда муомала диалогик тарзда кечиши нафас олишда кўп қийинчилик туғдирмайди. Бироқ дарс пайтида эса бир оз бошқачароқ: ўқитувчи узоқ вақт гапиришига тўғри келади, машқсиз нафас олиш шунда ўзини намоён қилади: нафас олиш қийинлашиши томир уришни тезлашиши, юз қизариши кузатилади.

Нафас олиш жараёнида қандай мускуллар иштирок этишига қараб нафас олишнинг 4 хил типи фарқланади.

Юзаки нафас – олиш елкани кўтарувчи ва туширувчи, кўкрак қафаснинг юқори қисмини ҳаракатга келтирувчи мускуллар иштирокида ҳосил бўлади. Бу юзаки нафас ҳосил қилади, ўпканинг фақат юқори қисмигина фаол ҳаракат қилади.

Кўкрак нафаси – қовурғалар оралиғи мускуллари ёрдамида ҳосил қилинади. Кўкрак қафасининг кўндаланг қисми ўзгаришга учрайди. Диафрагма деярли ҳаракатсиз, натижада нафас чиқариш кучсиз.

Диафрагма орқали нафас олиш – кўкрак қафасининг кўндаланг ўзгариши ҳисобидан содир бўлади. Диафрагма қисқаради (бунда қовурғалар оралиғидаги нафас мускуллари қисқаради, биров озроқ).

Диафрагма қовурға орқали нафас олиш диафрагмаларнинг тўғридан-тўғри ва кўндаланг равишда қисқариши, қовурғаларо нафас олиш мускулларининг қисқариши натижасида юзага келади. Бу нафас олиш энг тўғри бўлиб, ундан нутқ товушини ҳосил қилиш учун фойдаланилади.

Кўкрак қафасининг кенгайиши нафас чиқариш натижасида фаол ишга киришган қовурғаларо мускулларнинг ҳаракати ўпка кенгайди ва ҳаво билан тўлади. Шундай савол туғилади – нафас олиш қандай содир бўлади?

Кўкрак қафаси диафрагмаси қисқаради ва кўтарилади ҳамда кўкрак қафасининг юқорисига таъсир этади, бу вақтда қовурғалар пастга тушади, натижада кўкрак қафасининг кўндаланг ҳажмини кичрайтиради. Кўкрак қафасининг умумий ҳажми қисқариши натижасида босим кўпаяди ва ҳаво ташқарига чиқади.

Оддий нафас бурун орқали содир бўлади: у вақт жиҳатидан қисқа ва равондир. Оддий нафаснинг формуласи: нафас олиш, чиқариш, паузадан иборат.

Бундай нафас олиш эса нутқ учун етарли эмас. Нутқда нафас чиқариш нафас олишга нисбатан чўзиқроқдир.

Нутқ товушлари нафас олиш жараёнида юзага келади. Шунинг учун ҳам диафрагма, бел ҳамда қовурғаларо мускулларни ривожлантиришга доир машқлар мавжуд. Масалан, ёнбошлаган ҳолда бурун орқали чуқур нафас олиш. Бунда ҳаво ўпканинг пастки қаватида сақланишига эътибор бермоқ даркор. Ҳавони ҳар доим пастга томон ёллаш лозим.

2.Талаффуз ва диксияни созлаш

Ҳа, баъзи ўқитувчиларнинг овози табиатдан берилган. Бироқ ҳар қандай овоз махсус машқсиз вақт ўтиши жараёнида бузила бошлайди. Ҳар бир кишининг овози ўзигагина хос: кучли қаттиқ ва оҳангдордир.

Овоз аппарати 3 қисмдан : генераторли, энергетик, резанаторлик хусусиятига эга.

Овоз генерацияси овоз тугунчалари оғиз бўшлиғидаги тўсиқларда ҳосил бўлади, натижада шовқунли товушлар юзага келади.

Резанатор тизимида халқум, бурун-халқум, оғиз бўшлиғи, нутқ ритми ва динамик ривожланишни таъминлайди.

Энергетик тизимда ташқи нафас олиш билан боғлиқ бўлиб, ҳаво тўлқинлари ва миқдорини ташкил этади, товушнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Педагог нутқи кучли, узоқ масофага етиб борадиган ўзгарувчан, диапазонли (овоз ҳажми), тембри (улуғлик, ёрқинлик) бўлиши талаб этади.

Махсус илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, паст овозда тушунтириш юқори овозда нисбатан самаралироқ ўзлаштирилар экан.

Овоз бузилишлари 4 сабабга кўра содир бўлиши аниқланган:

1. Ҳар кунги овоз зўриқиши
2. Овоз аппаратининг заифлиги
3. Гигиена қоидаларини билмаслик
4. Овоз аппаратининг туғма заифлиги.

Овоз аппаратининг зўриқиши натижасида овознинг бузилиши ўқитувчилар орасида 50% ни ташкил этади – бу баланд овоз билан гапиришнинг оқибатидир. Ўқитувчининг овозини эҳтиёт қилиши ҳақида **Абу Али Ибн Сино ” Тиб қонунлари”**да асарида шундай ёзади: ”Овозни йўқотмаслик, нафас олиш органларини ишдан чиқармаслик учун, аввало ўқишни паст овоз билан, кейинчалик эса аста-секин кучайтириш лозим, лекин кучли овоз билан ўқиш ҳам узоқ муддат давом этмаслиги лозим (316-б.). У яна давом этиб ёзади: ”Узоқ муддат давомида қаттиқ товуш жуда хавфлидир. Чунки бақирқ кўп миқдорда ҳавони ичга тортишни талаб қилиб, узоқ муддат товуш чиқариб туриш эса кўп миқдордаги ҳавони ташқарига чиқаришни талаб қилади (буларнинг ҳар иккиси ҳам хавфлидир)”, - деган эди.

Диксия. Талаффузнинг аниқлиги, равшанлиги. Диксия бу ҳар бир сўз, жумлани аниқ талаффуз этишдир. Талаффузнинг аниқлиги нутқ аппаратининг софлиги, яъни созланганлигига боғлиқ. Нутқ ҳосил қилишда тил, лаб, юмшоқ танглай, кичик тил, пастки жағ фаол қатнашади. Шунинг учун уларни машқ қилдириш даркор. Бунинг учун махсус артикуласион гимнастикалардан фойдаланиш мумкин. Бундай машқлар нутқ аппаратини созлайди, ҳар бир товушни тўғри талаффуз қилишга ўргатади. Масалан, тилнинг чучуклигини машқ орқали тузатиш мумкин. Бунинг учун тил юқори танглай остига қаттиқ босилади. Гугурт чўпи билан талаффуз қилиш орқали ҳам бундай натижага эришса бўлади.

3. Нутқ, талаффуз, диксияни пантомимик ва мимик ҳаракатлар билан уйғунлаштириш

Нутқнинг чўзиқлиги, давомийлиги алоҳида сўзларнинг талаффузи, унинг ритмик тезлигини ташкил этади. Унинг тезлиги ўқитувчининг индивидуал хусусиятларига боғлиқ бўлади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, V-XI синфларда 1 минутда 60 сўз, X синфларда 75 сўз баён қилинганда ўқувчиларнинг яхши ўзлаштиришга эришиши аниқланган.

Ўқув материалларининг мураккаб қисми, бўлимларини аста-секинлик билан , қолганларини эса ритмик тезлик билан уйғунликда тушунтирилиши лозим. Ўқувчи қанчалик ҳаяжонланса, ўқитувчи шунча секин ва хотиржам вазиятда гапириши катта самара беради. Нутқ жозибадорлиги ва бойлигини ошириш учун махсус машқлардан фойдаланиш тавсия қилинади. Булар: нафас олишни ташкил қилиш, талаффузни ўрганиш, нутқ суръатини бошқариш, овоз боғланишларини мустаҳкамлаш ва бошқалардир. Ўқитувчи нутқи тиниқ, мазмунли, жарангли, аниқ, ўқувчилар диққатини ўзига тортадиган, фикрлашга даъват этувчи, ўқувчини тўлқинлантирувчи, унинг уйқусини келтирмайдиган бўлиши лозим.

Агар нутқ тезлигига **ритм** дейилса, унинг чўзиқ ёки қисқалик жиҳатдан муайян ўлчовга эгаллигига **вазн** дейилади. Масалан, шеърий асарларнинг вазни: аруз, бармоқ, оқ шеър кабилар.

Ўқитувчи ўз нутқини, талаффуз ва диксияни пантомимик , мимик ҳаракатлар билан уйғунлаштира олса ва шунинг билан бирга чуқур касбий билимлар захирасига эга бўлса, бундай ўқитувчини моҳир уста, устоз ўқитувчи деб аташ мумкин.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

- 1.Тўғри нафас олишни тавсифлаб беринг.
- 2.Фонатика нима?
- 3.Юзаки нафас олишни тавсифлаб беринг.
- 4.Кўкрак орқали нафас олишни таърифланг
- 5.Овоз, овоз аппаратини таърифланг
- 6.Овоз бузилиши нима?
- 7.Диксия деб нимага айтилади?
- 8.Талаффуз аниқлиги нима?
- 9.Ритм ва вазни таърифлаб беринг.
- 10.Нутқ, талаффузни мимик ва пантомимик ҳаракатлар билан уйғунлаштириш ҳақида гапиринг.
- 11.Диафрагма орқали нафас олишни тушунтиринг.

8-мавзу. Ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муомала маданияти ва педагогик маданият(2 соат)

Таянч иборалар: Педагогик муомала, маданият, педагогик муомала функциялари, муомала услублари, педагогик такт (назорат), педагогик ҳамкорлик, авторитар-бюрократик, демократик ҳамкорлик услублари.

Асосий саволлар:

1. Педагогик муомала ва унинг функциялари
2. Ўқитувчи муомаласининг усуллари
3. Ўқитувчининг педагогик маҳорати
4. Педагогик ҳамкорлик.

Педагогик муомала ва унинг функциялари

Баъзи ўқитувчилар борки, улар ниҳоятда кучли билим, яхшигина нутққа эга бўлишади, бироқ ўқувчилар билан муомала қила билишмайди. Уларда ўқувчини эшитиш сабр-тоқат малакаси етишмайди.

Мактабда 2та бош фигура – ўқитувчи ва ўқувчи мавжуд бўлиб, бутун таълим-тарбия жараёнининг муваффақияти ана шу кишиларнинг муомала маданияти даражасига боғлиқ. Бироқ, ҳозирги мактаб, таълим-тарбияни демократиялаштириш жараёни бажараётган бир даврда ҳам, биз авторитар-бюрократик, императив ёндашувини кўрамиз.

Саккиз йиллик мактаб директори “ Мен ўқувчилар билан ёлғиз курашмоқдаман, лекин улар билан ҳамма курашишини истайман”, деб жаврайди, натижада болалардаги нуқсонларга эмас, балки уларнинг ўзларига қарши кураш бошлайди. Масалан, шарманда қилишга бағишланган линейка, қасам ичириш, ота-оналар орқали сиқувга олиш ва ҳ.к. Натижада икки бир-бирига қарши турувчи ўқувчилар ва ўқитувчилар лагери юзага келади. Умумий мақсадлар эмас, балки шахсий қизиқишлар учун кураш авж олади.

Ҳозирги истиқлол ва демократия шароитида таълим-тарбия жараёнини, онгли фикрлай оладиган ватан ва шахсий манфаатлари олдида маъсулият сезадиган фуқарони тарбиялаш мақсадига бўйсунди.

Ўзаро қарама-қаршилик эмас, балки ҳамкорлик, инсонпарварлик билан суғорилган муносабатлар- мактабда сермахсул муомала маданиятини йўлга қўйиш орқалигина юқоридаги мақсадга эришиш мумкин.

Бу жараёни шартли равишда қуйидагича тасаввур этиш мумкин.

Жамият	Мактаб
Жамиятни янгилаш	Педагогик жараён иштирокчилари орасидаги муносабатларни инсонпарварлаштириш
Демократлаштириш	Ҳамкорлик: Ўқитувчи-ўқувчи Ўқитувчи-педагогик жамоа Ўқувчи-ўқувчи
Хўжайинлик тарбияси	Ҳар бир ўқувчининг шахсий

	маъсулияти, ҳар томонлама ривожлантириш
--	--

Ҳамма нарса ўқитувчининг ўқувчилар билан моҳирона мақсадга мувофиқ муносабатларни ўргатишга боғлиқ, чунки бундай муносабатлар ўз навбатида ижобий мулоқотни шакллантиришга хизмат қилади.

Кўпчилик 25% **ўқитувчи** ўзининг мактабдаги етакчилик ролини англамаганлиги учун ҳамма айбни ўқувчиларнинг “тарбиясизлиги” га тўнқайди.

Муомала – педагогик фаолиятнинг муҳим касбий қуроли бўлиб, олимлар А.А.Ковалев, Н.Б.Кузмина, У.А.Кан-Калик, А.А.Леонтев, А.Н.Мудрик, А.У.Шербаковлар муомаланинг ўқитувчи фаолиятида муҳим рол ўйнашини исботлашган.

Педагогик муомала – бу ўқитувчининг ўқувчилар билан дарс ва дарсдан ташқари пайтдаги қулай психологик ҳолат яратиш мақсадида олиб борадиган касбий мулоқоти.

Педагогик муомала ижтимоий-психологик жараён сифатида қуйидаги функцияларга эга : шахсни англаш, ахборот алмашув, фаолиятни ташкил этиш, рол алмаштириш, ҳамдардлик, ўз қадрини билиш, иштирокчиларни алмаштириш, кечинмалар ҳосил қилиш, ўзида ишончни шакллантириш ва ҳақозо.

Ахборотларнинг алмашиниш функцияси материалларнинг ва маънави сифатларни алмаштириш, таълим-тарбиявий жараёни ривожлантириш, ички ижобий ўзгаришларни ҳосил қилиш, ҳамкорликда билишга оид қидирув ҳамда онгли фикрлашга зарур шароит яратади.

Педагогик муомала тузилиши.

1) Педагог томонидан синф билан бўладиган муомалани моделлаштириш (прогностик босқич).

2) Дастлабки ўзаро фаолиятга киришувданоқ бевосита муомалага киришув (коммуникатив ҳуқум).

3) Педагогик жараёнда муомалани бошқарув.

4) Келажакдаги фаолиятни инобатга олган ҳолда қўлланилган муомала системаси ва моделлаштиришни таҳлил қилиш.

Нотўғри педагогик муомала ўқувчилар қўрқувини, ишончсизлигини, диққати, хотирасини бўшаштиради, билиш қобилиятини пасайтиради, мустақил фикрлашни сусайтиради ва салбий ҳулқ-атворини шакллантиради. Натижада ўқувчида ўқитувчи ва предметга нисбатан муносабат шаклланади. Педагогик фаолиятда ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорлигидаги унинг самарадорлигини таъминлайди. А.С.Макаренко ўқитувчи ва ўқувчиларнинг муносабатларида асосий нарса талабчанлик ва ҳурмат бўлиши кераклигини алоҳида таъкидланган. Сухомлинский қуйидаги маҳоратни ўқитувчи “Мактаб парталаридан айтилган ҳар бир сўз ўйлантирадиган донишмандона, мақсадга йўналтирилган, тўла маъноли бўлмоғи керак”.

Ўқитувчи муносабатида услублар

Мулоқотни 2 қисмга бўлиш мумкин: яъни муомала ва ҳамкорликдаги ҳаракатдан ташкил топади. Илмий тадқиқотлар кўрсатадики, ўқитувчилар доимо ўз ўқувчилари билан эмоционал – турғун муносабатларда бўлганлари ўқишда, хулқ-атворида нуқсонларни осойишталик билан – тенг ва ишонч асосида ҳал этади.

Ўқувчилар билан кўпол муомалада бўлган ўқитувчилар эса ўқувчилар ишончини йўқотади, тилёғламалик, ўзини кўрсатиш, синфда масҳараомуз қилиқларни шакллантиришга шароит яратади. Булар ўқув-тарбиявий жараёнга таъсир кўрсатади. Тадқиқотчилар ўқитувчининг синф жамоаси билан муносабатларида 3 та услуб мавжудлигини таъкидлайди:

1.Барқарор ижобий(турғун)

2.Фаол-ижобий

3.Барқарор бўлмаган (турғун бўлмаган) услуб.

Ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан бўладиган услубларини А.А.Леонтев хулосалаб, беқарор ўта салбий услубда бўлганлари ўзларига салбий муносабатни юзага келтиришни таъкидлайди. Бундай ўқитувчи мактабга ва жамиятга зиён келтиради. Муомалада ўқитувчиларнинг иш услублари 3 хил бўлади:

1.Сўзсиз бўйсунишга асосланган услуб.

2.Демократик услуб.

3.Кўнгилчанлик услуби.

В.А.Кан-Калик алоқа услубларини тубандагиларга ажратиб кўрсатади:

- ҳамкорликдаги ижодий фаолият асосидаги услуби;
- дўстликни хуш кўриш асосидаги алоқа услуби;
- масофа сақлаш асосидаги алоқа ўрнатиш услуби;
- дўқлаш, кўркитиш асосида алоқа ўрнатиш услуби;
- ҳазил ёки ўйин асосида алоқа ўрнатиш услуби;

Ш.А.Амонашвили дўстлик асосида алоқа услуби ҳақида шундай ғояни ифодалайди: (“Агар бола биздан узоқлашса қандай қилиб уни тарбиялаймиз?”).

“Фақат маънавий бирлик – бундан бошқа ҳеч нарса бу бирликни бузиши мумкин эмас”.

“Бақариш – инсоний муносабатлар маданияти йўқлигининг яққол кўриниб турган белгисидир. Ўқитувчининг бақариши болани довдиратиб, гаранг қилиб қўяди”- деган эди Сухомлинский.

Ўқитувчи муносабатларида хушмуомалалик

Такт сўзма-сўз таржима қилинганда дахлдорлик, алоқадорлик, таалукчилилик маъносини билдиради. **Хушмуомалалик** иштирокчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларини тартибга солишга ёрдам берувчи ахлоқий мезон.

Хушмуомала хулқ-атворли педагог инсонпарварлик принципига асосланиб, энг мураккаб вазиятларда ҳам инсонни ҳурмат қилиш асосида

иш тутади. Бу тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунида **“таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги” таъкидланган.**

Педагогик хушмуомалалик педагогнинг касб сифати яъни маҳоратининг бир бўлагидир. Педагогик назорат умумий назоратдан фаркланиб, ўқитувчи шахснинг асосий сифати бўлиб балки ўқувчига тўғри малакали ёндашишни назарда тутади. Шундай қилиб, педагогик хушмуомалилик – ўқитувчининг мақсадга мувофиқ ўқувчига таъсир кўрсатиш маҳоратини белгилаб берадиган, самарали услубий алоқасидир.

К.Д.Ушинский

“Мактабда ҳазилга йўл қўйишни жиддий ҳукм суриши лозим, аммо ҳамма иш ҳазилга, эрмакка, сертакалуфликка, адолат тирноқ остидан кир излашга, яхшилик, мулойимликка, тартиб бачканаликка айланиб кетмаслиги, энг муҳими доимо ақлий фаолият ҳукмрон бўлиши керак”, - деб таъкидлаган эди.

Ўқитувчининг ўқувчиларга қўядиган талаблари меъёридан ортиқ бўлса, тескари натижаларни меъёридан ортиқ кўнгилсизлик эса салбий натижаларни келтириб чиқариши мумкин. Ўқитувчи ўқувчини ҳурматлаб буни ўқувчиларга кўрсата олиши зарур. Ҳурмат қилиш очик кўнгилликни, эркалиштишни, талабчанликни инкор этмайди, аксинча уни кучайтиради. Талабчанлик ўқувчи ёшининг ортиқ бўлиши билан орттириб борилади.

Дарсда педагогик хушмуомалалик

Ўқувчилар билан ўқувчи ўртасидаги тушунмаслигининг асосий сабабларидан бири- ўқитувчининг хушмуомила эмаслиги яъни ўқувчиларнинг ташқи кўриниши, ақлий ривожланиши, қобилиятларига қўпол равишда эътироз билдиришлари натижасида рўй беради. Баъзи ўқитувчилар синфда, кўчада, қаерда бўлмасин ўқувчиларни огоҳлантиради. Ўқитувчининг хушмуомалалиги дарснинг барча босқичларида амалга оширилиши керак. Асосий эътиборни ўқувчилар уй вазифаларини текшириш ва баҳолашга қаратиши лозим.

Бунда ўқитувчининг назорати моҳирлик билан уларнинг жавобларини тинглаши, мазмуни шакли, дуч келадиган қийинчиликлари ва бошқалар. Ўқитувчи ўқувчининг жавобидан кулимсираши, юз-қўл ҳаракатлари ўзгариши, бошини ирғиши, изоҳ бериши, жавобни бўлиши мақсадга мувофиқ эмас.

Педагогик хушмуомалаликни ўзгартириш шартлари

Педагогик хушмуомалалик ўқитувчининг маънавий етуклик даражаси, қайсики ўз устида ишлаб, махсус билимларни орттириб бориши ва ўқувчилар билан хушмуомалалик қилиш кўникмаларини шакллантиришни талаб қилади. У аввало ёшлар руҳияти ва ҳозирги замон ўқувчиларининг хусусиятлари ҳақида педагогик маълумотга эга бўлишини талаб этади. (Албатта ўқувчиларга кўрсата олиш, болаларнинг ички хулқ-атвори).

- Болани севиш, уни ўқувчиларга кўрсата олиш, болаларнинг ички хулқ-атворини моҳиятини кўра билиш, сезиш, вазиятни мўлжал қила олиш: ўқувчиларга мақсадли таъсир кўрсатиш усуллари танлаш, болалар билан суҳбатлашиш ва ҳаказо.

Ўқитувчининг воситачилик қобилиятини ривожлантириш

Ўқитувчида тўғри алоқа усулларининг таъминланиши, педагогик одобни сақлаши, ҳар қандай фаолиятда унинг воситачилик қобилият-кўникмаларини ривожлантириш талаб қилади.

А.С.Макаренко ўқитувчининг воситачилик қобилиятини ривожлантиришда муомаланинг илтимос шакли ҳақида “Илтимос қилиш муомаланинг бошқа турларидан шу билан фарқ қиладиган, ишни боланинг батамом ўз хоҳишига қўйиб беради. Илтимос худди шундай бўлиши ҳам керак. Бу илтимосни шундай ифода қилиш керакки, бола уни бировнинг мажбур қилиш, орқасида эмас, балки ўз ихтиёри билан бажараётгандек ҳис қилиш!,- деган эди.

А.Н.Леонтев ўқитувчининг воситачилик қобилиятларига кенг тавсиф беради:

1. Ўқувчининг ижтимоий ўқиш қобилиятни билиши;
2. Ўқувчининг ташқи белгиларидан унинг руҳий ҳолатини тушуниш;
3. Ўзини ўқувчилар билан алоқа қилишга ёллаш;
4. Ўқувчилар билан нутқли ва сўзсиз боғланиш орқали нутқли алоқани самарали ташкил этиш.

Энг муҳими педагогик жараёнда ўзаро ҳамкорлик асосида ўқувчилар билан алоқа қилиш қобилиятларини йўлга қўйиши ва ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бу муаммоларни такомиллаштиришда А.Б.Добрович, В.Левиёв, В.А.Кан-Калик сингари муаллифларнинг асарлари ёрдам беради.

Ёш ўқитувчиларга маслаҳатлар

1. Ўқувчилар билан алоқа боғлашга жамият манфаатларидан келиб чиқиб талаблар қўйиб бориш.

2. Ўқувчилар билан самарали ўзаро ҳамкорлик қилиш учун ўз шахсини улар билан тенг қўйиши.

3. Ўқитувчи ва ўқувчилараро муносабатларда ўзаро ҳурматга асосланган мақсадли алоқа ўрнатиш лозим. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчи шахсини ҳурмат қилиши, ўз тенгдошлари орасида ўзига ишонч ҳосил қилиши ва ўқувчиларда яхши сифатларни ривожлантириши муҳим.

4. Ўқитувчи баъзан ўз мавқеини, имкониятини, ғамхўрлигини намоёиш қилиши ҳам зарур.

5. Ўқитувчининг ўқувчилар билан алоқасини самараси доимо ўқувчилар нутқ фаолиятини ўстириш, ўз нутқини ривожлантириш, фойдасиз вақт сарфини камайтириш, алоқалар сонини кўпайтириш (савол, жавоб) асосида олиб борилса мақсадга мувофиқ.

6. Арзимаган камгина муваффақият учун болаларни саҳийларча мақташ зарур (ўқувчилар жамоасида мақташ, камчиликларни эса ўқувчининг ўзига алоҳида айтиш).

7.Агар сиз ўқувчилар билан ишни бошлаганингиздан кейин ҳам умидли ўзгаришлар бўлмаса ҳам, уларга ўзларининг камчиликларни ва эътирозингизни айтмаслигингиз даркор. Сизнинг асосий вазифангиз – ўз мўлжалингизга ота-оналарни йўлдош қилишга ва ҳамфикр бўлишга қаратилиш керак.

8.Ёш ўқитувчи ўқувчи ёки ота-она билан ўзаро бир фикрга кела олмаслик малакаси етишмаслиги ёки бир масала тўғрисида бир фикрга кела олмаслиги ё малакасиз суҳбатлар асосида самарага эриша олмайди. Шунинг учун суҳбат икки томонга ҳам қизиқарли бўлиши ва вазифани ҳам ўқитувчи ўзи ҳал этиши керак.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

- 1.Педагогик муомала нима?
2. Педагогик муомала функцияларини изоҳлаб беринг.
- 3.Ўқитувчи муомаласининг усуллари ҳақида гапиринг.
- 4.Педагогик маданият нима?
- 5.Педагогик назокат(такт) нима?
- 6.Педагогик ҳамкорлик деганда нимани тушунасан?
- 7.Авторитар-бюрократик ва демократик услубларни қиёсланг.
- 8.Муомала маданияти нима?
- 9.Педагогик факт нима?
- 10.Маҳорат нима?

9-мавзу:Ўқитувчининг таълим жараёнидаги маҳорати. (2соат)

Таянч иборалар : Педагогик жараёни таҳлил қилиш, теат ижодкорлиги, ҳиссий- ўзаро фикр алмашиш, педагогик ҳаёл, муомала ва материални идрок қилиш, педагогик ҳаёлнинг бадиийлиги, педагогик мантиқ, педагогик ҳаёл йўналишлари, ҳиссий ўхшатиш, педагогик таъсир кўрсатиш, педагогик диққат, ижодий педагогик диққат, диққатнинг барқарорлиги, педагогик таъсир кўрсатишнинг ритмик хусусияти, жисмоний ҳаракатлар усули, ҳаракатга созлаш, зўриқиш ва бўшашишни сезиш мақсадлари, хотира, ҳаёл ва диққатни машқ қилдириш, муомалани машқ қилдириш: ижодий тафаккур, нутқ, эмпатия, фикр алмашишни машқ қилиш.

Асосий саволлар:

- 1.Педагогик ҳаракат драматургияси ва режиссураси

2.Педагогик ҳаёл – педагогик таъсир кўратишнинг таркибий қисми сифатида.

3.Бўлажак педагогни актёрлик психотехникасининг амалий усулларига ўргатиш.

4.Хотира, диққат ва ҳаёлни машқ қилдириш – актёрлик психотехникасининг 3 асосий қисми сифатида

5.Муомалани машқ қилдириш усуллари.

1.Педагогик ҳаракат драматургияси ва режиссураси

Тарбиявий жараён ижодий жараён бўлиб, у педагогик вазиятни таҳлил қилиш, болалар билан бевосита ҳамкорлик қилишда ёрқин намоён бўлади.

Театр ижодкорларида ва педагогик таъсир кўрсатишда айна педагог билан болаларнинг бевосита ўзаро ҳаракати билан боғлиқ бўлган ҳиссий – ўзаро фикр алмашиш соҳасида кўпгина умумий томонлар бор.

Театр фаолияти ва педагогик фаолиятни мақсаднинг ўхшашлиги ҳам яқинлаштиради, ҳар икки ҳолатда ҳам мақсад кишининг кишига таъсир кўрсатиши ва кишига муайян кечинмалар вужудга келтириш сифатида белгиланиши мумкин. Театр ва педагогик фаолият бир хилда эканлигининг учинчи кўрсаткич – таъсир кўрсатиш куралининг умумийлигидир. Ҳар иккала ҳолда ҳам педагог билан актёрнинг ўз психофизик табиати ана шундай курали вазифасини бажаради. Театрда тарбиявий таъсир кўрсатиш фақат театрнинг эстетик моҳияти орқали амалга оширилишини , педагогик таъсир кўрсатишда эса мустақил ва глобал таркибий қисм сифатида бундай таъсир кўрсатишнинг йўқлигини айтиб ўтиш керак.

Театр ва педагогик фаолият мазмуни билвосита белгилари жиҳатидан бир-бирига яқин бўлиб бир қатор умумий жараён хусусиятларига эгадир, бу хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- театр ва педагогик ижодкорлик жараёни мазкур жараёнининг фаол қатнашчилари бўлган кишилар гуруҳининг бевосита иштирокида оммавий сўзга чиқиш вазиятида амалга оширилади;
- театр ва педагогик фаолият ўзига хос хусусиятларига кўра ўзи таъсир кўрсатадиган объектни айна вақтда ижод субъектига , шерик ижодкорга айлантиради, унинг фаол иштирокисиз ижодкорлик ишининг ўзи бўлмайди;
- кўпгина бошқа фаолият турларидан фарқли ўлароқ, актёрлик ва педагогик ижодкорлик асосида бунинг учун ажратилган муайян вақт давомиддаги ижодкорлик ётади, у ижодкорлардан (ўқитувчи, тарбиячидан) ўз психик ҳолатидан бошқаришда тезкорлик ва ижодий кайфиятни кўзғатишни талаб этади;
- театр ва педагогик ижодкорлик натижалари жўшқин бўлиб субъектни шерик ижодкорга айлантиради, унинг фаол иштирокисиз ижодкорлик ишининг ўзи бўлмайди;

- кўпгина бошқа фаолият турларидан фарqli ўларoқ, актёрлик ва педагогик ижодкорлик асосида бунинг учун ажратилган муайян вақт давомидаги ижодкорлик ётади, у ижодкордан (ўқитувчи, тарбиячидан) ўз психик ҳолатидан бошқаришда тезкорликни ва ижодий кайфиятни кўзғатишни талаб этади;
- театр ва педагогик ижодкорлик натижалари жўшқин бўлиб, ривожланиб, ўзгариб боради, ҳамиша жараёндан иборат бўлади;
- театр ва педагогик ижодкорлик жамоа тусида бўлади.

Шундай қилиб, тарбиявий таъсир кўрсатишни режалаштириш бошлангандаёқ бир қадар **педагогик драматургия** амалга оширилиши лозим, у педагогик ҳаракатнинг ўзига диалектик, жиддийлик бағишлашга ёрдам беради. Педагог дарс ва ҳар қандай тадбир системасида тарбиявий таъсир кўрсатишни режалаштирар экан, уни аниқ одамларга йўналтиради, умуман, жамоада, хусусан ҳар бир жамоага нисбатан бўлажак педагогик ҳаркат учун зарур тарбиявий-сюжетли вазият яратади.

Маълум маънода дарс- ўзига хос пьеса бўлиб, унда ўқитувчи сценарий муаллифи сифатида, муносабатлар драматургияси барпо этадиган ва уни бошқарадиган иши сифатида майдонга чиқади.

2.Педагогик ҳаёл – педагогик таъсир кўратишнинг таркибий қисми сифатида.

Педагогик ҳаёлни тахминан қуйидагича тасаввур этиш мумкин:

- 1.Педагогик фаолиятга ҳозирлик кўриш босқичидаги ҳаёл
- 2.Бевосита тадбир, дарс олдидаги педагогик ҳаёл
- 3.Педагогнинг ижодий кайфиятини рағбатлантирадиган ҳаёл.
- 4.Ҳаракат, ҳодисанинг сабабини билиб олишга ёрдамлашадиган ҳаёл

- 5.Истиқболий ҳаёл

Педагогик ҳаёлнинг асосий йўналишлари:

- 1.Педагогик вазиятни таҳлил қилишга ёрдам берадиган ҳаёл
- 2.Педагогик вазифани ҳал этишга қаратилган ҳаёл
- 3.Педагогик таъсирни олдиндан кўра олишни таъминловчи ҳаёл
- 4.Тарбияланувчиларнинг ҳис-туйғулари ва ниятларини олдиндан билишга ёрдам берадиган ҳаёл.

Ҳаёлнинг ана шундай илгариламалик вазифаси ўқувчи шахсини ахлоқий, ақлий ривожлантириш истиқболини таъминлайди.

Ҳар бир ўқувчи ва жамоа психологиясида ўзгаришларни сеза билиш учун ўқитувчида **эмпатия** ривожланган бўлиши лозим. Бусиз тарбиячи ва тарбияланувчи орасида бир-бирига таъсир кўратиш самарадорлиги ҳосил бўлмайди.

Ҳиссий ўхшатиш тарбиявий таъсир кўрсатишнинг энг муҳим ижтимоий-психологик таркибий қисми бўлиб, унда кўп томонлама рол ўйнайди.

У биринчи босқичда – педагогик ният туғилиши босқичида – педагогнинг болалар билан бўладиган муносабати режалаштирилади.

Иккинчи босқичда – ниятни ишлаб чиқиш босқичида – ҳиссий ўхшатиш анча фаол ҳаракат қилади.

Учинчи босқичда – синф билан бевосита муомала жараёнида ниятнинг гавдаланиши ва амалга ошириш босқичида – ҳиссий ўхшатиш педагогнинг муомаладаги тескари алоқани сақлашнинг умумий принципи сифатида намоён бўлади, таъсир кўрсатишнинг муйян натижаларини ҳис қилиш ва илгари режалаштирилган ва тузатиш киритадиган усуллари ва жорий педагогик вазиятда йўл топишга ёрдам берадиган вазиятли нодир ҳодиса сифатида танлаш имконини беради.

Педагогик ижодкорликнинг **тўртинчи босқичида** ҳиссий ўхшатиш амалга оширилган фаолият ва муомаланинг мумкин бўлган натижаларини тасаввур этиш ва сезиш, уларнинг йўналишини аниқроқ ва мақсадга мувофиқроқ режалаштиришга ёрдам беради. Унинг тузилиши қуйидагича:

ҳиссий	педагогик	ҳиссий	педагогик
ўхшатиш	таъсир кўрсатиш	ўхшатиш	таъсир кўрсатиш

Педагогик фаолиятнинг ғоят мураккаб жиҳатларини амалга ошириш учун педагог диққатни бошқара билиши лозим.

Педагогик диққат педагогик фаолиятнинг таркибий қисми сифатида бир қатор олимлар (М.Д.Левитов, Ф.Н.Гоноболин, И.В.Кузмина)нинг асарларида анча тўлиқроқ ўрганиб чиқилган.

Диққатнинг тарбиявий таъсир кўрсатишдаги алоҳида ролини айниқса К.С.Станиславский аниқлаб берган. ”Диққат совук, мулоҳазакор диққат эмас, балки ҳиссий, фаол диққат – барқарор диққат ҳолатини уйғотишга ёрдам беради”. Диққат кўп томонлама бўлмоғи керак. Ижодий педагогик диққатнинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд: **кўп объективлилик, жўшқинлик, амалийлик, барқарорлик**; у ақлий, ҳиссий ва иродавий хусусиятларга ҳам эгадир. Диққатнинг жўшқинлиги 3 хил даражага эга:

- 1)Диққатни бир неча объектга йўналтиришни билиш;
- 2)Асосий нарсани ажратиш, иккинчи даражали нарсаларни назорат қила билиш;
- 3)Диққатнинг янги объектиларини диққат майдонига киритиш, янги объектиларнинг пайдо бўлишини олдиндан белгилаб олиш.

Диққатнинг жўшқинлиги:

- 1)Барқарор диққат
- 2)Диққат фаолиятидаги тўсқинликларни енгишга қодир бўлиб қолмасдан, балки уларни олдиндан пайкашга ҳам қодир.
- 3)Барқарор ва амалий диққат

Катта ёшдаги кишида диққатнинг ҳажми 4-6 объектга етади. Шунинг учун объектилар сони кўпайган шароитда машқ қилмаган кишида назорат йўқолиши мумкин, саросимага тушиш ҳолати бошланади.

К.С.Станиславский:” Актёрнинг рол устида ишлаши” китобида диққатнинг ҳажми ҳақида гапирар экан, диққатнинг кичик, ўрта ва катта

доираларини ажратиб кўрсатади ҳамда диққат доирасини кичикдан каттага қараб секин-аста кенгайтириб боришни тавсия қилади. Унинг бу фикри педагогик фаолиятга ҳам тааллуқлидир.

3.Бўлажак педагогни актёрлик психотехникасининг амалий усулларига ўргатиш

Ҳаракат, диққат, органика, мушаклар эркинлиги, хаёл, муомала, тағмаъно, вазифадан ташқари вазифа, тўппа-тўғри ҳаракат - К.С.Станиславский системасининг асосий тушунчалари бўлиб, уларни бўлажак ўқитувчи ўзлаштириб олиши фойдалидир.

К.С.Станиславский ўғитларидан бири”ишлаб чиқаришга доир ҳар қандай мажбурийликни ташаббусга айлантиришдир”. Ўқитувчининг ҳаракати дипломатик режиссёрлик темпераментига яқин бўлмоғи керак. Ўқувчилар билан биринчи учрашув муҳим психологик марра ҳисобланади. Синфга кириш педагогик сафарбарликни ва айна вақтда театр “ёрқинлигини”, кўтаринкиликни талаб қилади.

Сахнадаги асосий ҳодисалардан бири келиш ва кетишдир. Ташқи кўриниш – ўқитувчи сафарбарлигининг кўшимча гувоҳидир. Педагогнинг синфда туриш ҳолати ўзининг аломатларига эга. Масалан, чап қисм энг оддий муранссенасининг тили **“Оддий бўлишлик”** ни билдиради, бунда кўз қараши гўё ҳаракатнинг ўнг қисмидаги бўш маконга “ҳайдайди”, чунки кўз шартли- рефлексорли физиологик механизмлар туфайли фазони чапдан ўнг томонга қараб “ўқийди”. Ўнгдаги композиция тугалликка интилади, чунки чап қисмдаги фазо ўнг томонда жойлашган композицияни қисиб қўйгандай бўлаҳди ва бу билан уни аҳамиятлироқ, салобатлироқ қилади.

Педагогнинг ўқувчиларга юзи билан қараб туриши (ўнг) ёки бурилиб туриши ўзига хос семантикага эга. Аудиторияга идрокнинг психофизиология қонунлари бўйича тўғри чизик бўйлаб чиқиб келиш (пунара) туриш ўқувчиларни сергаклантиради.

Соф ён томонни татбиқ этиш имконияти чекланга , чунки у аудиторияни кўздан кечириш нуқтаи назаридан жуда кам яроқлидир, лекин мувозанат вазифаларини ҳал қилиш учун яроқлидир.

Мускулларни озод қилиш пировард натижада ортиқча ҳаяжонланишга барҳам беришни мақсад қилиб қўяди, яъни психик зўриқишни енгишга ёрдам беради.

Қўл мушакларини бўшатиш учун иродани зўриқтириш машқини ўтказиш лозим: иродани зўриқтириш, бармоқ мускулларини бўшатиш лозим.

Навбатдаги машқ – зўриқишни ва бўшашишни алоҳида-алоҳида сезиш машқидир. Масалан: ўнг қўл ва чап оёқ, чап қўл ва ўнг оёқни зўриқтириш мумкин.

4.Хотира, диққат ва хаёлни машқ қилдириш – актёрлик психотехникасининг 3 асосий қисми сифатида.

Хотирани машқ қилдириш қоидалари ва усуллари К.С.Станиславский ва унинг шогирдлари томонидан ишлаб чиқилган.

Михаил Чехов “Актёрнинг техникаси тўғрисида” номли китобида қуйидаги машқларни келтиради: 1-машқ- оддий буюмни танлаб олинг. Уни кўздан кечириб чиқинг. Буюмдан “қараш” дан қочишда ҳаракат қилинг, ўзингиз учун унинг ташқи кўринишини тасвирланг. Диққат жараёнини ташкил этувчи ҳамма тўрт ҳаракатнинг ичида (психологик) такрорланг: буюмни қўлга олиб, уни ўзингизга тортинг, унга интилинг, у билан бирга қўшилиб кетишга ҳаракат қилгандай ичига кириг. Бу ҳаракатларнинг ҳар бирини дастлаб алоҳида-алоҳида, кейин биргаликда қилинг, иккитадан, учтадан ва ҳақозо бирлаштиринг. Машқни давом эттиринг, шуни кузатиб борингки, сизнинг сезиш аъзоларингиз ҳам, гавда мускулларингиз ҳам ортиқча зўриқмасин. Диққатингиз объектини қуйидаги тартибда алмаштиринг:

1-оддий кўринишдаги буюм, 2-товуш, 3-одам нутқи, 4-эсга тушган оддий буюм, 5-эсга тушган товуш, 6-эсга тушган одам нутқи (сўз ёки битта ибора), 7-сиз яхши билган ,эсга тушган иши образи, 8-пьеса ёки адабиётдан олинган образ, 9-ҳаёлий мавжудот, манзара, меъморий шакл ва шу кабиларнинг сиз ўзингиз яратган образи... Машқларнинг узоқлигидан кўра, уларнинг мунтазамлиги (бир кунда икки- уч марта) муҳимроқдир. Вақти-вақти билан мурожаат қилиб кўринг.

Диққат, хотира ва ҳаёл бир-бирига боғлиқ ҳодисалар бўлиб, уларни К.С.Станиславский *“актёрлик психотехникасининг уч асосий қисми”* деб атаган эди.

Диққатни машқ қилдиришга доир машқлар

1.Гугурт кутичаси биографиясини эсга туширинг.

2.5 секундлик қисқа эътибор билан стол устида ётган барча буюмларни ички назар билан ”суратга” олинг.

3.Буюмларни ”суратга” олинг. Кўзни юмишга команда берилади. Педагог буюмларни аралаштириб юборади ва синалувчидан буюмлар олдин қандай ётган бўлса, уларни шундай қўйиб чиқишни сўрайди.

4.Стол устида ташлаб юборилган гугуртлар қандай тушганлигини “беш” гача санашда эслаб қолинг. Кейин эслаб қолиш вақти “уч” ҳисобигача қисқаради.

5.Булутларга назар ташланг (ёки атрофингизга ҳар қандай буюмга қаранг) Улар нималарга ўхшайди?

6.”Ўттиз”гача санаб, хонада”С” ҳарфи билан бошланувчи барча нарсаларни топинг ва эслаб қолинг.

7.Стуллар қандай турганлигини эслаб қолинг ва кўзингизни юминг, бу “лабиринг”дан ўтинг.

8.Аудиторияда жануб ва шимолга қараб мўлжал олиш, бунда табиат манзараларини ҳаёлга келтириш, кейин кўзни юмиб ва паррак билан дунё томонларини аниқлаш.

9.Биринчи, иккинчи ва учинчи тезликда юриш ва югуриш.

10.Портрет бўйича биография.

11.Кишининг қадам ташлаши ва назар ташлашига қараб биографиясини сўзлаб беринг.

12.Кўчадаги кузатишлар ва сўнги воқеалар тўғрисида ҳикоя қилиш.

Кишиларнинг феъл-атворлари ва ҳолатларини севишганларни, бошлиқ ёки бўйсинувчи ва ҳоказоларни уларнинг хулқ-атворлари бўйича кузатиш алоҳида қизиқиш уйғотади.

5.Муомалани машқ қилдириш усуллари.

Муомала – фалсафа, социология, кибернетика, тилшунослик, психология ва педагогикада илмий тадқиқотларнинг алоҳида фанлараро соҳаси деб қаралади. Педагогик категория бўлган муомала ўзаро боғланган уч нуқтаи назардан қараб чиқилади ва уларга мувофик бўлажак педагогларнинг муомаласини тарбиялаши мумкин.

1.Республикамизнинг мустақил тараққиёти, ижтимоий маданиятида иштирок этиш;

2.Эркин фикрловчи, ватанпарвар, инсонпарвар шахсни шакллантириш;

3.Ижодий индивидуалликни ривожлантириш.

Талабаларни муомалага тайёрлаш уларда куйидаги фазилатларни ривожлантиришни ўз ичига олади:

1.Ижодий тафаккурни;

2.Нутқни эркин эгаллашни;

3.Эмпатияда қобилиятни;

4.Муомала соҳасидаги ижтимоий йўл-йўриқларни;

5.Ўзаро фикр алмашиш малакаларини.

К.С.Станиславский шахслараро ўзаро муомаланинг бошланғич босқичига катта аҳамият бериш керак, деб ҳисоблаган эди. Бу босқич “объект қалбини кўз чангали билан синаб кўриш”га асосланган, бу бегона қалбни субъект ва эркин идрок этиш учун тайёрланган эди. Станиславский ҳар бир муомала ҳаракатининг 5 та мажбурий босқичини белгилаб берди.

1-босқич – теварак-атрофдаги шароитда мўлжал олиш ва объект танлаш, муомала объектига қараб йўл тутиш;

2-босқич – объект диққатини ўзига тортиш;

3-боқич – муомалага “мослашиш”, шерикни тўлқинлантирадиган нарсга тайёрлаш ва мослаштириш;

4-босқич – шерикнинг ички назар билан кўра олиш;

5- босқич – шерикнинг тескари алоқага доир жавобини идрок этиш, унинг муомалага тегишли ҳаёллари, идроклардан олган таъсирларини маълум қилиш.

Муомалани машқ қилдириш 6-12 ўқувчидан иборат машқ гуруҳларида ўтказилади. Баъзан гуруҳ аъзолари сонини кўпайтириш мумкин.

Машқ гуруҳи ишининг асосий принциплари:

1)Ишончли ва ошкора муомала учун шерикка таъсир кўрсатиш ва ахборотнинг ҳиссий мазмунини маълум қилиш, муомала қилаётган субъектнинг ўзи маълум қилинаётган нарсани қандай кўришни билиш;

2)Муҳокамаларда жавобгарлик;

3)Самимийликка риоя қилиш;

4)Раҳбарликнинг, ижтимоий-психологик машқ ўтказишнинг умумий қоида­сига мувофиқ амалга оширилиши; Бунда”шериклик” (Т.С.Ясенко) принципини асосий принцип ҳисобланади.

Раҳбарлик характери демократик бўлиб, раҳбар иштирок этмайдиган, ўз-ўзини бошқариш принци­пи бўйича айрим машғулотлар ўтказишга йўл қўйилади. Ҳаммаси бўлиб 30тадан 50 тагача “сессия” ўтказилади. Ҳар бир машғулотдаги иш 1-1,5соатдан ошмайди.

Кириш қуйидаги психогимнастик машқлар билан бошланади:

1.Ҳаракатланиш тарзидаги усуллар- психогимнастикаси;

2.Гуруҳий қўшиқ айтиш ёки рақсга тушиш;

3.Му­сиқа тинглаш (биргаликда);

4.”Психорасм” – берилган мавзуда лойиҳавий расм чизиш;

5.Ҳаракатланишга доир ўйинлар;

6.Сўзсиз муомала;

7.Оғзаки муомала;

8.Со­циограммалар тузиш (гуруҳдаги ўзаро муносабатлар ҳақида)

9.Ўйинлар:

- Ким қандай?

- Фахм-фаросат.

- Божхона.

- Олтинчи туйғу.

- Сен кимсан?

- Гавда тили.

- Халокат.

- Плюс­лар ва минуслар.

- Орқаси билан.

- Қаттиқ ҳаяжонли ҳаракатларсиз.

- Ҳис-туйғуларни сўзсиз ифодалаш.

- Ҳаракатли социог­рамма. Бунда қуйидагиларга эътибор қаратилади:

1.Қатнашчилардан бирининг устун мавқеда бўлиши.

2.Ким-кимга ёрдам бермоғи.

3.Майллар.

4.Дилкашлик(диққат кимга қаратилган)

5.Диққатни талаб қилиш.

6.Боғлиқлик.

7.Бўйсинувчанлик.

8.Мусобақа.

9.Ишончсизлик.

10.Ёқтирмаслик.

11.Тажовузкорлик.

Худди шу нуқтаи назардан шахслараро ҳаракатни қабул қилувчи кишига нисбатан ҳам таҳлил қилинади, лекин тескари белги билан таҳлил қилинади. Масалан, устун мавқени таҳлил қилишда сизни

ҳимоядаги ўз фикрига ишонтирга киши, ким сизнинг ёнингизи олган бўлса, ўша киши ҳисобга олинади ва ҳаказо.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Педагог ва актёр фаолиятида қандай ўхшашликлар мавжуд?
2. К.С.Станиславский системасининг педагогик маҳорат учун қандай аҳамияти бор?
3. Педагогик ҳаёл нима, у нима учун керак?
4. Ўқитувчи ва актёр фаолияти орасида қандай умумийлик бор?
5. Тарбиявий жараёнда ҳиссий ўхшатишнинг роли қандай?
6. Педагогик диққатнинг ўзига хос хусусияти ва уни қандай ривожлантириш керак?
7. Тарбиявий ишда педагогик таъсир кўрсатиш мавзуи ва меъёрини қандай ҳисобга олиш керак?
8. Ўқитувчининг ўзини-ўзи бошқариши.

10-Мавзу: Педагогик назокат ва педагогик одоб-ахлоқ.

Таянч иборалар: Педагогик одоб, меъёр, иззат-нафс, такт, этнопсихологик туйғулар, миллий одоб.

Асосий саволлар:

1. Ўқитувчи педагогик одоби ҳақида тушунча.
2. Педагогик такт. Дарсда педагогик назокат.
3. Педагогик назокатни эгаллаш шарт - шароитлари.

1. Ўқитувчи педагогик одоби ҳақида тушунча.

Ўқитувчилик касбини севиш педагогик одобнинг зарур талабларидан бири ҳисобланади. Ўз касбини севган кишигина бутун куч – ғайратини, қалб кўри ва дил ҳароратини бу ишга бағишлайди ва ўз фаолиятида яхши натижаларга эришади. Шунингдек, болаларни севиш, уларга меҳр-муҳаббатли бўлиш ўқитувчилик касби, ўқитувчи ахлоқий қиёфасида жуда муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчидан болаларга меҳрибонлик билан бирга талабчанлик ва қаттиққўллик ҳам талаб этилади.

2. Педагогик назокат ўқитувчига мулоқотни ижобий ҳиссиётлар асосида қуришига, болалар билан психологик контактни сақлашига ёрдам беради.

Ўқитувчи педагогик назокат талабларига амал қилиб ўзида мулоқотнинг демократик услубини шакллантиради, ўқувчилар билан ҳақиқий мулоқот маданиятига эришади.

Педагогик назокат ўқитувчига болалар билан мулоқотда конфликт (қарама - қаршилиқ)дан қочишга, ўзаро муносабатни тўғри қуришга ёрдам беради.

Такт сўзи таъсир этиш маъносини билдиради. Бу кишилар ўзаро муносабатини бошқаришга ёрдам берувчи ахлоқий категориядир. Тактик хулқ инсонпарварлик принципига асосланиб, мураккаб конфликт ҳолатларида ҳам кишига ҳурмат сақлаб қолишни талаб қилади.

Назокатли бўлиш барча кишиларга қўйилган ахлоқий талаб, айниқса педагогларга бу жуда муҳим. Педагогик такт ўқитувчининг касбий сифати, унинг маҳоратининг бир қисми.

2.Педагогик такт - бу ўқитувчининг ўқувчига мақсадга мувофиқ педагогик таъсир ўлчови, мулоқотнинг махсулдор услубини ўрнатиш кўникмаси. Педагогик такт ўқувчилар билан мулоқотда охириги ҳолатга (чорага) йул қўймайди.

Ҳурмат эрқалаш ва талабчанликни ҳам талаб этади. Ўқувчига муносабат уларнинг ёш хусусиятларига ҳам боғлиқ бўлади.

Ўқитувчининг дарсидаги педагогик назокати. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги зиддиятлар таҳлили шуни кўрсатадики, бунинг муҳим сабабларидан бири - ўқитувчининг тактсизлигидир. Баъзи ўқитувчилар "нимага жим ўтиролмайсан, тагингда мих борми?" каби огоҳлантиришларни нормал ҳолат деб ҳисоблашади. Баъзи ўқитувчилар дарсга кириб ўқувчини кўчада кўрганлиги, ким билан юрганлиги ва қандай кийинганини кесатиб айтиб беради. Баъзан шундан зиддиятлар бошланади.

Назокат (такт) дарсининг барча этапларида зарур. Айниқса, ўқувчилар билимини баҳолаш вақтида бунга алоҳида эътибор бериш керак. Жавоб бераётган ўқувчининг гапни бўлиб, "ҳеч нарса билмайсан", "бу гаплар нима керак?" каби сўзлар билан уларни тўхтатиш мумкин эмас. Баъзи дудук ўқувчилар назокатли ўқитувчи дарсида яхши гапира олса, тактсиз ўқитувчи дарсида жавоб беришда қийналадилар.

Барча ўқувчилар уларнинг жавобини эътибор ва ҳурмат билан тингловчи ўқитувчига жавоб беришни хоҳлашади. Ўқувчи гапираётганда ўқитувчи уни қувватлаб, қараши, мимикаси билан маъқуллаб туриши керак. Жавобни бефарқ тингласа ёки менсимай эътибор бермаса ўқувчи шу ўқитувчига жавоб беришдан қочади.

3. Педагогик назокатни эгаллаш шароитлари. Педагогик назокат педагог маҳорат билан бирга тарбияланади ва эгалланади. Ўқитувчининг маънавий етуклик даражаси, болалар билан мулоқот кўникмаларини ҳосил қилиши учун махсус билимларни эгаллашида ўз устида ишлаш натижасида эришади.

Аввало, бу билимлар ёш психологиясини ва болаларнинг индивидуал хусусиятларини билиш билан боғлиқ.

Ахлоқ асосларини билиш, хатти - ҳарактлардаги ахлоқий маънони кўриш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга, ўқувчига таъсир этиш йулларини билиш улар қобилиятига айланиши лозим:

- болаларни севиш, ўз муҳаббатини кўрсатиш;
- болалар хулқидаги нозикликларни кўриш ва кузатиш;
- шароитга мослашиш;
- ҳамкорликнинг мақсадга мувофиқ йулини танлаш;
- болалар билан суҳбат.

Педагогик таъсир кўрсатиш методикаси болаларнинг ижтимоий-фойдали фаолиятини педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этиш учун

фойдаланиладиган воситалар системасидан иборатдир. Бу воситалар тарбияланувчи шахсига қаратилган бўлиб, болаларнинг ҳуққ-атворини рағбатлантиради, уларнинг қийин ва мураккаб вазифаларини қувонч ижодий шавқ-завқ манбаига, ҳар бир тарбияланувчи ўқувчининг шахсий муддаоларига айлантиради.

Педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий усуллари талаб, истиқбол, рағбатлантириш ва жазолаш, жамоатчилик фикридир.

- **Талаб** — тажрибада жуда кенг тарқалган усул бўлиб, таълим ва тарбия жараёнида педагогнинг тарбияланувчига шахсий муносабатининг намоён бўлиши йўли билан у ёки бу хатти-ҳаракатларнинг рағбатлантирилиши ёки тўхтатилишини таъминлайди.

- **Истиқбол** — таъсир кўрсатишнинг жуда таъсирчан усули бўлиб, у болаларнинг хатти-ҳаракатларини улар олдида мароқли мақсадлар қўйиш йўли таъминлайди, бу мақсадлар уларнинг шахсий интилишлари, қизиқиш ва муддаоларига айланади.

- **Рағбатлантириш ва жазолаш** — тарбиянинг энг анъанавий усули бўлиб, болалар ҳуққ-атворига тўзатиш киритишни, яъни фойдали хатти-ҳаракатларни кўшимча рағбатлантиришни ва тарбияланувчиларнинг номақбўл хатти-ҳаракатларини тўхтатишни таъминлайди, бунда уларнинг ҳуқуқ бурчларини кенгайтириш ёки чеклаш, уларга ахлоқий таъсир кўрсатиш йўлидан фойдаланилади.

- **Жамоатчилик фикри** — таъсир кўрсатишнинг қудратли усули бўлиб, болаларнинг ижтимоий фойдали фаолиятини ғоят ҳар томонлама ва мунтазам рағбатлантириб боришни таъминлайди, жамоанинг тарбиявий вазифаларини анча тўлиқ амалга оширади. Бу усул жамоа аъзоларининг ижтимоий фаоллигини ва ўртоқларча бирдамлигини ривожлантиришга ёрдам беради.

Биз аввало талабнинг асосий шакллари таърифлашга ўтамиз, бу усулнинг у ёки бу шаклини танлаш педагогик вазиятни ҳисобга олиш билан борлиқдир. Бевосита талаблар учун педагогик вазият иккита асосий шартдан, икки омилдан вужудга келади. **Биринчи омил** — кимдан талаб килинса, ўшанинг талаб қилувчига бўлган муносабатидир. **Иккинчи омил** — бу тарбияланувчининг педагог рағбатлантирадиган фаолиятга муносабатидир. Умуман олганда бу муносабатларни биз ижобий, бетараф ва салбий муносабатлар деб таърифлаймиз, ҳолбуки амалда бу муносабатларнинг жуда кўпдан-кўп кўринишлари ҳам бўлиши мумкин.

Энди талаб шаклларига тўхталиб ўтамиз. Талаб тўппа-тўғри бўлиши мумкин, бунда ўқитувчининг мурожаати «Шундай ва фақат шундай қил» формуласи буйича катъий, дадил охангда ифодаланган аниқ аён кўрсатмага эга бўлади. Бундай ҳолда болаларга ҳаракатга ундовчи омил талабнинг ўзи ҳисобланади.

Педагог болалар учун янги бўлган фаолиятни ташкил этаётган жойда ҳам тўппа-тўғри талаб зарурдир. Бу ерда тўппа-тўғри талабнинг таълимнинг бошланғич методи бўлган йўл-йуриқ беришга ўхшаб кетиши ўзига эътиборни жалб қилади. Шунини ҳам айтиб ўтамизки, тўппа-тўғри талаб кўпинча ўқувчининг педагогга ёки у бошлаган фаолиятга бетараф муносабатда бўлиши шароитида ишлатилади. Бундай вазиятда тўппа-тўғри, бевосита талабнинг қуйидаги қоидаларига риоя қилиш айниқса муҳимдир.

Биринчи қоида: одатда, талаб ижобий бўлиши, яъни мутлақо муайян хатти-ҳаракатни келтириб чиқариши, болаларнинг у ёки бу ҳаракатларини шунчаки таъқиқламаслиги, тўхтатмаслиги лозим.

Албатта, ўқитувчининг тақиқлашларидан айниқса болалар белгиланган ҳуққ-атвор қоидаларини ҳар хил тарзда бўлган ҳолларда фойдаланилади. Бироқ педагоглар

талабларининг асосий мазмунини таъқиқлашлар ташкил этмайди. Талаблардаги асосий нарсалар болалар ҳуқуқ-атвори ва фаолиятининг ижобий дастуридир.

Иккинчи қоида: тўппа-тўғри талаб йўл-йуриқ тарзида, яъни бир хил маъноли, аниқ ва тушунарли, конкрет бўлиши лозим. Дастлабки пайтларда болаларнинг янги ҳаракатларини рағбатлантирганда талаб йўл-йуриқ бериш билан қўшилиб кетгандай бўлади, бу ҳаракатларни деталлаштириб, уларни аниқ таърифлаб беради.

Учинчи қоида: педагогнинг ҳарқандай оқилона, аниқ ва тайёрланган тўппа-тўғри талаби албатта бажарилиши, охирига етказилиши керак.

Назорат учун саволлар:

1. Педагогик назорат ва одобнинг талаблари нимадан иборат?
2. Педагогик такт деганда нимани тушунасан?
3. Ўқитувчининг дарсдаги педагогик такти қандай бўлиши керак деб ўйлайсан?
4. Ўқитувчининг тактсизлигига мисоллар келтиринг.

11– МАВЗУ: ЎҚИТУВЧИ МЕҲНАТИНИ ИЛМИЙ АСОСДА ТАШКИЛ ЭТИШ

Таянч иборалар: Ўқитувчи меҳнати, Вақтдан унумли фойдаланиш, ўқитувчининг бўш вақти, Ўқитувчининг кун тартиби, Педагогик меҳнатни илмий ташкил этиш.

Асосий саволлар:

1. Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этиш ҳақида тушунча, моҳияти.
2. Вақтдан унумли фойдаланиш, ўқитувчининг бўш вақти.
3. Ўқитувчининг кун тартиби ва иш жойи.
4. Педагогик меҳнатни илмий ташкил этишнинг томонлари ва олиш йўллари.
5. Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этиш ҳақида тушунча, моҳияти.

Кимки шогирдидан чин дилдан шод,
Бир кун ўзи ҳам булғуси устод.
Илм ила этиш мумкин биродар,
Заррадан тортиб то қуёшга қадар.

Носир Хисрав

Республикаимиз ҳукумати халқ таълими соҳасида ўртага қўяётган вазифаларни бажариш кўп жиҳатдан ўқитувчига боғлиқ. Ҳозирги шароитда таълим тарбиядан кўзда тутилаётган мақсадларга етишиш, ўқувчиларнинг хилма-хил фаолиятларини уюштириш, уларни билимли, эътиқодли, меҳнатсевар, баркамол инсон қилиб ўстириш ўқувчи зиммасига юклатилган халқимизнинг келажаги, мустақил Ўзбекистоннинг истиқдоли кўп жиҳатдан

ўқитувчига, унинг савиясига, тайёргарлиги, фидойилигига, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқ. Ҳозирда узлуксиз педагогик таълим ғояси амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш иши давлат ва жамоатчилик диққат марказига қўйилди.

Мактаб ҳаёти амалий педагогик жараён эса жуда хилма- хилдир. Педагогик назарияга мос келмайдиган вазиятлар учраб туради. Бу эса ўқитувчидан кенг билимдонликни, пухта амалий тайёргарлик, юксак педагогик маҳорат ва ижодкорликни талаб этади. Шунинг учун ҳам мустақил ўзбекистон давлатининг умумий таълим мактабида ишлайдиган ўқитувчи

педагогик фаолиятга қобилиятли ижодкор, ишбилармон;

миллий маданият ва умуминсоний, дунёвий билимларни мукаммал эгаллаган диний илмлардан ҳам хабардор, маънавий баркамол;

ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида тараққий этишига ишонадиган ватанпарварлик бурчини тўғри англаган эътиқодли фуқаро;

ихтисосга доир билимларни, психологик педагогик билим ва маҳоратли шунингдек, назарий ишларни мукаммал эгаллаган бўлиши керак.

Бирор касбнинг ҳақиқий устаси бўлиш учун кишида табиий қобилият, маълум жисмоний ва руҳий ҳислатлар жо бўлиши керак. Педагогик ўқитувчилик фаолиятини ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш ишини самарали бажариш, ота-оналар ва болаларни иззат- ҳурматига сазовор бўлиши учун ҳам кишида қобилият, маҳорат, қизиқиш бўлмоғи лозим.

Муваффақиятли ишлаш учун ҳар бир ўқитувчи педагогик маҳоратга эга бўлиши зарур. Педагогик маҳорат эгаси оз меҳнат сарф қилиб катта натижага эришади. Ижодкорлик унинг ҳамиша ҳамкори бўлади. Педагогик ишга қобилиятли, истеъдодли кишидагина педагогик маҳорат бўлиши мумкин.

Юксак маҳоратли ўқитувчи бўлиш учун энг аввало қобилиятли, малакали ва уддабурон бўлиши керак. қобилият фаолият жараёнида пайдо бўлади ва уддабуронликдан фарқ қилади. Малака ва уддабуронлик машқ, ўқиш натижаси ҳисобланса, қобилиятнинг ривожланиши учун эса истеъдод лаёқат ва зеҳн, яъни инсон нерв тизимида анатомио физиологик хусусият ҳам бўлиши зарур.

Маҳоратли ўқитувчи ўқувчиларни фанларни саводли ўзлаштиришлари учун замин тайёрлаб, уларни дам олишдан ишга ўтишлари, бўшашиш, ланжлик, лаёқатларига барҳам бериш учун вақт ажратиш зарурлигини ҳисобга олади. У тегишли вазият юзага келгунга қадар иш бошламайди. Масалан дарснинг ҳаддан ташқари зуриқиш билан ва кучли бошланиши ўқувчиларга мунозара қилувчи тормозланиш деб аталмиш ҳолатга сабаб бўлади. Мия фаолияти туманлашади ва ўқитувчининг сўзлари етарли даражада идрок қилинмайди.

Тарбия жараёнида педагогик таъсир кўрсатиш маҳорати ўқувчига у ёки бу юксак ахлоқий фазилатларнинг моҳиятини англатиш жараёнида қўлланиладиган ўқитувчининг иш усулларида биридир. Педагогик таъсир кўрсатишнинг энг самарали усулларида эртақлар, дostonлар, шеърлар, мақоллар айтишдир. Масалан: "Ота ўзининг 10 яшар ўғли билан даладан

кайтаётиб, йўл устида тушиб ётган бир тақани кўради ва унга дейди: - Тақани ол - эски тақа учун эгилиб ўтираманми - деб гап қайтаради ўғли. Отаси индамасдан ўзи эгилиб тақани оладида, йўлида давом этади. Кун иссиқ эди. Бола чанқай бошлади. Бир оз йўл юргандан кейин олча сотиб ўтирган баккол кўринади. Отаси бояги тақани олчага алмаштириб белбоғига туғиб олади. ўқлига кўз-кўз қилиб бир дона олчани оғзига ташлади-да, бир донасини ерга ташлади. ўғли дарров эгилиб олчани олади ва чанқоқини бостирмоқчи бўлиб оғзига солади. Отаси олчани кетма-кет ташлайди. ўғли 10-15 марта эгилиб олчаларни териб олиб егандан сўнг ниҳоят отаси тўхтайди ва белбоғида қолган олчаларни ўғлига ўзата туриб дейди: "Кўрдингми ўғлим, сен тақани кўтариб олиш учун бир марта эгилишга эринган эдинг, олчаларни териб олиш учун 10-15 марта эгилдинг, агар енгил меҳнат оғир деб ҳисобласанг, ундан баттар оғирига дуч келасан!"

Бу эртақнинг педагогик таъсирини салбий ва ижобий кўринишларини болаларга изоҳлашда ўқитувчи қуйидаги саволлар орқали тарбиявий маҳоратини оширади:

- Отанинг талаби тўғрими ёки йўқми? Сабабини очиб беринг.
- Отанинг болага меҳнатдан бош тортмаслиги учун тутган иши тўғрими?
- Болага дастлаб ўз ҳаракати билан ўртак бўлиб, сўнг хатосини тушунтиради. Бу борада сизнинг фикр- мулоҳазаларингиз қандай?

Тарбия жараёнида тарбиявий таъсир кўрсатишнинг қуйидаги усулларида фойдаланилади: болага қўйилган талаб, педагогик таъсир кўрсатиш, ўқув тарбия жараёнида ўқитувчи ўз мақсадига эришиш учун доимо ўқувчиларга ўз талаблари билан ёндошади. Уларни рағбатлантиради, огоҳлантиради, танбеҳ беради.

Ўқитувчининг педагогик асосда қўйилган талабларни тушунтириш нозуя ҳаракатлардан болаларни сақлаш, айниқса кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини мактаб ва жамоада мослашгунча кетма-кет талаблар қўйилади. Юқоридаги талабларнинг қанчалик таъсир этиши тарбиячининг педагогик маҳорати ва обрўйига боғлиқдир. Талабларнинг қўйилиш шакллари:

- Тарбиячи томонидан талабни тўппа-тўғри қўйилиши. Бундай талаб болалар жамоаси билан ишлашнинг дастлабки босқичидир. Улуғ педагог А.С.Макаренко "самимий, ошқора, ишонарли, қизгин ва қатъий талаб бўлмаса жамоани тарбиялашни бошлаб бўлмайди" деган эди. Бундай талаблар жамоани бир мақсад йўлига бошлаш учун;
- талабни ижобий ва болани ҳатти-ҳаракатларига тўсқинлик қилмаслиги;
- талаб аниқ ва тушунарли бўлиши;
- қўйилган талаб ва вазифаларни натижасини билиш;
- талаб очик чехра, самимий, бир оҳангда берилиши, илтимос маслаҳат яхши ниятга чорлаш;
- талаб болаларнинг ёши, билим савияига мос бўлиши;
- талабларда кесатиш, лўқма, миннат қилиш бўлмаслиги ва бошқалар.

Кишилик жамоаси пайдо бўлган даврдан бошлаб инсон ҳеч қачон оғиз яшай олмаган. Жамоани ташкил қилиши ва унинг тарбиявий таъсирини назарий ва амалий асослари, мутафаккир ва олимлар томонидан ўрганиб, алмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Тарбиячининг навбатдаги вазифаси болалар жамоасини ташкил қилиш, тарбиялаш ва жипслаштириш борасидаги назарий билимларни ўзлаштириб, илғор тажрибаларга суяниб ўқувчиларни тарбиявий жараёнда ўртоқлик, дўстлик, ўзаро ҳамкорлик, ҳамжихатлик, ўз-ўзини тарбиялаш маҳоратини ўзлаштиришдан иборат. Улар:

синф бошланғич жамосини тарбиялаш ва уларда ўзаро муносабат алоқаларини яратиш;

ўқувчилар кундалик фаолиятларини ҳамма қирралари жамоада жипслаштириш;

шахсий манфаатдан жамоа манфаатини юқори қўйишга ўргатиш;

жамоада бир-бирига меҳр оқибатли, мурувват ва сахийлик, дўстона ҳамкорлик мавжуд бўлса, у катта тарбиявий кучга айланди.

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилар жамоалари ташкил қилишда ўқитувчидан турли туман воситалардан маҳорат билан фойдаланиш талаб қилинади.

ўқитувчи жамоа аъзоларини янги шароитга мослашув дарсида уларга ишонч, ҳурмат, хушмуомалалик талабларини тўғри қўя билиш билан бирга ўқитувчини тушуниш ва эшита билиш маҳоратига эга бўлиш керак.

ўқувчилар жамоасида етакчи таянч ўзагини танлаш.

Жамоа аъзаларининг ҳар бирининг кучига, қобилиятига қараб топшириқлар бериш.

Жамоада янги анъана, қонун қоидаларни дастлабки куртагини яратиш ва унга амал қилиш.

Жамоа истиқболини давр талаби билан мослашган ҳолда белгилаш талаб қилинади.

Кишиким бўлса донишманд оқил

Булар илм ва ҳунарла кўнгли мойил.

Фурқат.

Ҳар бир ўқитувчи педагогик фаолият юритар экан, бераётган таълим-тарбиясини янада самарали чиқиши учун у ўз устида муттасил ишлаши, билимини, маҳоратини ўстириши керак. ўқитувчилар билан бўладиган муносабатларни пухта ўйлаб уларнинг кўнгиги озор етказмасдан муомала маданиятини билган ҳолда иш олиб бормоғи лозим. Ҳар бир ўқитувчининг дунёқараши унинг муомаласидан намоён бўлади. Муомаланинг асосий воситаси тилдир. Халқимиздан шундай нақл бор: “Бола ширин сўзнинг гадоси”. Бас шундай экан, тарбиячи ўз муомиласида жуда эҳтиёткор бўлиши керак. А.Навоий муомала қилувчи шахснинг маҳорати ҳақида шундай дейди: “Ширин сўз кўнгиллар учун бамисли асалдир”.

Яна бу ҳақда Ҳусайин Воиз Кошифий шундай дейди: “Насихатли ширин сўз-у мулойимлик бирла ибтидо қилдай, чунки бу замонда юмшоқлик ва хушруйлик кўргазмайин насихат корга келмас”.

Давлат таълим стандартларининг муҳим даражаси бўлган экспериментал таянч ўқув режаси ва дастурлар ҳар томонлама пухта ўрганилиши зарур. Ушбу дастур ва режани яратишда мамлакатимиздаги фан техника ижтимоий иқтисодий соҳалардаги ривожланишлар ҳисобга олинган. Ундан аввало ўқувчиларни психологик физиологик хусусиятларига муҳим ўрин берилган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари умумтаълим мактаблари олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим-тарбия мазмунини қайтадан мукамал ишлаб чиқишлари лозим.

таълим-тарбия шаклари усули воситаларини жаҳон андозаси талабларига мос ҳолда ривожлантириш;

таълим маданий-маърифий муассасаларини янги техника ва технология асосида замонавий жиҳозлаш;

ўқитувчи мураббий ижодкорлигини таъминлаш касб маҳоратларини оширишнинг самарали йўллари топиш;

оила, маҳалла, мактабда таълим-тарбия мазмунини мукамал ишлаб-чиқиш амалиётига кенг тадбиқ этиш.

Шундай қилиб ўқитувчининг меҳнатини илмий ташкил этиш, давлатнинг бу ҳақдаги ғамхурлиги, баркамол авлодни тарбиялашдек муқаддас вазифасини ёруғ юз билан адо этиш учун кучли туртки бўлади.

Кишиким ҳаётдан олмаса таълим

Унга ўргата алмас ҳеч бир муаллим.

А.А. Рудакий.

Хар қандай меҳнатнинг муваффақияти ва самараси уни ташкил этишга, бу меҳнатни уюштиришга таъсир этадиган шарт-шароитларга, фаолиятни амалга ошириш йўлларига боғлиқ. Демак, ўқитувчи меҳнатини самараси ҳам ўқитувчи ўз ишини қандай ташкил этишга ҳамда бунга таъсир этадиган шарт-шароитларни қандайлигга боғлиқ. Ҳар қандай меҳнатни бажарувчи шахс ўқитувчи ҳам ўз ишини ташкил этишга ўзига маъқул бўладиган, ўзи яхши эгаллаган маҳорат билан бажара оладиган услубларни танлайди. Биз илмий техника тараққиёти даврида яшамокдамиз. Демак, ўз ишимизни ташкил этишимизда ҳам фан техника ютуқларига асосан керак бўлади. Бу дегани ўқитувчи ҳам, ўз меҳнат фаолияти илмий асосда ташкил этиши демакдир.

Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этиш деганда педагогик жараёни бошқариш учун педагогика ва психология фанининг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланган ҳолда ўз ишини ижодий ташкил этиб яигиликлар яратишга тушунилади. Ўқитувчи меҳнати унинг вақти билан боғлиқ бу ишнинг муваффақияти вақтдан унумли фойдаланиш ўзининг имкониятларини тўла ҳисобга олиш, ўқув ва тарбия жараёнида ўзини намоёиш этишга ва ўзининг кимлигини, қандай эканини, нималарга қодир эканини тасдиқлаш билан боғлиқ.

Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этиш биринчи навбатда ўзининг ижодий имкониятларига ишониш демакдир. Ўқитувчи таълим

жараёниин тўла тасаввур этиши керак, унинг механизмини, қонуниятларини, болани билиш имкониятларни яхши ашлаши керак.

Меҳнат шахсининг бир мақсадга йўналтирилган ижтимоий-фойдали фаолияти бўлиб, у ақлий, жисмоний куч, зўр ғайратни талаб этади.

Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш тамойиллари:

1. Режалаштириш.
2. Ташкил этиш.
3. Бошқариш.
4. Назорат қилиш.

Ўқитувчи меҳнати-ижодий касблар турига киради. Чунки у шу меҳнати орқали ҳар томонлама етук бўлган комил инсонни тарбиялайди.

1. Педагогик меҳнат предмети-ўқувчи шахсидир..

2. Педагогик меҳнат мақсади - ҳар томонлама етук бўлган комил инсонни тарбиялашдир.

Педагогик меҳнатнинг натижаси ўқувчиларни мустақил ишлай олиши, дарсларда ўз фикрини билдира олиши, исботлай олиши, таҳлил қила олиши. Шу хислатларни ўз ўқувчиларида ҳосил қилиши унинг маҳоратини белгилаб беради.

Педагогик меҳнатнинг моҳияти ва ўзига ўқитиш ва тарбиялаш.

Ўзига ҳослиги шундаки:

А) Икки томонлама таъсир этиши;

Б) фақат бир ўқувчи билангина эмас, балки бутун синф жамоаси билан ишлай олиши;

В) ўқувчи ва ўқитувчининг бирга фаолияти.

Меҳнатини илмий асосда ташкил этишда намоён бўладиган 3 та конкрет белгилар:

1. Вақтдан имкон қадар самарали фойдалана билиши, уни ташкил этиши;

2. Меҳнат ва дам олиш учун яратилган қулай шарт-шароитлардан самарали фойдаланиш, уни бошқариш;

3. Барча имкониятларни ишга солган ҳолда ўқувчи меҳнат қилиши учун унинг соғлиғи ва ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш.

Қонуният ва тамойилларнинг бажарилиш ўқитувчи меҳнатнинг йўналишига боғлиқ:

1. Иш тажрибасига боғлиқ. 2. Ўрганиш ва тушунтириш тажрибаси.

3. Ишлаш учун шароитнинг яратилиши ва иш жойининг жиҳози.

4. Ўқитувчида қай даражада бор бўлган ижобий фазилатнинг мавжудлиги;

1-йўналиш. Уқитувчи касбига оидлари:

а) ўқишига, касбига оид чуқур билимларни эгаллаш;

б) давлат томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қонунларини билиш;

в) педагогика, психология ва хусусий методикани ўрганиш;

г) болалар жамоаси ва шахси ҳақидаги билимларни ўрганиш;

д) илғор тажрибани ўрганиш ва ўз ишида тадбиқ этиш;

е) ўз устида ишлаш ва ўз-ўзини тарбиялаш.

2-йўналиш. Ўз маҳорат элементларини ҳосил олиш;

- а) ўз ишига керакли бўлган ва педагогик маҳоратини оширишдаги кўникма ва малакаларни эгаллаш;
- б) ўз кучи ва қобилиятини тўғри ишлата олиши;
- в) ўз вақтида керакли ва тўғри қарор қабул қилиши.

3-йўналиш.

- а) ишнинг шароити ва педагогик жамоадаги маънавий ҳолат;
- б) жамоадаги психологик ҳолат(характери);
- г) инсонпарварлик;
- в) ижодий ёндашув;(топқирлик) д) рағбатлантириш;
- е) гигиена қоидаларига риоя қилиш; к) кунни тўғри ташкил этиш.

4- йўналиш. Ўқитувчини ўз меҳнатини илмий асосда ташкил этиш учун унда маълум даражада педагогик фазилатлар бўлиши керак:

- а) ким билан ишлаётганини аниқ билиши учун улар ҳақидаги тўлиқ маълумотга эга бўлиш;
- б) ўз хоҳиши ва мақсадини аниқ билиш;
- в) ўз олдига вазифа қўя олиш;
- г) керакли мазмун, шакл, методларни танлай олиш;
- д) ҳар ишнинг ҳолатини таҳлил қила олиш;
- е) методик қўлланмаларни ўрганиш ва уларни тўплай олиш;
- ж) вақтни тўғри тақсимлаш.

Педагогик меҳнатни илмий ташкил этишда ўқитувчининг кун тартиби муҳим роль ўйнайди. Ўқитувчи ўзи учун энг оптимал юқори унум берадиган кун тартибини топа олиши керак. Педагогик меҳнатни илмий ташкил этишда талабларни И. П. Радченко, Р. Расулова томонидан ишлаб чиқилган. Уларнинг тавсиясига кўра педагогик меҳнатни илмий ташкил этиш эш муҳим талабларни бу асосий режалаштириши, фаолиятни уюштириш унда қатнашаётганлар кучини ягона мақсадга бўйсундириш, рағбатлантириш, оператив назоратни ҳисобга олиш. Шунинг режалаштиришдаги асосий масала уюштирадигани барча фаолият турларини унда қатнашаётган коллектив ва аъзоларни умумин педагогик мақсадга бўйсундирилган кўзда тутди, бунда яқин, ўрта, узок мақсадларни инобатга олиш кўзда тутилади.

Шундай қилиб ўқитувчининг кун тартибини унинг фаолияти ва ҳаётин тартибга солувчи асосбидир, десак хато бўлмайди. У йўқ жойда меҳнат унуми ҳам паст бўлади, саломатлиги йўқолиб боради. Натижада ўқитувчи сарф қилган кучини қайта тиклай олмайди, иш қобилияти йўқолади, оқибатда сифати пасаяди. Демак, илмий асослашган кун тартиби ўқитувчиларнинг ўз меҳнатини илмий ташкил этиши вазифасини ҳал этишга қўйилган қадам бўлади. Педагогик меҳнатини илмий ташкил этилиши шартларидан яна бири иш ўрнини тартибга солиш ва меҳнат шароитини ташкил этишдир. Ўқитувчининг иш жойи иш жараёнининг бир қисми бўлиб, меҳнат унумининг юқори бўлишига таъсир этади. Ўқитувчининг иш жойи, хусусияти, педагогик меҳнатнинг мазмуни ва хусусияти билан белгиланади.

Меҳнат шароити тушунчаси комплекс тушунча. Меҳнатни илмий ташкил этиш тажрибасига меҳнат шароити деганда одамнинг меҳнат қилаётган

жойи, конкрет вазият, кўзда тутилади. Яна унга психофизиологик, ижтимоий, психологик ва эстетик омиллар ҳам қўшилади.

Педагогик меҳнатнинг самараси, мақсади ва фаолият вазифасига кўра билишда ва анқилай оlishпдадир. Шундагина шуни илмий ташкил этиш мумкин бўлади. Бу ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этишнинг **1-тамойилидир.**

2-чи тамойили фаолият услубини белгилаш.

3-тамойили фаолият услубини белгилаш. Педагогик меҳнатни илмий ташкил этишда техникадан восита сифатида самарали фойдаланиш тушунилади. Бу тамойил кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қиладиган педагогик техника ва техник воситалар йиғиндиси кўзда тутилади.

4-тамойили таълим-тарбияни ишини режалаштириш ҳиобланади. Режа таълим-тарбия фаолиятини тартибга солиш, унинг модель яратиш, таянч схемаларни топиш масалаларидан ташкил топади. Шулар аниқланса, ўқишда ривожланиш, тарбиялаш жараёни енгиллашади.

Шуни режалаштирмасдан туриб шахсни ва жамоани ижтимоий жиҳатдан самарали ривожлантириб бўлмайди, бу эса жамиятга ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий зарар келтиради. Педагогик меҳнатни назорат қилиш ва ҳисобга олиш принципи ўқитувчи ишни мунтазам ва планли кузатиб бориш шундан ютуқ ва камчиликларини аниқлаш, муҳимларини ажратиб олиш кўзда тутилади. Ҳисобга олишнинг энг мақбул йўли статистик ҳисобга олишдир. Педагогик назорат эса объективлик, омилкорлик, самарадорлик, мунтазамлилик ва ошкораликни талаб қилади.

Назорат қилиш учун саволлар:

1. Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этиш нима?
2. Ўқитувчининг кун тартибини очиб беринг.
3. Меҳнатни илмий ташкил этиш тамойилларини санаб ўтинг?

12– Мавзу: Ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида ишлаш.

Таянч иборалар: ўз-ўзини тарбиялаш, маҳорат, метод, восита, ўз устида ишлаш,

Асосий саволлар:

- 1.Ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида ишлаш педагогик маҳоратни шакллантириши асосий шарти сифатида.
- 2.Ўз-ўзини тарбиялаш метод ва воситалари.
- 3.Ўз-ўзини тарбиялашда ўз-ўзига баҳо, ўз-ўзини кузатиш, англаш ва ишонтиришдан фойдаланиш.

Буюк келажак тараққиёти томон одим отаётган мамлакатимизда кадрлар масаласи ёш авлод тарбияси биринчи ўриндаги муҳим масалалар қаторида турибди. Зероки ўзбекистон равнақи келажаги шу ёшлар, яъни кадрлар қўлида экан, жамики эътибор уларни хур фикрли бўлиши, жаҳон таълим стандартларига мос кела оладиган таълим олиши буюк келажак учун қўйилаётган мустаҳкам пойдевордир. Жумладан, 1997 йил 27 августда қабул қилинган "Таълим тўғрисидаги кадрлар тайёрлаш миллий дастури" таълимни яна бир поғона илдамлатди, десак хато қилмаган бўламиз. Чунки замонавий таълим олишнинг ўзи ҳар бир ёш авлодга катта-катта масъулиятлар юклайди. Зероки таълим тарбия жараёни шахсини ҳар томонлама камол топтириш, юксак ғояли, миллий ғурурли чуқур маълумотли, маънавий ва жисмоний етук қилиб етиштириш мақсадини кўзда тутди ва ўз ишларини шу нуқтаи назардан йўлга қўяди. Президентимиз мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимизда ёш авлодни тарбиялаш, ҳаётда ўз ўрнини топиш, демократик давлат қуриш вазифаларига, бўйсундирилиши лозим эканлигини уқтириб ўтганди. Бугунги кунда замонавий таълимни турли усулларда амалга ошириш мумкин. Буларнинг барида бутун масъулият ўқитувчига юклатилмасдан ўқувчидан ҳам ўз-ўзини бошқариш талаб этилмоқда.

Ўқитиш тизимида ўз-ўзини бошқаришнинг зарурлиги, энг аввало, бутун ўқув юртлари тизимининг самарали, пухта ишлаб чиқилганлигидан далолат беради. Чунки ўз-ўзини бошқариш туфайли ўқитишдаги ўзаро муносабат ўқитишнинг боришини жадал бошқариш ва камчиликларни ўз вақтида тузатиш кейинги дарсга замин ва имкон яратади. ўз-ўзини бошқариш биз мустақил иш жараёнларида турли хилдаги тадбирлар уюштириш ва ўтказишда, тарбиявий соат дарсларида қуришимиз мумкин. ўз-ўзини бошқариш моҳияти ўқувчиларда биринчи ўринда ўзини мустақил ҳис қилиши ва ўзи кўпроқ дарсни қабул қилишидан иборат. Агар ўқитувчи ўқувчиларга маълум бир мавзунини ўзлаштиришга қизиқтириб борса ўқитувчи мавқий нима билан улчанишини биламиз. Унинг мавқий ўз касбига муҳаббати, ўқувчиларига нисбатан талабчанлиги, ўқув дастури ва дарсликлардан тўғри фойдалана билиши, шунинг билан бир қаторда ўз устида тинмай изланиб, ўз-ўзини тарбиялаши билан улчанади. Келажакимиз ёшлар қўлида экан, биз ўқитувчилар ана шу

ёшларни чин инсон бўлиб етишишлари учун кўлимиздан келган барча маҳоратимизни ишга солмоғимиз керак.

Ўқитувчилик ниҳоятда масъулиятли касб, бу эса кўпроқ ўз устида ишлаш, тажриба алмашиш, дарсга тайёргарликни такомиллаштиришга даъват этади. Ўқитувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялашларида матбуот саҳифалари билан танишиши, илғор ўқитувчиларнинг тажрибаларига суянган ҳолда дарс таҳлилларида қатнашиши, коллективдаги касбдошлари билан услуб алмашиш юқори самара беради.

Ўқитувчи меҳнатда, хулқ - атворда тиришқоқлик қилиб, ўз имкониятларини ишга солиши, ўзига мажбурият олиши, ўзини назорат қилиши, ўзига-ўзи ҳисоб бериши, ўзига ўзи баҳо бериши сингари ўз-ўзини тарбиялашнинг элементларини шакллантириб бориши лозим.

Ўқитувчи ўз-ўзини тарбиялаши учун, аввало ўзини атрофлича чуқур ўрганиши, ўз ишидаги ютуқ ва камчиликларни кўра олиши керак.

Ўз-ўзини ўрганиш ва бошқа кишини англаш учун ҳам зарурдир. Бошқа ютуқларини ўрганмай, ўзигни бошқалар билан қиёс қилмай туриб, ўзини шахс сифатида ўрганиш мумкин эмас.

Энг аввало ўқитувчи ўзида педагогик қобилиятининг қандай хислатлари борлигини ўрганиши керак. Педагогик фаолитига муҳаббат қўйган ўқитувчи ишга чин кўнгилдан берилиб ишлайди, ҳеч қандай кўз бўячиликка йўл қўймайди. Ўз касбини севган ўқитувчи доимий равишда ғоявий-сиёсий савиясини ошириш ва билим доирасини кенгайтиради, ўз предметини чуқур билиш устида кунт билан ишлайди.

Ўз-ўзини тарбиялаш ўз фаолияти тип таҳлил қилишдан ва ўз шахсини такомиллаштиришдан бошланади. Ўқитувчи ўз устида ишлаши, ўз-ўзини тарбиялашда қуйидаги услублардан фойдаланади:

1. Ўз-ўзини билиш:

- А) Ўз-ўзини кузатиш;
- Б) Ўз-ўзини синаш;
- В) Ўз ҳаракатларни таҳлил қилиш
- Г) Ўртоқларининг фикрини тушуна олиш;

2. Ўзига баҳо бериш:

- А) Ўз-ўзини танқид қилиш;
- Б) Ўзига характеристика бериш;
- В) Ўз-ўзини тақдирлаш;
- Г) Ўз-ўзини тарбиялаш, ташаббускорлик ва мустақиликка ундайди;

Ўз-ўзини назорат қилиш учун ўзининг юриш-туриши, иитизоми, ижобий одатларини ортнб бориши ва аксинча, салбий одатларининг камайиб боришини кузатиб боради. Ўз-ўзини баҳолай олиши ўқитувчини, ўз имкониятларини баҳолашда, ўзидаги қониқиш ҳосил қилишда ёрдам беради.

Ўқитувчи ўз-ўзини тарбиялаш билан бирга ўз устида тинмай ишлаб, ўзининг ғоявий-сиёсий онгини доимий равишда ўстириб ва педагогик маҳоратини такомиллаштириб боради. Ўқитувчиларга қарата шундай деган эди: «Ўқитувчи ўзини бугун куч-қуввати, имкони, ўзида бор ҳамма қимматбаҳо нарсаларни ўз

ўқувчиларига, халққа беради. Аммо, ўртоқлар, агар сиз ўзингизда бор нарсаларни ҳамиша бугун, эртага, ниндига берсангиз-у, лекин ўзингизда бундаги билимларингизни, ўз кучингизни, ўз қувватингизни яна ва яна тўлдириб бормасангиз, у ҳолда ўзингизда ҳеч нарса қолмайдику, ахир. Ўқитувчи, бир томондан, ўзида борини беради, иккинчи томондан, худди губка каби ўзига халқдан, ҳаётдан, фандан ҳамма яхши нарсаларни олиб ҳазм қилади ва бу ҳамма яхши нарсаларни яна янгидан болаларга беради».

Ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида ишлаш педагогик маҳоратини шакллантиришнинг асосий шарти сифатида. Ўқитувчи фаолиятида ўз устида ишлашнинг ўз-ўзини англаш ва тарбиялаш фаолияти билан ўзаро боғлиқлиги. Ўз устида ишлаш ва ўз-ўзини тарбиялашнинг психологик-педагогик асослари.

Ўз-ўзини тарбиялашга йўналтирилган фаолият тавсифи (ижобий ва салбий). Ўқитувчининг шахсий сифатлари ва ўзаро шартланган ҳаракатларига берилган психологик баҳо ўз-ўзини тарбиялаш борасидаги фаолият дастурини ишлаб чиқиш шартидир.

Таъхис усулларида шахснинг ўз-ўзини англаш даражасини белгилаши. Ўз-ўзини тарбиялашнинг усул ва воситалари.

Педагогик фаолият жараёнида тарбиявий усулларнинг ўрни ва аҳамияти.

Ўз-ўзини тарбиялаш жараёнида психологик тўсиқларни енгиб ўтиш йўллари.

Ўз-ўзини тарбиялаш жараёнида ўз-ўзини ишонтириш методидан фойдаланиш. Ўз-ўзини ишонтириш усули.

Ўз устида ишлаш ақлни такомиллаштириш йўлидир. Ўқитувчи иродаси ҳамда ҳис-туйғусини тарбиялаш ва уларни психик бошқариш тавсифи.

Илғор ўқитувчи ҳамма вақт педагогика соҳасидаги янгиликларни билишга

интилади, бошқа ўқитувчиларнинг тажрибаларида (фойдаланишга ҳамда ўз шахсий тажрибаларидан фойдаланишга ҳамда ўз шахсий тажрибаларини умумийлаштиришга ҳаракат қилади.

А) ўқувчилар қобилияти қизиқиши билим даражасини ҳисобга олиш, дидактик материалдан усғалик билан фойдаланиш;

Б) ўқувчиларни ва еинфни энг юқори мукамал даражага эрийгаш учун керакли усул ва воситаларни танлай олиш;

В) ўқувчаларни ва иоллектнвшшг билимлнлиги ва тарбнявнйлиги ривожлангашгак даражасини аниқлай олиш;

Г) ўқувчиларни ташқи қиёфаси орқали уларни дарсга бўлган муносабатларини англай олиши ва керакли бўлгаи воситаларни танлай олиши ишлатилади.

ИЛҒОР ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ СОҲИБЛАРИ

Ш. А. Амонашвиллининг педагогик методикасининг мазмуни. У ўқувчиларни фикрлашга ўргатади. Унинг ўқувчилар ўртоқларининг ишларини текшириб баҳолайдилар (баҳо қўймасдан албатта). Бир-бирларини ёзма ишлариини тақриз қилишади.

В. Ф. Шагаловнинг методикасини мазмуни. Уни такрорлаш асосида ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини баҳолашдан иборатдир. У маълум вақтда топширилган вазифа юзасидан барча ўқувчиларни баҳолайди.

Кундаликни текшириш ва аниқ равишда ҳар бир таянч сигналларни баҳолаш, фикрлашга ижобий таъсир этади. Гинч сигнали иима? Бу сигналлар маъно аҳамиятига босувчи ассоциатив символдир. Бу символ маълум тушунчалари бўлган ахборотни бир лахзада хотирани тиклайди. Йўл ҳаракатини эслатувчи белгилар энг яхши таянч сигналдир.

Қизил ранг-мумкин эмас

Сариқ ранг-огоҳлантириш

Яшил ранг-очиқ д.м.б.

С.Н.Лисенковнинг педагогик методикаси мазмуни. У дарсда кўргазмалилик, чизма моделлар ёрдамида дарс бериш ўқувчиларни фаоллаштиради ва мустақил фикрлашга ўргатади. Ўтилаётган темани шарҳлаб бошқарув дарсни ҳаракатлантирувчи асосий кучидир,-дейди. Шарҳлаб берувчи учта ҳаракатни ўзида мужассамлаштиради.

1. Фикрлаш

2. Сўзлаш

3. Ёзиш

Бунда бўш ўзлаштирувчи ўқувчи бошқалар қатори масъулиятни сезган ҳолда ҳаракат қилса, у ҳам ўз орқасидан бутун синфни эргаштириб фаоллашади.

И. В. Волковнинг педагогик методикасининг мазмуни. У мактабда болалар учун «Ижод хонаси» ташкил этиб, ўқувчилар билан ишлашда турли хил йўналишдаги ишларни танлаб, ҳар бир ўқувчини хилма-хил фаолиятида (адабиёт, тасвирий санъат, фото, кино) ўз қизиқишига кўра кучини синаб кўриш, уларни ижодкорлик сифатларини намоён қилишга эришди.

II. Н. Палтнншевнинг педагогикасини мазмуни. У синф ўқувчиларини қаторларга бўлиб ўқитишни ташаббусқори. 1 қатор-аълочилар, 2 қатор-ўрта миёналар, 3 қатор-ёмон ўзлаштирувчилар. Бу методда кейинги икки қаторнинг ўқувчилари ўз жойларини ўзгартириш учун худди биринчи қатордагилар каби ўқишга мажбурдирлар.

Очилхон Шарафутдинов педагогик методикасини мазмуни. Унинг методи:

1. Дарсда пухта тайёрланиш. 2. Ўтилган мавзунини тўғри режалаштириш.

3. Ўқувчиларда активлик. 4. Кўрсатмалар қўлдан (фойдаланиш).

Назорат учун саволлар.

1. Ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида ишлаш педагогик маҳоратни шакллантиришнинг асосий шартли эканлигини асослаб беринг?

2. Ўз-ўзини тарбиялаш шартларини биласизми?

3. Илғор педагогик маҳорат соҳибларидан кимларни биласиз?

13-мавзу: Ўқув-тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш (2 соат)

Таянч иборалар: Янги педагогик тафаккур, психологик хизмат, миллий маънавият, миллий руҳ, таълим-тарбияни демократиялаш, инсонпарварлаштириш, тарбия объекти ва субъекти, педагогик ҳамкорлик.

Асосий саволлар:

1. Ўқув-тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш.

2. Таълим-тарбия жараёнини демократлаштириш.

Республикаимиз мустақиллиги натижасида таълим-тарбия тизими фақатгина шаклан эмас, балки мазмун-моҳият жиҳатидан ҳам янгиланди.

Ўтмиш таълим-тарбия тизимидаги авторитар-буйруқбозлик, тарбияланувчи шахсини эзиш, топташ, эркинлик ва эркин фикрни бузишга асосланган таълим тизими ўз ўрнини инсонпарварлик ва демократияга бўшашиб беришга мажбур бўлмоқда. Хўш, бунинг сабаби нимада?

Ҳозирги замон умумтаълим мактабида таълим-тарбиявий ишларни олиб бориш зиммасида бўлган мураббий, педагог шуни билиши керакки, ҳозирги мактаб янги педагогик тафаккур эгаси, муносиб шахс, ўз ишининг устаси бўлган ўқитувчига муҳтож.

Ўқитувчининг билиш савияси, педагогик маҳорати, маънавияти жамиятни ҳаракатга келтирувчи, таракқиётга элтувчи етакчи омиллардан биридир. Ўқитувчи юриш-туриши, хатти-ҳаракати, бутун вужуди билан ўқувчиси қалбига йўл топа олиш ва эзгу ишлар сари йўналтира олиш лозим.

Мактабда таълим-тарбия жараёнини инсонпарварлаштиришда айниқса миллий-маънавий меросимиздан фойдаланиш катта имкониятига эга. Жумладан, муқаддас китоблар : Қуръони Карим, Авесто, Хадиси Шарифлардан фойдаланиш билан қаторда инсонпарварликнинг ҳақиқий хазинаси бўлган М.Кошғарийнинг “Девону луғоти турк”, Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билиғ”, Ахмад Югнакийнинг “Хибатул ҳақойиқ”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Ахмад Яссавийнинг “Хикмат”лари, Саъдий Шерозийнинг “Тулистон ва Бўстон”, А.Жомийнинг “Бахористон”, Алишер Навоийнинг “Хамса” ва лирик асарлари катта таълим-тарбиявий аҳамиятга эга. А.Навоий инсонпарварлиги унинг куйидаги мисраларида айниқса яққол кўзга ташланади:

Бу жаҳонда йўқ эрур бақо гулига сабот,

Ажиб саодат эрур яхшилиг бирла қолса от.

Шундай экан, умумтаълим мактабида, лицей ёки коллежларда ўқувчиларга ижтимоий-гуманитар фанлардан таълим беришда инсонпарварлик тарбиясига катта эътибор бермоқ лозим. Ўқув

материалларини тушунтиришда, табиий фанларни ўтиш пайтида буюк шарқ мутафаккирлари шеърлари, таржимаи ҳолларидан фойдаланиш ҳам катта имкониятга эгадир. Айниқса, ҳозирги шароитда Ўзбекистон тарихи, адабиётини ўқитиш жараёнида бевосита тарбияга оид бўлган миллий маънавиятга алоҳида урғу бериш мумкин.

Ўқитувчи ўқувчи қалбига йўл топиш учун билими ва иши билангина эмас, айти пайтда одоб-ахлоқи, маданияти, хушмуомалалиги билан ҳам намуна бўлиши лозим. Шундагина ўқитувчи ва ўқувчи орасида ота-болалардек инсоний муносабат қарор топиши мумкин.

Тарбияда инсон шахсини олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир бола, ўсмир ва ёш йигитнинг бетакрор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, унинг ижтимоий ҳуқуқи ва эркинлигини ҳисобга олиш лозим бўлади.

Таълим-тарбияни демократиялаш – бу тарбияни маъмурий эҳтиёж ва қизиқишлардан юқори қўйиш, тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳамкорлик асосида педагогик муносабатлар моҳиятини ўзгартириш демакдир. Бу тарбия ишига жамоатчиликни кенг жалб қилиш, унинг ривожланишига жамоатчилик таъсирини киритиш демакдир.

Шахслараро муносабатларда инсонпарварлик, педагоглар ва ўқитувчилар ўртасида ҳурмат туйғуларини шакллантириш, болалар фикрига эътибор қилиш, уларга меҳрибонларча муносабатда бўлиш лозим.

Ўқитувчи ўқувчи шахсига тарбия объекти сифатида эмас, балки ўзи каби субъект деб қараши лозим.

Умуман, таълим-тарбиявий фаолиятни демократиялаштириш ва инсонпарварлаштириш унинг моҳият ва мазмунини эркин шахсни тарбиялаш мақсадини амалга оширишни назарда тутди.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Янгича педагогик тафаккур нима?
2. Психологик хизмат нима?
3. Миллий руҳ нима?
4. Таълим-тарбия жараёнининг демократиялаштиришнинг моҳияти нимадан иборат?
5. Ўқув-тарбиявий ишларни инсонпарварлаштиришни қандай тушунаси?
6. Педагогик ҳамкорликни қандай тушунаси?
7. Миллий дунёқараш нима?
8. Миллий тарбия қандай бўлиши лозим?
9. Таълим-тарбияни демократлаштиришни қандай тушунаси?
10. Шахслараро муносабатларнинг турлари ҳақида гапиринг.

III- БЎЛИМ: ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ-ПЕДАГОГИК ТАЖРИБАНИНГ ЖАҲОНШУМУЛ МАҲСУЛИ СИФАТИДА

14-мавзу: Педагогик маҳоратнинг Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида оммалаштириш усуллари ва йўллари (2соат)

Таянч иборалар: Педагогик маҳорат, узлуксиз таълим, тизим, оммалаштириш, малака ошириш, қайта тайёрлаш.

Асосий саволлар:

1. Педагогик маҳоратни узлуксиз таълим тизимида оммалаштириш.
2. Педагогик маҳоратни оила, маҳалла, жамоатчилик орасида оммалаштириш.

1. Педагогик маҳоратни узлуксиз таълим тизимида оммалаштириш.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонунга асосан республикада таълим тизимининг 7 тури мавжуд. Булар:

- Мактабгача таълим
- Бошланғич таълим
- Ўрта таълим
- Ўрта махсус ва касб-хунар таълими
- Олий таълим
- Олий таълимдан кейинги таълим
- Малака ошириш ва қайта тайёрлаш

Таълимнинг мазкур турлари бир-бири билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ҳам педагогик маҳоратни оммалаштириш, яъни соддароқ қилиб айтганда омма орасида ҳаммабоп қилиб ёйишни мактабгача таълим муассасаларидан бошламоқ жоиздир.

Бунинг учун оммалаштиришнинг кўргазмали деворий, радио-телевидение турлари, жонли лектор суҳбати кабилардан фойдаланиш катта самара беради. Мактабгача таълим муассасасида “Илғор тажриба минбари” ни ташкил этиш ана шундай йўللاردан биридир. Бундан ташқари ҳар ойда бир марта тарбиячининг артистлик, нутқ маҳорати бўйича кўрик-танловлар ўтказиш ҳам катта самара беради.

Педагогик маҳоратни бошланғич таълим тизимида оммалаштириш энг маъсулиятли вазифалардандир. Чунки Республикада таълим тизимининг ана шу звеноси энг ёрдамга муҳтож ҳисобланади. Чунки бу соҳада педагогик фаолият кўрсатувчиларнинг атиги 20% олий маълумотлидир.

Узлуксиз таълимнинг мазкур турида педагогик маҳоратни оммалаштиришнинг амалий, оғзаки, кўргазмали турларидан фойдланиш билан бирга илғор, тажрибали бошланғич таълим ўқитувчилари яратган маҳорат мактабини вилоят, республика миқёсида матбуот воситасида ёйиш катта аҳамияга эгадир. Бундай рағбатлантириш усулининг аҳамияти шундаки, у кам тажрибали ўқитувчи учун ибрат, намуна, илғор ўқитувчи учун эса рағбатлантириш ҳисобланади. Педагогик маҳорат сирларини ўрта мактаб (таянч мактаби) да ёйиш анча енгилроқ бўлиб, бу соҳада катта тайёргарликка эга бўлган илмий, ўқув, педагогик тажриба мавжуд. Бироқ, педагогик маҳоратнинг ижтимоий тажриба эканлигини тушунмайдиган, ўз устида ишлашни билмайдиган ёки буни истамайдиган ўқитувчиларнинг мавжудлиги сир эмас. Шунинг учун ҳам педагогик маҳорат ўрта мактабда узлуксиз равишда предмет- секциялари, метод бирлашмалари йиғилишлари, матбуотда тартиб қилиниши лозим.

Ўрта махсус ва касб-ҳунар коллежларида педагогик маҳорат сирларини бўлажак мутахассисликларга ўргатиш учун улар қошида албатта университет педагогика ва психология кафедраларининг филиалларини очиш лозим.

Чунки ҳозирги даврда касб-ҳунар коллежларида таълимга кўпроқ, тарбиявий соҳага эса панжа орасида қарашлар мавжудлиги сезилмоқда.

Олий таълим тизимида педагогик маҳорат сирлари махсус дастур асосида 50 соат давомида ўрганилади, бироқ бу ҳали оз. Университет қошидаги минтақавий малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази дастурида ҳам педагогик маҳорат сирларини ўргатиш режалаштирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Оилавий таълим тизимида педагогик маҳорат сирлари куйидаги йўналишларда ўргатиб борилади:

1. Педагогика ва психология машғулотларида;
2. Педагогик маҳорат курсини ўтиш жараёнида;
3. Ўз ихтисослигини эгаллаш жараёнида (педагогик амалиёт даврида)
4. Мустақил тайёргарлик даврида.

Олий таълимда кейинги даврда педагогик маҳорат сирлари аспирант ва докторант ҳамда илмий- тадқиқотчилар томонидан ўз танлаган мавзуларини таълимнинг у ёки бу турида оммалаштириш жараёнида эгалланиб борилади, бунда уларнинг раҳбар ва маслаҳатчилари етакчи ролни ўйнайди.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими педагогик маҳоратнинг замонавий муаммоларини тингловчиларга тез, қисқа ва осон етказа олиши билан бошқа таълим тизими турларидан фарқ қилади.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг бу соҳадаги устунлиги шундан иборатки, таълим тизимининг мазкур тури бевосита педагогик маҳорат сирларини ўрганиш, тарғиб қилиш ва оммалаштириш билан шуғулланади.

2. Педагогик маҳоратни оила, маҳалла, жамоатчилик орасида оммалаштириш.

Педагогик маҳоратни оилада оммалаштириш ниҳоятда мушкул вазифа бўлиб, бунинг сабаби ота-оналарнинг ёш, тарбиявий тажриба, касб-хунарлари орасида тафовут мавжудлиги, дунёқарашларнинг ранг-баранглиги билан изоҳланади. Масалан, савдо ходимининг болани тарбиялашга бўлган муносабати, зиёли оиласининг болани тарбиялашга бўлган қарашидан мутлақо фарқ қилади. Врач, инженер, механизатор, агроном, сувчининг муносабатлари ҳам бу соҳада ҳар хил. Шунинг учун ҳам педагогик маҳоратни ота-оналар орасида оммалаштириш маҳалла фаоллари иштирокида ва бевосита ёрдамида ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун маҳалла фаолларида каттагина имкониятлар мавжуд.

Булар қуйидагилар:

1.Маҳалла оиланинг барча тўй, жаноза каби маросимларнинг ташкилотчиси;

2.Маҳалла оммавий тарбиячи;

3.Маҳалла кам таъминланган оиланинг ҳимоячиси;

4.Маҳалла оилавий учрашувлар, йиғилишлар маркази;

5.Маҳалла оила ва ҳокимиятни боғлаб турувчи механизм.

Унинг ана шу функциялари таълим-тарбиянинг оғзаки, кўргазмали, амалий методлари билан биргаликда оилада педагогик маҳорат сирларини оммалаштириш имконини бериши табиийдир.

Педагогик маҳорат сирларини жамоатчилик орасида ёйишнинг энг таъсирчан воситаси бу оммавий ахборот воситаларидан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланишдир. Педагогик маҳоратга бағишланган оммабоп мақола, ўқув-услубий тавсияларни вақтли матбуот саҳифаларида чоп этиш, турли-туман мавзуларда педагогик маҳорат сирларини омма орасига ёйиш вақтли матбуотнинг кундалик режасига киритилиши лозим ва бу катта самара беради.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1.Узлуксиз таълимни таърифлаб беринг.

2.Педагогик маҳоратни оммалаштириш йўл ва усуллари тавсифлаб беринг.

3.Педагогик маҳоратни малака ошириш тизимида оммалаштириш ҳақида гапиринг.

4.Педагогик маҳоратни оилада оммалаштириш ҳақида гапиринг.

5.Педагогик маҳоратни маҳалла ва жамоатчилик орасида оммалаштириш шакл ва усуллари ҳақида гапиринг.

15-мавзу: Ўқитувчининг тарбиячи сифатидаги маҳорати. (2 соат)

Таянч иборалар: Маҳорат, педагогик назорат, ижодкорлик, бошқариш, назорат, назорат турлари.

Асосий саволлар:

1. Тарбиячи маҳоратининг моҳияти
2. Тарбиячи маҳоратининг педагогик асослари
3. Тарбиячи маҳоратининг тузилиши
4. Тарбиячи маҳорати- бу ижодкорлик.

Маҳорат ҳақида тушунча

Олийгоҳларни тугатган мутахассислар таълимни ташкил этишга нисбатан тарбияни ташкил этиш қийинлигидан зорланадилар. Бунинг объектив сабаблари мавжуд. Тарбия жараёни таълим жараёнига нисбатан кенг тушунча, чунки у шахс тарбияси воситалари, билиш қобилиятларини ривожлантириш ва меҳнат қилиш сингариларни ўзида акс эттиради. Тарбия санъати, - деб ёзган эди **Ушинский**, - шундай хусусиятга эгаки, деярли барчага таниш ва тушунарли, баъзиларга эса жуда осон иш бўлиб туюлади. Одам бу иш билан назарий ва амалий жиҳатдан қанчалик кам таниш бўлса, унга бу шунча тушунарли ва осон бўлиб кўринади. Деярли ҳамма тарбия сабр-тоқатни талаб этишини эътироф қилишади, айримлар бунинг учун туғма қобилият ва малака, яъни кўникма керак деб ўйлайдилар, лекин жуда кам одам сабр-тоқат, туғма қобилият ва малакадан ташқари яна махсус билимлар кераклиги ҳақида ишонч ҳосил қилишади.

А.С.Макаренко фикрича , тарбия фаолияти авваламбор ташкилотчилик фаолиятидир. Яъни болалар ҳаётини моҳирона ташкил қилишни алоҳида таъкидлаган эди.

Маҳорат бу педагогик фаолиятни малакали ташкил эта олиш ,ўқувчилар ривожланишини самарали илҳомлантиришидир.

Қисқа фурсатлар жамоа в ҳар бир ўқувчининг қобилиятларига педагогик таъсирни таъминлашни назарда тутати. Тарбиячилик маҳорати фақат билимлар билан қуролланишни амалга оширибгина қолмасдан, балки тарбия усуллари ва методикаларини ижодий ҳаётда қўллашни тарбия қонунятларига таяниб болалар ҳаётини ташкил этишни назарда тутати.

Тарбиячининг маҳорат мазмуни – бу билимлар ва асосланган кўникма, малакалар ташкил этади. Турли педагогик шароитда жамоа ва айрим ўқувчилар дунёсида содир бўлган воқеаларни тўғри қабул қилиш ва ишонтира олиш кўникмаси; мақсад воситаларни таққослаб анализ қилиш кўникмаси; талаб қилиш ва ишонтира олиш кўникмаси; болалар билан ўйнай олиш қобилияти вазиятга ҳар томонлама тўғри баҳо бериш кўникмаси; ранг-баранг педагогик асосларда, энг муҳимини ажрата олиш; тасодиқ ҳодисадан асосийсини аниқлаш кўникмаси; ҳар хил

вазиятлар – таъсир кўрсатишнинг турли-туман усуллардан фойдаланиш кўникмаси; ўз кайфияти, ҳиссиёти, ҳаракатларни аниқ кўрсата олиш малакаси.

Юқорида таъкидлаб кўрсатилган кўникмалардан ташқари яна қуйидагиларни ўзида шакллантирмоғи лозим; ўқувчилар билан ўқиш, меҳнат, ташаббускорликни ўстириш, қийин дамларда ёрдам бериш, жамоа ва айрим ўқувчи фикрини ҳисобга олиш, ҳурмат қилиш; ожизларни ҳимоя қила олиш, ўз-ўзини бошқаришнинг турли формаларидан фойдаланиш; ўқувчининг ишончини суистеъмол қилмаслик, ҳар бир ўқувчининг ижобий сифатига асосланиб муносабатни ташкил эта олиш; ўқувчиларни яхши ёки ёмонга ажратмаслик; болаларнинг ахлоқий сифатларини мўлжаллай олиш; ўқувчиларнинг адолатсизлиги, ахлоқсизлиги, шавқатсиз бўлиши, ўқувчининг саҳийлиги ва зикналиги ҳақида тасаввурларга ишониш сингари кўникмани ҳам ўзида шакллантирмоғи даркор.

А.С.Сухомлинский “... ўқувчи руҳининг тетиклиги, ақлнинг ўткирлиги, таассуротларининг соғломлиги, ҳиссиётларининг таъсирчанлиги узоқ йиллар сақланиши учун катта инсонпарварлик талантига, ўз меҳнатига, болаларга бўлган чексиз муҳаббатга эга бўлиш керак – бу сифатларсиз педагогнинг меҳнати уқубатларга айланади”.

Технологик тузум ёки технология ўқитувчи, ўқувчи ва жамоаларга конкрет воситалар асосида таъсир кўрсатишда кўнгилдагидек муайян натижаларга эришиш имкониятини яратади.

Тарбиячининг маҳорат натижаси тубандаги вазифаларни бажаришда намоён бўлади: ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашиб, шуғулланаётган фаолиятда унинг фаоллигини уйғотиш, лаёқатини ўстириш.

Тарбиячи тарбиявий тадбирни олиб боришда муҳим талабларга амал қилиши зарур: ҳар қандай тарбиявий тадбир тасодифий ҳолда олиб борилмаслиги ва ўқувчиларни тарбиялашнинг мустақил таркиби сифатида ҳал этилиши керак.

Катталар ва болалар ўртасида ўзаро муносабатни, ўзаро жамоа таъсирини ташкил этиш мазмун ва тузилиш жиҳатдан ҳам тарбиячи фаолиятида муҳим ўрин тутати. Тарбиячининг маҳорати – бу унинг болаларга мослашиши. Таҷрибали тарбиячилар ўқитувчилар муносабатидаги сирли томонларни билишни ўзларининг бурчи деб биладилар.

Муносабатлар тизимида жамоанинг ҳар бир аъзосида шахсга мос бўлган қимматли фазилатлар шаклланади. Шунинг учун жамоанинг ижодий фаолиятини ташкил этишда муҳим нарса, - бажарилган йўларни яқунлаш босқичидир: ҳар бир болада қандай ўзгариш бўлганлиги, қандай янги сифатлар шаклланганлиги аниқланади. Баҳо объектив ва ҳаққоний бўлиши зарур. Моҳир тарбиячининг болалар муҳитидаги муносабатларга малакали раҳбарлик қилиши жамоа ичида ва жамолараро табиий қарама-қаршиликлардан иборат.

Мақсадлар асосида кўрсатилаётган фаолиятни ташкилэ тишга индивидуал шахсий мақсад, жамоа аъзолари интилишини акс эттириш: ўқувчининг интилишлари билан синф жамоаси олдидаги мажбуриятлардаги номувофиқлик; тарбияланувчи иродасидаги ривожланиш билан, тарбиячининг кўядиган талаблари ўртасидаги номувофиқликларни бартараф этиш тарбиячининг шахсига тарбияланувчи билан бўладиган муносабатлар характериға ва ўз маҳоратини ишға солишға кўп жиҳатдан боғлиқ. Маҳоратли педагог ўзининг фаолиятида барча зиддиятларни онгли равишда болалар жамоасининг муомаласига қараб ҳал этади. Ўқувчининг ўзига, бошқаларға, умум ишға жавобгарлиги, шахслараро ўзаро ҳамкорликда таъсир кўрсатиш асосида таркиб топиб шаклланади.

Ҳар бир ўқувчининг жамоадаги ўрнини эгаллаши ва жамоа муносабатларини шакллантириш қуйидагилар асосида олиб борилади:

1. Ҳар бир ўқувчи олдиға энг яқин педагогик вазифаларни қўйиб бориш;

2. Ўзаро фикрлаш, ёрдам ва ўртоқликни шакллантирувчи муҳит яратиш;

3. Болалар ҳаётиға ижобий омил бўлувчи жамоатчиликни ҳурматлаш билан боғлиқ фазилатлар;

4. Оилани тарбиявий таъсирини ҳисобға олиш;

5. Синфда жамоа тузилиши, шахснинг ўзига хос сифатлари ва уларнинг ўз ўрни ҳақидаги ахборотдан фойдаланиш;

6. Болаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш билан улар алоқасини мустаҳкамлаш асосида ижодий активликни тарбиялаш.

Фақат ўқиш фаолиятиға эмас, балки ҳулқ-атворға ҳам баҳо бериш ва ҳаказо.

Тарбиячилар тадбирларни ўтказишда турли усуллардан фойдаланадилар: буйруқ, намуна каби шакллардан ўз тажрибасида қўллайди. Асосан тарбиячининг ўқувчиларға бўладиган муносабатлари уч хил турда олиб борилади:

1. Буйруқ мавқеида муносабатда бўлиш. Фавқулодда ҳол юз берганда тарбиявий ишларда бу турдан кам фойдаланиш зарур.

2. Жалб қилиш орқали ўз ишида содиқлиги, ишончи, жамиятға фойда кўрсатиш билан ўқувчиларнинг ўқиш, меҳнат, спорт, сайёҳлик фаолияти доирасида иш тутади.

3. Болалар фаолиятиға аралашмасдан туриб кузатиб иш тутишни назарда тутади.

Педагогик жараёнда муносабатлар тизими педагогик маҳоратға татбиқ этилмаса, тарбия воситалари, методлари ҳам самарали натижа бермайди. Педагог жамоанинг диққат марказида ўзгаришни содир қилади. Мактабда, синфда ва айрим ўқувчиларда бу нарсa энг муҳимдир. Технологик тузим ва муносабатлар тизим тарбиячининг маҳорати тизимида яхши ўрганилган бўлиши мумкин, лекин юкори тарбиявий натижалар бермаслиги мумкин.

Тарбиячи маҳорати, моҳияти жамоада фақат муомалани ташкил қилиш бўлмай, балки жамоа учун қизиқарли ишни ташкил қилиш билан жамоа ижодкорлигини таркиб топтиришдан иборатдир. Жамоа ижодкорлиги болалар эзгу озуларини ривожлантириши ва амалиётда ҳаётни ўзгартириши мумкин. Юксак мақсадларга эришишда педагог қуйидаги ижобий таъсир кўрсатишга риоя қилиши зарур: тарбиянинг ҳаёт билан бирлиги; ахлоқий нормалар ва ҳуқуқнинг бирлиги; ахлоқ ва эстетик алоқаси; болаларга инсонларча ёндашиш; талаб ва ишонч бирлиги; шахсни ҳурматлаш; жинсини ҳисобга олиш; жисмоний ва ахлоқий соғлиги учун ғамхўр бўлиши; меъёрий принциpidир.

Этник тасаввурлар тарбия технологияси билан узвий боғланиши учун тажрибали педагоглар ўқувчилар билан қуйидаги мавзулар бўйича суҳбатлар ўтказди: она Ватан, кекса авлод, ота-она бурчлари нималардан иборат, хоҳиш ва бурчнинг узвийлиги каби суҳбатлар олиб бориш билан тарбиячи тарбияланувчиларнинг ҳаракатларидаги камчиликларни бартараф қилиш, натижада намунали ҳуқуқни шакллантиришга муваффақ бўлади. Бу албатта тарбиячидан маҳорат талаб қилади.

Тарбиячи маҳорати – бу ижодкорлик

Тарбиячи болага таъсир кўрсатишда тарбия воситаларини танлаб, қидириб уни ижодий қўллайди.

Тарбияланувчиларнинг тўғри тарбиялашда тарбиячи педагогик вазифаларни ҳал этишда расмий бўлмаган услублардан фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлади.

Синфда тарбиявий ишларни режалаштириш. Маълумки, режалаштириш ижодий жараён бўлиб, бошқаларга унинг шаклини тавсия қилиш тўғри эмас. Ёш ўқитувчилар тажрибали раҳбаридан илгари сурилган асосий ғояларни олиши фойдали. Ахир илғор тажрибани узатиш индивидуал ижодкорлик учун асосий ғоядир Ҳамма ишлар бўлса, кенгайтирилган режа, катта билим ёки билимчалардан иборат бўлмай, балки кунлик схема тарзида бўлса мақсадга мувофиқ; нима қилиш, ким бажаради, қандай муддатда. Режалаштириш жорий ва перспектив шаклда олиб борилади.

Тарбияси қийин болалар билан ишлаш. “Тарбияси қийин”лар билан ишлаш – тарбиячи учун энг қийин, мураккаб иш бўлиб, ундан доимо ўта диққали, сабр –тоқатли, маҳоратли, зийракликни ва меҳрли бўлишни талаб қилади. Бу соҳада В.А.Сухомлинскийнинг қуйидаги методик тавсияларни кўрсатиш мумкин : ”Инсонга инсоннинг”, “Инсон ҳақида оила”, “Гражданининг туғилиши”, “Қийин тақдирлар” ва ҳ.к.

В.А.Сухомлинский маслаҳатларига асосланиб иш тутган моҳир педагоглар “тарбияси қийин”лар билан ишлашда учта йўналишда иш олиб боришни тавсия этади: шахснинг мақсадга йўналганлиги, умумий ривожланиш даражаси, ахлоқий тарбияланганлик даражаси.

Н.Ғ.Шукуровнинг “Тарбияси қийин” бўлган болалар билан ишлаш мазмуни қуйидагича:

а) болалар онгида кўзғалишни уйғотиш орқали “Ўз онгини” ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳурмати шакллантириш.

б) меҳнатни илмий асосда ташкил этиш – бу ўқувчиларнинг таълим-тарбиясига энг юқори натижага эришишда ўқитувчининг вақтдан самарали фойдаланишига тушунилади. Тажрибасиз ўқитувчи тарбиявий ишни ташкил этишда унинг мазмуни билан банд бўлиб, илмий-педагогик асосда ташкил қилишни ўз вақтида бажара олмайди. Тажрибали ўқитувчи ундай тарбияни олиб боришда шароити, синф жамоасининг тарбияланганлигини, олиб борилаётган тарбиянинг мақсадини олдиндан режалаштириб олиши зарур.

Ёш ўқитувчи, тажрибани фақат ташкил этишни ва уни ўтказишни назарда тутди. Моҳир ўқитувчи эса, уни конкрет вақтда, бир неча таълим-тарбиявий мақсадни амалга оширишда режа асосида ишлаб юқори натижани кўлга киритади. Педагогик жараёнда вақтни тежайди, восита ва мавжуд имкониятдан максимал фойдаланади. Масалан, жамоа бўлиб кинофилм кўришни ташкил қилиш ва ҳ.к.

в) тарбия натижасини ҳисобга олиш. Тарбия натижаси ўқувчининг хулқ-атворидаги ўзгаришлар билан ўқишга яъни меҳнатга бўлган муносабатларида ўз ифодасини топади. Тарбиявий фаолиятнинг самарадорлигини аниқлаш жуда қийин ва мураккаб ишдир. Ўқувчиларнинг тарбияланган даражасини аниқлашда улар билан олиб борилган тadbирлар сони билан эмас балки натижаси билан хулоса қилиш тўғри бўлади. Тарбиявий ишларда баҳо беришнинг асосий мезони ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасидир.

Ўқувчилар тарбияланганлик даражасини қандай сифатлар белгилайди? Илмий тадқиқотчилар **В.А.Юриков, М.Н.Плаховлар** қуйидагиларга диққатни қаратади:

1.Ўқувчининг ўқишга, ўқув машғулотига қизиқиш ва илмга интилиш даражаси ва ҳ.к.

2.Ўқувчининг меҳнат фаолиятига, меҳнат топшириқларини сифатли қилиб бажаришни фойдали меҳнатда қатнашиши ва ҳ.к.

3.Ўқувчининг бир-бирига -, ўртоғига, ўзаро ҳамкорлиги, синф жамоасига, дўстларига, мактабда ўқитувчиларга муносабатларига ва ҳ.к.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1.”Маҳорат” тушунчасини таърифланг.

2.Педагогни индивидуал маҳоратини тушунтириб беринг.

3.Педагогик маҳорат ва унинг шакл, усуллари ҳақида гапиринг.

4.”Бошқариш” тушунчасини таърифланг.

16-мавзу: Шахслараро ва миллатлараро муомала маданияти – педагогик маҳорат шакли сифатида (2 соат)

Таянч иборалар: Педагогнинг ўқувчилар билан муомала маданияти, муомала маданиятини шакллантириш, алломаларнинг муомала маданияти тўғрисидаги фикрлари.

Асосий саволлар:

1.Муомала маданияти тушунчаси.

2.Шахслараро ва миллатлараро муомала маданияти.

Муомала ахборот жараёни ҳисобланади. Чунки ахборот педагогдан ўқувчиларга ёки аксинча ўқувчилардан педагогларга боради. Педагог бевосита шахслараро муомаладан ўз тарбияланувчилари, умуман коллектив ҳақида, ундаги ички жараёнлар ҳақида ғоят ҳилма-хил ахборотга эга бўлади. Педагог муомала жараёнида ўз тарбияланувчиларига ҳам мақсадга қаратилган ахборотни, ҳам унинг ўқувчиларга мурожаатида тағмаъно тарзида батамом кириб борадиган ахборотни маълум қилади.

Болалар билан бевосита муомала педагогга жамоадаги ёки айрим ўқувчилардаги бирон-бир воқеани ривожланиш жараёнида ўрганиш зарур бўлганда рўй бераётган ҳодисалар ва жараёнларнинг сабаб-оқибат алоқаларини пайқаб олишда, уларнинг туғилиши, пайдо бўлиши ва ривожланишни кузатиш, бундан ташқари, бу ҳодисалар ва жараёнларнинг янада ривожланиши тўғрилигини маълум даражада олдиндан айтиб керак бўлганда ҳам зарурдир. Бу ҳол биринчи навбатда педагог билан ўқувчилар ўртасида қарор топган муносабатларга боғлиқ бўлади. Лекин педагогнинг шахси ҳам катта рол ўйнайди.

Кишилар ўртасида нормал муносабатлар ўрнатиш учун муомала маданияти катта аҳамиятга эга.

У характернинг кишиларга ҳурмат, хайрихоҳлик, сабр каби белгиларидан ташқари яна хушмуомалалик, назокатлилиқ каби алоҳида белгиларни ривожлантиришни ҳам назарда тутди.

Хушмуомалалик – асосий мазмун инсоний муомаланинг турли вазиятларда ахлоқнинг муайян қоидаларига риоя қилиш, одобга риоя қилиш одатларидан иборат характер белгисидир.

Аввало инсоннинг бошқалар ҳақидаги биринчи тасаввурини у билан танишганда ўзгартира олиш қобилиятидир. Кўп ҳолларда бу дастлабки таассурот анча чегараланган ахборот асосида вужудга келади. Янги танишимизнинг аслида қандай одамлигини биз билмаймиз, фақат қандай кўринишга эканлигини кўрамиз ҳалос. Шунинг учун хулқ манераси , кийимининг мослиги буларнинг барчаси бизнинг унга бўлган биринчи муносабатимиз характерига жиддий таъсир кўрсатади. Кийимига қараб кутиб олишади, ақлга қараб кузатиб қолишади, аммо инсоннинг кийимидан ақлигача баҳо бериб чиқиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Ўқувчиларнинг муомаласини ташкил этиш педагогик таъсир кўрсатишнинг шундай гуруҳига кирадики, у фақат алоҳида бир ўқувчига қаратилиб қолмасдан балки ўқувчиларнинг муайян бирлигига – мактаб жамоасидан тортиб, ошно-оғайнилар билан гуруҳига ҳам мўлжалланган. Шу муносабат билан муомалани ташкил этиш усуллари тизимини ўз ичига олади, улар ёрдамида таълим-тарбия жараёнининг мазмуни ўқувчилар муомаласининг мазмуни асосига айланади, ўқувчиларнинг муомаласини назарда тутиб турадиган таълим-тарбия жараёнининг ташкил этишнинг қулай шакллари муомала учун яхши шароит яратади, муомаланинг ва умуман тарбиявий иш тизимининг тарбиявий самарадорлигига бевосита ва бавосита таъсир кўрсатади.

Ўқувчиларнинг ижодкорлиги учун иложи борида кўпроқ имконият яратиб бериш зарур, бу уларнинг муомала шакллари ва усулларини ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёжини фаолаштириш энг муҳим омиллардан ҳисобланади.

Абдулла Авлоний ўзининг “**Туркий гулистон ёхуд ахлоқ**” асарида кишиларнинг илмий, тарбияли ва шунингдек кишиларнинг бир-бирига бўлган муомалалари яхши бўлишини таъкидлайди. Мулойимлик, хушмуомалалик, ҳаракатлилик, хушфеъллик – доимо кўнгил очиклик. Хушмуомалик ҳақида Хадиси Шарифда шундай ёзилади: “ Аллоҳ таолло хушмуомалали ва очик юзли бандаларини дўст тутди”.

Ал-Хоразмий, Фароби, Беруний, Б.Накшбандий, Умар Ҳайём, Ибн Рушд, Жалолиддин Давоний, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур, Огаҳий ва бошқа кўплаб Турон сарзаминидан етишиб чиққан алломалар ижоди ҳамм шу тамойиллардан озиқланган.

Ал -Фаробий ҳамма яхши хусусиятлар инсон томонидан туғилишидан сўнг орттирилишини таъкидлайди. У бирор бир ҳаракатнинг муттасил такрорланишини одат деб атар экан, яхши ҳислатга ҳам одатланиш мумкин деб ҳисоблайди. У ҳар бир ҳодиса ўртача меъёрга бўлгани маъқул, деб ҳисоблайди, негаки, масалан, жасурлик: яхши инсоний фазилатларга мансуб бўлса-да, меъёр сақланмаса ақлсизлик билан баробар бўлиши мумкин. Сахийлик, дўстлик, хушмуомалалик ва бошқа фазилатлар ҳам ўртача меъёрга бўлишини маъқул деб ҳисоблайди. Бу фикр миллатлараро мулоқот маданиятига киришувчи томонларнинг ахлоқ-одоб муносабатида мўтадил меъёрни сақлаш принципига асосланади.

Умуман миллатлараро мулоқот маданиятини шакллантиришга бўлган эътибор қанчалик юксак даражада бўлса, жамиятнинг маданий, иқтисодий ривожланиши ҳам маълум даражада ана шу муносабат билан ҳамоҳанг бўлади.

Яхши сўз ҳам садақа эканлиги ҳақида **А.Навоий ёзади:**

Не учунким расул қавли билан :

Яхши сўз бордир ўйлаким садақа.

Миллатлараро мулоқот маданияти тушунчаси муаммо устида илмий изланиш олиб борган муаллифлар томонидан турлича таърифланган. Бу

тушунча З.Т.Гасанов фикрига кўра (Доғистон ,1984) турли миллат ваиллари орасидаги ўзаро алоқалардан иборат бўлиб, мазкур алоқалар миллий қадриятлар сифатида рўёбга чиқади. Мазкур алоқалар жараёнида эса синфий унсурлар миллий қадриятлардан устун туради, деб изоҳланса, А.М.Магомедов (Доғистон, 1990) бу тушунчани инсоний одобдан бошқа нарса эмас, деган фикрни билдиради. Бошқа муаллиф эса (М.С.Джунусов,1990) мазкур тушунча ўзга миллат тили, маданияти, урф-одатини ҳурмат қилиш ҳамда уларда ўзиникини андоза сифатида қабул қилишни талаб этмасликни англатади, деб изоҳлайди. Бизнинг назаримизда, миллатлараро мулоқот маданияти тушунчаси муайян миллат шахсиятида шаклланган миллий, умумбашарий қадриятлар асосида юзага келувчи инсоний фазилатлар мажмуидан иборат бўлиб, ўз кўлами жиҳатидан маънавий, маданий одоб маданияти тушунчаларидан кейин, умуман маданият тушунчасидан эса торроқ бўлган интегратив тушунчадир. Бошқача қилиб айтганда, мазкур тушунча маълум мулоқотга киришувчи томонлардаги миллий қадриятларга асосланувчи мулоқотни умуммаданий таркибга эга бўлган савияни англатади. Миллатлараро мулоқот маданияти тушунчаси илмий истеъмолга яқинда кириб келган бўлсада, унинг илдизлари мозийга томон сингиб кетгандир: у жаҳонда яшаётган ҳар бир халқ , миллат ва элатнинг миллий педагогикаси, адабиёти, тарихи ва санъатидан ҳамда мазкур қадриятлар заминида юзага келувчи умумжаҳон маданиятидан озиқланади. Мазкур уч булоқ жумҳуриятимизда миллий қадриятларимизнинг тикланиши ва такомиллашувида ҳал этувчи ролни ўйнайди.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

- 1.Муомала маданияти нима?
- 2.Муомала ва муносабатнинг фарқи нимада?
- 3.Шахслараро муносабатларнинг турлари ҳақида гапиринг.
- 4.Миллатлараро муомала маданияти нима?
- 5.Миллий тарбия нима?
- 6.Миллий ғоя нима?
- 7.Миллий дунёқараш нима?
- 8.Умуминсоний қадриятлар.

17-мавзу: Миллий мактаб ва унда педагогик маҳорат масалалари. Шарқона педагогик маҳорат масалалари (2соат)

Таянч иборалар: Миллийлик, миллий мафкура, миллий мактаб, мафкуравий бурч, мафкуравий кайфият, маънавият ва мафкура, мафкуравий фаолият, мафкуравий янгиланиш, мафкуравий эҳтиёж.

Асосий саволлар:

- 1.Миллий мактаб ва унда педагогик маҳорат масалалари.
- 2.Шарқона педагогик маҳорат масалалари.

1.Миллий мактаб ва унда педагогик маҳорат масалалари.

Ҳар бир халқнинг миллий тили, урф-одати, таълим-тарбия ва ҳаётга нисбатан миллий қарашлари тизими мавжуд. У ана шулар билан бошқа миллат ва халқлардан ажралиб туради. Барча халқларга ўхшаш хусусият – умуминсонийликни, ўхшамаслик эса – миллийликни белгисидир.

Миллийлик – бу энг аввало умуминсоний бойлик. Ёки, умуминсоний қадрият миллийликсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас.

Бошқача қилиб айтганда, ҳамма томонидан умумий инсоний фазилат сифатида тан олинган фазилатлар – **умуминсоний фазилатлардир.**

Миллий мафкуранинг ҳаётга кириб бориши, аввало, унинг ахлоқий фазилатлар ва миллий қадриятларга нечоғлик таянишига боғлиқ. Миллий мафкура Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек “Халқимизнинг азалий анъаналарига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдиришга хизмат қилишидан, унда жамиятимиздаги барча кучлар, ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари, аҳоли турли табақаларининг ўй-фикрлари, орзу-умидлари ўз ифодасини топтоғи лозим. У давлатимиз фуқароларини улуғ мақсад йўлида бирлаштиришга кўмаклашмоғи керак”.

Мафкуравий бурчни англамасдан туриб миллий мафкурани шакллантириб бўлмайди. Мафкуравий бурч – инсоннинг ўз-ўзини англашнинг ибтидоси.

Мафкуравий бурч инсоннинг ўз халқи, Ватани олдидаги, уларнинг маънавий бойликлари олдидаги маъсулиятини ҳис қилишидир. Мафкуравий бурчни англаш инсонни эркин яшашга ўргатади. Шунинг учун улуғ немис шоири И.Гёте” Ўз бурчингни адо эт, ўша заҳоти ўзингни англайсан “, деган эди.

Инсон фаолиятининг жамият, давлат ва жамоатчилик томонидан баҳоланиши натижасида кайфият **мафкуравий кайфият** бўлади.

Кўтаринки мафкуравий кайфиятни шакллантириш педагогик маҳорат фанининг вазифаларидан биридир. Бунинг учун инсонда “ўз-ўзини таъқиқлаш”, “ўз-ўзига танқидий қараш” кўникмаларини ҳосил қилиши лозим.

Педагогик маҳорат фанининг яна бир муҳим вазифаси бўлажак мутахассисларда маънавият ва мафкура бирлигини шакллантиришдан

иборатдир. Маънавият ва мафкура бир-биридан ажралмас тушунчалар, бироқ маънавият мафкурадан кўра кенгроқ маънога эга. Маънавият биз қураётган ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятининг мафкураси бўлган умуммиллий мафкурага мувофиқ келади ва уни ўзида ифода этади. Худди ана шу маънода Президентимиз И.А.Каримов “ Маънавиятни мафкуравий ақидалардан халос қилиб, миллий ўзлигини англашни тиклаш, ҳурфикр, миллий шакллантириш ҳам ривожлантиришга кенг йўл очиб олдик, эндиги асосий вазифа одамларимизни ана шу билимлар билан бойиб, маънавий жиҳатдан юксалишга, ўзлари ўз ҳаётларини яхши томонга ўзгартира олишларига бўлган ишончни мустаҳкамлашдан иборат” деб ёзганлиги алоҳида аҳамиятга эгадир.

Педагогик маҳорат фани бўлажак мутахассисларнинг мафкуравий фаолиятга тайёрлашнинг ҳам услубий, илмий имкониятларни ўзида мужассамлаштиргандир.

Мафкуравий фаолият – ижтимоий ҳаётда рўй берган туб ўзгаришлар ва ҳодисаларга нисбатан илмий дунёқарашни шакллантириш, фуқаролар онги ва тафаккурини жунбушга келтириш, атеизм шакллантирган кемтик эътиқоддан ҳамда манқуртларга бир ёқлама ёндашишдан воз кечиш ҳамда ҳаёт мезонларини мукаммал ва тўла билишга йўналтирилган жараёндир.

Инсоннинг мафкуравий фаолияти жамиятнинг барча соҳаларига иқтисодий, ижтимоий, маънавий , миллий , диний муносабат ва эътиқод кўринишларида содир бўлади.

Демак, педагогик маҳорат сирларидан воқиб бўлган мутахассисларгина бу соҳада энг тўғри йўлни танлашлари ва бошқаларга ҳам йўл кўрсатишлари мумкин. Чунки мафкуравий , миллий фаолиятнинг барча йўналишлари охир оқибат инсоний фазилатларни шакллантиришга ёрдам беради. Демак, тарбия жараёни мафкуравий жараёнининг негизини ташкил этади. Унинг методик таълимоти эса педагогик маҳорат сирларини ўрганиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Педагогик маҳорат ўзига хос фан сифатида **мафкуравий янгиланиш** яъни жамиятнинг тараққиёт мақсадини ислоҳ қилиш, янги, миллий тараққиётга хос мафкуравий кадриятларни яратиш, мафкурани шакллантирувчи омилларни янги мазмун билан бойитиш, ҳар бир мутахассисда Ватанга муҳаббат, миллий ғурур, одоб, миллатлараро муомала маданияти, виждонлилик, тadbиркорликни уйғун, самарали юксалтиришга эришиш, аҳолининг сиёсий, мафкуравий жипслигига эришиш, ёшлар ижтимоий онгида жамият ривожланиши босқичларини танқидий ўрганиш, фикр юритиш, меҳнат ва ижтимоий-маънавий фаолликнинг онгини, иқтисодиёт, сиёсат, маданият соҳаларида содир бўлаётган жараёнларга ижобий муносабатда бўлишдаги кескин ўзгаришларни амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Бунинг учун эса педагогик маҳорат фани бевосита мафкуравий эҳтиёжни ҳам ўрганади ва мутахассисларни унинг талаби асосида таълим-тарбиявий фаолиятга тайёрлайди.

Мафкуравий эҳтиёж – бу жамиятнинг миллий ва умуминсоний муҳитдан келиб чиқувчи, унинг ажратилган тараққиёт йўлини белгилаб олишга ёрдам берадиган бутун ички имкониятларнинг юзага чиқишига бўйсунувчи талаблар мажмуидир. Агар мақсад аниқ бўлсагина, мафкуравий эҳтиёж воқеликка айланади.

Мафкуравий эҳтиёж, аввало, жамиятимиз тараққиёти ва йўлини белгилаб олишдан келиб чиқади. Иккинчидан, миллий мафкурага бўлган эҳтиёж уни шакллантириш учун зарурий ғоявий манба ва асосларга муҳтож бўлади.

Учинчидан, биз ўз жамиятимиз мазмуни ва моҳиятини ҳар бир фуқаро онгига еткиза билишимизга, демак педагогик маҳорат фани метод ва усулларига мурожат этишимизга боғлиқ. Тўртинчидан, халқаро ҳамжамият олдида ўз тараққиёт йўлимизни асослаб беришимиз зарур. Бешинчидан., халқаро миқёсдаги ғоялар курашининг кучайиши юз бермоқда. Чунки ХХІ аср ғоялар кураши асридир. Тожикистондан Шимолий Африкага қадар мамлакатларда турли хил оқимлар ғоявий-сиёсий, ақидавий курашининг кучайиши ва улар мамлакатимизнинг ичида ғоявий муҳолифларнинг қимирлаб қолиши, Ислом байроғи остида турли хил экстремистик гуруҳлар ўз ғояларини ёшларимиз онгига сингдиришга бўлган уринишнинг кучайиши. Бу мамлакатимиз тинчлиги ва тараққиётига сиёсий хавф солмоқда, ҳамда бунга бефарқ қараш мутлақо мумкин эмас.

Педагогик маҳорат фанининг энг муҳим функцияларидан бири педагогик маҳорат сирлари билан ёш мутахассисларни қуроллантириш баробарида мафкуравий эҳтиёжнинг кишининг ўз-ўзини англашида тутган ўрнининг нақадар муҳимлигини улар онгига сингдиришдан иборатдир

2.Шарқона педагогик маҳорат масалалари.

Педагогик маҳорат фанининг ёшларга кўрсатадиган тарбиявий таъсири аввало унинг ахлоқий фазилатлари ва миллий қадриятларга нечоғлик таянишга боғлиқ. Демак, унинг муваффақиятга эришиши фақатгина умуминсоний қадриятлар – Европа, АҚШ, умуман чет эл педагогик маҳорат сирларини ўзлаштириш билангина чекланиб қолмай, балки миллий мафкуранинг исломий қадриятлар ва у яратган бойликлардан қай даражада фойдаланишига ҳам боғлиқдир.

Бу ўз навбатида миллий тарбия мезонларининг умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилишини таъминлайди.

Ислом оламининг буюк алломалари бўлган ал-Бухорий, ал-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Ахмад Яссавий, Хўжа Ахрори Вали, Махдуми аъзам Косоний (Дахбедий)ларнинг педагогик қарашлари ва маҳоратлари уларнинг Ватан, муҳаббат, эзгулик, инсонпарварлик, ахлоқ, ҳалоллик, меҳнатсеварлик ҳақидаги фикрлари, айниқса, ота-она, ўқитувчи, кекса кишилар, меҳмон олдида ўзини қандай тутиш, ахлоқ-одоб ҳақидаги ўғитлари замонавий педагогик маҳорат фани учун манба бўла олади.

Ўзбек халқи, умуман , Шарқ халқлари эртақ ва дostonлари, халқ оғзаки ижоди, халқ китоблари ва буюк донишмандларнинг ахлоқ-одоб

тўғрисидаги ўғитларини умумлаштирганимизда Шарқ ўқитувчиси ва ўқувчиси учун муштарак бўлган маҳорат намуналарини кўрамиз.

Ҳар бир жиддий ишни ота-она (ёки устоз) билан маслаҳатлашган ҳолда бошлаш: самимий саломлашиш; оиладаги, қишлоқдаги, маҳалладаги, гузар, турар жойдаги мавқеи, ҳурмати, мактабдаги ҳурмати, оила, ота-боболар номи, обрўсини сақлашга ҳаракат қилиш, миллий маросимларда қатнашиш одоби, ўтган аجدодлар тажрибасини ёшларга сабот билан ўргата билиш, катталар ва устозларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, гапни кесмаслик, кексаларнинг олдини кесиб ўтмаслик, саволга эҳтиром ва одоб билан, ўйлаб жавоб қайтариш, махмадоналик қилмаслик, иғво қилмаслик, катталарнинг нуқсонини бетгачопарлик билан юзига айтмаслик, устоздан кейин туриш, машғулотга ундан олдин келиш, кичиклар, айниқса, қиз ва аёлларга ғамхўрлик қилиш, ғурурли, камтарин, шижоатли ва мард бўлиш, ҳамма ишда покизаликка эътибор бериш ва ҳ.к.

Педагогик маҳорат фанини чуқур ва ҳар томонлама эгаллашни мақсад қилиб олган ҳар бир мутахассис юқорида баён қилинган шарқона одоб-ахлоқ нормаларини эгалламас экан, ўз мақсадига эриша олмаслиги тайин.

Буюк мутафаккир Абу Али Ибн Синонинг педагог маҳорати ҳақидаги қуйидаги ўғитлари диққатга сазовардир. У “Тадбири манзил” асарида ёзишича, болаларни жамоа-жамоа қилиб ўқитиш лозим. Бундай таълим қуйидагича фойда келтиради: 1) Уларда фанларга нисбатан қизиқиш уйғотади. Ўз билимларидан фахрланиш, бошқаларнинг билимига ҳавас уйғотади. Ғурур бошқалардан орқада қолмасликка, улардан ўзиб кетишга ундайди. 2) Бир-бирлари билан муомала қилишлари жараёнида нутқлари ўсади, хотиралари мустаҳкамланади. Демак, мустақил равишда билим олишга ҳам йўл очилади. 3) Жамоавий таълимнинг бир ижтимоий фойдаси шундаки, ўқувчилар ўзаро дўстлашадилар, бурч ва вазифалари ҳақида бахслашадилар, мусобақалашадилар. Буларнинг ҳаммаси бахс-муҳокама объекти сифатида намунали хулқ-атвор нормаларини тарбиялаш учун хизмат қилади.

Мустақил иш топшириқлари

Мавзу: Педагогик маҳоратнинг таърифи ва тузилишини таҳлил этиш.

МЕТОДИК КЎРСАТМАЛАР:

“Педагогик маҳорат”нинг таърифи, унинг тузилишини ўрганиш лаборатория ишининг асосий мақсади ҳисобланади. “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ҳар бир олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассис педагогик маҳорат соҳиби бўлишлиги, касбини камолотга етказиши лозимлиги таъкидланган. Ушбу мақсадда олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида педагогик маҳоратни ўқитувчилар орасида оммалаштириш мақсадида анжуман ва семинарлар ўтказилмоқда, хатто шу номда педагогик журналлар (Бухоро давлат университетида) нашр эттирилмоқда. Бу масалага малака ошириш тизимида ҳам эътибор кучайтирилган.

1-топшириқ.“Педагогик маҳорат” фани бўйича мустақил ўқиш учун тавсия этилган адабиётлар ҳамда матбуотда эълон қилинган материалларни диққат билан ўқинг ва конспектлаштиринг. Таълим-тарбия самарадорлиги ва сифатини оширишда педагогик маҳоратнинг роли ҳақида хулоса чиқаринг.

2-топшириқ.“Педагогик маҳорат” тушунчасини таърифланг ва унинг тузилишини таҳлил этиб беринг.

2-топшириққа эталон жавоб: Педагогик маҳорат бу фаҳм-фаросат ва билимларнинг чинакам илмий , тарбиядаги қийинчиликларни енгишга қодир бўлган обрўли раҳбарликнинг, ўқувчилар қалбининг қандайлигини ҳис қила олиш маҳорат , ички дунёси , нозик ва заиф бўлган бола шахсига авайлаб моҳирона ёндашиш , донолик ва ижодий дадиллик , ҳаёл ва фантазияга бой бўлган қобилият мажмуидир.

Мавзу: Буюк педагогларнинг педагогик маҳорат тўғрисидаги фикрларини ўрганиш

МЕТОДИК КЎРСАТМАЛАР:

“Педагогик маҳорат”нинг асосий пойдеворини касбга доир билимлар ташкил этади. Бундай билимлар тизими эса ўқитилаётган фан тизимини, услубияти, педагогикаси ва психологиясига доир билимларни ўз ичига олади. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунида (5модда) “Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги, бой ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга” эканлиги таъкидланган. Бу ўринда хорижий ва буюк Шарқ педагогларининг педагогик маҳорат тўғрисидаги фикрларини ўрганиш катта аҳамиятга эга.

1-топширик. К.Ушинский, Л.Толстой, А.Дистерверг, Э.Тагенинг педагогик маҳорат ҳақида айтган фикрларини диққат билан ўрганинг ва конспектлаштиринг.

2-топширик. Ал-Хоразмий, Ал-Фаробий, Ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф хос Хожиб, Бурхониддин Зарнужий асарларини (рўйхатдан олиб) диққат билан ўрганинг ва уларнинг педагогик маҳоратга доир қарашларини конспектлаштиринг.

1-топшириққа эталон жавоб:

К.Ушинский: Тарбия санъати шундай хусусиятга эгаки, деярли барчага таниш ва тушунарли, баъзиларга эса жуда осон иш бўлиб туюлади. Одам бу иш билан назарий ва амалий жиҳатдан қанча кам таниш бўлса, унга шунчалик тушунарли ва осон бўлиб кўринади. Деярли бунинг учун туғма қобилият ва малака, яъни кўникма керак деб айтадилар, лекин жуда кам одам сабр-тоқат, туғма қобилият ва малакадан ташқари яна махсус билимлар кераклиги ҳақида ишонч ҳосил қилади.

Л.Н.Толстой: Агар ўқитувчи фақат ўз ишига ҳавас қўйган бўлса у яхши ўқитувчи бўлади. Агар ўқитувчига фақат отаси, онаси каби ҳавас қўйган бўлса у олдинги ўқитувчидан яхшироқ бўлади. Борди-ю, мужассамлаштира, у ҳолда у мукамал ўқитувчи бўлади.

А.Дистерверг: Ўзинг билмаган нарсани бировларга ўргата олмайсан.

Е.Таге: Ўқиш санъати ўзганинг кўмаги ёрдамида фикр юритиш санъатидир. Ўқиш ўзга билан биргаликда фикрлаш, ўзганинг фикрларини мулоҳаза қилиб кўриш, ўзимизнинг фикрларимизни ўлчаш ва унга зид фикрларни ҳаёлдан ўтказиш демакдир.

Мавзу: Педагогик таъсир воситаларини амалий ўрганиш

МЕТОДИК КЎРСАТМАЛАР:

Педагогик таъсир кўрсатиш тушунчаси, усуллари, таъсир этиш техникаси ҳамда нутқ техникасини ўрганиш асосий мақсад ҳисобланади.

1-топширик. Педагогик таъсир кўрсатишни таърифланг.

2-топширик. Педагогик таъсир кўрсатиш усуллари ҳақида умумий тушунча беринг.

1-топшириққа эталон жавоб. Педагогик таъсир кўрсатиш ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали фаолиятини педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ ташкил этишга хизмат қиладиган воситалар тизимидан иборатдир. Бу воситалар тарбияланувчи шахсига қаратилган бўлиб, болаларнинг хулқ-атворини рағбатлантиради, уларнинг қийин ва мураккаб вазифаларни қиёслаш, ижодий завқ-шавқ манбаига, ҳар бир ўқувчининг шахсий муддаосига айлантиради.

2-топшириққа эталон жавоб. Педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий усуллари: ишонтириш, талаб, истикбол, рағбатлантириш ва жазолаш, жамоатчилик фикридир.

Мавзу: Педагогик техника

МЕТОДИК КЎРСАТМАЛАР:

Тавсия этилган адабиётларни синчиклаб ўрганиб, педагогик техника тушунчаси в унинг тузилиши, педагогик маҳорат ва техниканинг бири-бирига муносабати, педагогик техникани эгаллаш йўлларини топшириқлар асосида бажаринг.

1-топширик. Педагогик техника тушунчаси ва унинг тузилишини ўрганиш.

2-топширик. Педагогик маҳорат ва техника.

1-топшириққа эталон жавоб. Педагогик техника – ўқитувчи фаолиятининг ботиний мазмунини ҳамда зоҳирий ифодасининг гармоник бирлигидан иборатдир. Педагог маҳоратининг маънавий маданияти ҳамда педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган зоҳирий ифодаси синтезидан иборатдир (Н.Н.Тарасович). Шундай қилиб техника – усуллар ўқув-услугий мажмуасидир. Унинг воситалари эса – нутқ ва мулоқот воситаларидир. ”Педагогик техника” тушунчаси ўз ичига 2 гуруҳ таркибий элементларни олади:

1.Ўқитувчининг одоб- ахлоқий кўникмалари билан боғлиқ бўлган элементлар: ўз жисмини(мимика, пантомимика) бошқара билиш; ҳис-туйғу, ҳаяжон, таъбини бошқара билиш (ортиқча руҳий зўриқишлардан осонлик билан халос бўла олиш, ижобий муҳитни тўғрича билиш); диққат қила билиш, кузатувчанлик, тасаввурнинг енглиги; нутқ техникаси (нафас, овозни бошқариш, диксия, нутқ тезлиги (темпи)).

2.Шахс ва жамоага таъсир кўрсата билиш техникаси таълим-тарбиянинг технологик томони билан боғлиқ бўлиб, буларда : дидактик,

ташкилий, ижодийлик, муомала кўникмалари; талаб қила билиш, педагогик мулоқотни бошқара билиш, жамоатчилик ижодий фаолиятини ташкил эта билиш ва бошқалар кирази.

2-топшириққа эталон жавоб. Педагогик маҳоратнинг ошиши ўқитувчининг техникаси ривожланишига боғлиқдир. Унинг техникаси эса, педагогик маҳоратни эгаллаш жараёнида ривожлана боради.

Мавзу: Овозни, нутқни бошқаришнинг амалий асослари.

МЕТОДИК КўРСАТМАЛАР:

Тавсия этилган адабиётларни синчиклаб ўрганиб ва нутқни бошқаришнинг илмий асосларига таянган ҳолда (тўғри нафас олиш, талаффуз ва диксияни созлаш, нутқни, талаффузни, диксияни пантомимик ва мимик ҳаракатлар билан уйғунлаштириш) театр педагогикаси таъсири асосида бажарилади.

1-топшириқ. Педагогик муомаланинг тузилишини ўрганиш.

2-топшириқ. Ўқитувчи муносабати шаклларини ўрганиш.

1-топшириққа эталон жавоб. Педагогик муомала қуйидагича тузилган бўлади:

1. Синфда бўладиган муомаланинг педагогик томонидан моделлаштирилиши (прогностик босқич)

2. Дастлабки ўзаро фаолиятга киришувданоқ бевосита муомалага киришиш (коммуникатив ҳужум)

3. Педагогик жараёнда муомалани бошқариш

4. Келажакдаги фаолиятни инобатга олган ҳолда қўлланилган муомала системаси ва моделлаштиришни таҳлил этиш.

2-топшириққа эталон жавоб. Ўқитувчи муносабатларининг қуйидаги шакллари мавжуд:

1. Дўстона муносабат

2. Нейтрал муносабат

3. Ёмонлашган муносабат

4. Авторитар муносабат

5. Ўзаро ҳамкорлик муносабати.

Мавзу: ”Ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муомала маданияти ва педагогик ҳамкорлик” мавзусини ўрганиш.

МЕТОДИК КўРСАТМАЛАР:

Тавсия этилган адабиётларни яхшилаб ўқиб чиқинг, аввало “Муомала”, “Маданият” тушунчаларининг таърифни ёд олинг.

1-топшириқ. Педагогик муомала нима?

2-топшириқ. Ўқитувчи муомаласининг усулларини ўрганиш.

1-топшириққа эталон жавоб. Педагогик муомала – бу ўқитувчининг ўқувчилар билан дарс ва дарсдан ташқари пайтдаги қулай

психологик ҳолат яратиш мақсадида олиб борадиган касбий мулоқоти. Педагогик муомаланинг қуйидаги функциялари мавжуд: 1.Жамиятни янгилаш; 2.Демократиялаштириш; 3.Хўжайинлик тарбияси.

1.Жамиятни янгилаш – педагогик жараён иштирокчилари орасидаги муносабатларни инсонпарварлаштириш орқали ҳал этилади.

2.Демократиялаштириш мактаб билан ҳамкорлик ўқитувчи-ўқувчи, ўқитувчи-педагогик жамоа, ўқувчи –ўқувчи орасидаги ҳамкорликни амалга ошириш орқали амалга оширади.

3.Хўжайинлик тарбияси ҳар бир ўқувчининг шахсий маъсулияти, ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш орқали содир бўлади.

2-топшириққа эталон жавоб. Мулоқотни 2 қисмга бўлиш мумкин: муомала ва ҳамкорликдаги ҳаракатдан ташкил топади. Ўқитувчилар доимо ўз ўқувчилари билан эмоционал турғун муносабатларда бўлганларидагина ўқувчилардаги нуқсонларни осойишталик билан ҳал этишади.

Муомалада ўқитувчининг иш услублари 3 хил бўлади:

- 1.Сўзсиз бўйсунишга асосланган услуби
- 2.Демократик услуби
- 3.Кўнгилчанлик услуби.

В.А.Кан-Калик алоқа услубларини қуйидагиларга ажратиб кўрсатади.

- Ҳамкорликда ижодий фаолият услуби;
- Дўстлик асосида алоқа услуби;
- Масофали алоқа ўрнатиш услуби;
- Дўқлаш, кўрқитиш услуби;
- Ҳазил ёки ўйин асосида алоқа ўрнатиш услуби.

Педагогик хушмуомалалик – ўқитувчининг мақсадга мувофиқ равишда ўқувчига таъсир кўрсатиш маҳоратини белгилаб, самарали услубий алоқасидир.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Баркамол авлод орзуси. –Тошкент, 1999.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.–Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 1-жилд.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби.– Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари – Тошкент: Ўзбекистон, 1999.

8. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
10. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. “Туркистон” газетаси мухбирининг саволларига жавоблар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
11. Каримов И.А. Адолатли жамият сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
12. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда “Туркистон” ахборот агентлиги мухбирларининг саволларига жавоблар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
13. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни – Тошкент, 1997.
14. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. – Тошкент, 1997.
15. Ўзбекистон умумтаълим мактабларининг концепцияси.
16. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент, 1992.
17. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент, 1996.
18. Беруний А. Руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. – Тошкент, 1992.
19. Иброхимов А. (Муаллифдош). Ватан туйғуси. – Тошкент, 1997
20. Кайковус. Қобуснома. – Тошкент, 1994
21. Махкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. – Тошкент, 1994.
22. А. Навоий. Махбуб ул-қулуб. – Тошкент, 1994.
23. Нишоналиев У., Турсунов И. Педагогика курси. – Тошкент, 1996.
24. Одоб бўстони – ахлоқ гулистони. – Тошкент, 1994.
25. Педагогика (Маърузалар матни). Проф. Ғайбуллаев Н.Р. таҳрири остида. – Тошкент: ТошДУ нашри, 1999.
26. Узоқов Х., Ғозиев Э., Тожиев А. Оила этикаси ва психологияси. – Тошкент, 1992.
27. Ўзбекистон педагогикаси тарихи. (Қўлланма). Проф. А.Зуннунов таҳрири остида. – Тошкент, 1997.
28. Ғозиев Н.Р. Таълим- тарбиянинг амалий йўналиши. – Тошкент, 1986.
29. Ғайбуллаев Н.Р. Баркамоллик, махсулдорлик – тараққиёт калити. – Тошкент, 1995.
30. Ғозиев Э. Тафаккур психологияси. – Тошкент, 1990.
31. Ғайбуллаев Н.Р., Ёдгоров Р., Тошмуродова Қ., Маматқулова Р., Ахроров З., Рўзиматов Э. Ижтимоий ислохатлар ва таълим-тарбия. – Тошкент, 1995.
32. Браймон Саймон. Общество и образование. – М., 1996.
33. Педагогика. – Тошкент, 1996.
34. Махмудов М. Мактабда проблемали таълимни ташкил қилиш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981.
35. Хасанова О., Хасанбоев Ж., Хамидов Х. Педагогика тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997.

36. Хасанбоева О., Педагогика тарихидан хрестоматия. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
37. Хошимов К., Нишонова С., Иномова М., Хасанов Р. Педагогика тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
38. Ўзбек педагогикаси антологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
39. Алиқулов Х., Жалолiddин Девоний. – Тошкент, 1992.
40. Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3-бет
БИРИНЧИ БЎЛИМ: ПЕДАГОГИК МАҲОРАТНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ	
Педагогик маҳорат ҳақида тушунча, унинг ўқитувчи фаолиятидаги ўрни ва аҳамияти.....	4-бет
Педагогик фикр ва мактаб амалиётида ўқитувчи маҳорати масалалари. Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар.....	8-бет
Ўқитувчи фаолиятида педагогик қобилият.....	15-бет
Ўқитувчининг коммуникатив қобилияти.....	22-бет
Педагогик таъсир воситалари ҳақида умумий тушунча.....	26-бет
Педагогик жараёнда ишontiриш ва таъсир этиш	32-бет
ИККИНЧИ БЎЛИМ: ПЕДАГОГИК МАҲОРАТНИНГ АМАЛИЙ АСОСЛАРИ	
Педагогик техника	36-бет
Нутқнинг асосий хусусиятлари “нутқ маданияти”	41-бет
Ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муомала маданияти ва педагогик маданият	46-бет.
Ўқитувчининг таълим жараёнидаги маҳорати.....	54-бет
Педагогик назокат ва педагогик одоб-ахлоқ.....	57-бет
Ўқитувчи меҳнатини илмий асосда ташкил этиш.....	65-бет
Ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида ишлаш.....	69-бет
Ўқув-тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш.....	71-бет
УЧИНЧИ БЎЛИМ: ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ-ПЕДАГОГИК ТАЖРИБАНИНГ ЖАҲОНШУМУЛ МАҲСУЛИ СИФАТИДА	
Педагогик маҳоратнинг Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида оммалаштириш усуллари ва йўллари.....	74-бет
Ўқитувчининг тарбиячи сифатидаги маҳорати.....	79-бет
Шахслараро ва миллатлараро муомала маданияти – педагогик маҳорат шакли сифатида.....	82-бет
Мустақил иш топшириқлари.....	86-бет
Фойдаланган адабиётлар рўйхати.....	90-бет